

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳукукида

УДК:

МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ

“Ижтимоий педагогика, психология ва мактабгача таълим” кафедраси

ДАВРОНОВА Гўзал Мавлоновна

**НАСАФ ВА КЕШ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ
ПЕДАГОГИК ҚАРАШЛАРИ**

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ



ДАҚда ҳимоя қилишга рухсат берилган
Магистратура бўлими бошлиғи

“ _____ ” _____ 2011 йил

“Ижтимоий педагогика, психология
ва мактабгача таълим” кафедраси
мудир: _____ проф. А.Чориев

Илмий раҳбар:

_____ проф. А.Чориев

Қарши – 2011

МУНДАРИЖА

Кириш

I-БОБ. ҚАДИМГИ НАСАФ ВА КЕШНИНГ МАДАНИЙ ТАРАҚҚИЁТИДА
ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ.

1.1. Насафлик мутафаккирларимиз асарларида шахс маънавияти
масалаларининг асосланиши ва таълим–тарбия муаммоларининг ёритилиши.

1.2. Қадимги Насаф ва Кешда таълим тарбия тизимининг тутган ўрни.

1.3. Насафлик мутафаккирларнинг

II-БОБ. НАСАФ ВА КЕШ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ ПЕДАГОГИК
ТАЪЛИМОТИ.

2.1. Азизиддин Насафийнинг таълим тарбия қонуниятлари ҳақидаги
қарашлари.

2.2. Абу ал – Мутиъ ан – Насафий ва Абу Ҳафс Насафийнинг илмий
меросларининг баркамол авлод тарбиясидаги ўрни.

2.3. Миллий педагогик ғояларни ривожлантиришга ҳисса қўшган кешлик
алломалар

III – ТАЪЛИМ ТИЗИМИГА НАСАФ ВА КЕШ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ
ПЕДАГОГИК ҚАРАШЛАРИНИ ТАТБИҚ ЭТИШНИНГ АМАЛИЙ
ЖИҲАТЛАРИ

3.1. Таълим тизимига насаф ва Кеш мутафаккирларининг – педагогик
қарашларини татбиқ этишнинг амалий аҳволи

3.2. Олий таълим муассасалари амалиёти тизимига Насаф ва Кеш
мутафаккирларининг педагогик қарашларини татбиқ этишнинг самарали
шакл ва методлари.

3.3. Тажриба-синов ишларининг умумий моҳияти ва самарадорлик
даражаси.

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Иловалар

КИРИШ

Муаммонинг долзарблиги. Мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ Ўзбекистон Республикаси ўзининг истиқбол ривожланиш йўлини белгилаб олди. Суверен республиканинг истиқбол ривожланиш йўли ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборат эканлиги алоҳида эътироф этилди. Жамият ҳаётининг барча йўналишларида олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар ана шу мақсадни тўла амалга оширишга йўналтирилган. Ижтимоий ҳамда иқтисодий соҳаларда олиб борилаётган ислохотлар самарасининг жамият ривожини таъминлаш, унинг истиқболини яратишдаги аҳамияти қанчалик юқори баҳоланса, ёш, суверен давлатнинг жаҳон ҳамжамятида ўз ўрни ва обрў-эътиборига эга бўлишида миллий қадриятлар, миллий маданий меросни асраб-авайлаш, бойитиш ҳамда келгуси авлодларга етказиш шу даражада муҳим саналади. Зеро, миллий ўзликни сақлаш ва уни намоён этиш айнан миллий қадриятларнинг яшовчанлиги, жамият ва шахс маънавиятининг тобора юксалиб бориши билан белгиланади. Бу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов қуйидагиларни алоҳида таъкидлаб ўтади: “Халқнинг маънавияти ва маданияти, унинг ҳақиқий тарихи ва ўзига хослиги қайта тикланаётганлиги жамиятимизни янгиланиш ва тараққий топтириш йўлидан муваффақиятли равишда олға силжишида ҳал қилувчи, таъбир жоиз бўлса, белгиловчи аҳамиятга эгадир”¹.

¹Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Тошкент: Ўзбекистон, 1995. – 139-140-бетлар.

Маълумки, ҳар бир халқнинг миллий тарихи, маданияти ҳамда кадриятлари авлодлар учун ўзликни англашга имкон берадиган муҳим манбалар ҳисобланади. Бинобарин, улар билан танишиш, уларда илгари сурилган ғояларни ўрганиш шахсга у қандай миллат вакили эканлигини англаш, аجدодларнинг турмуш тарзи, ижтимоий мақсадлари, бир-бирлари билан бўлган муносабатлари, анъаналаридан хабардор бўлгани ҳолда миллий кадриятларга садоқат ҳамда ҳурмат кўрсатиш, шунингдек, уларни янада бойитиш йўлида амалий ҳаракатлар ташкил этишга ундайди.

Илм-фаннинг турли йўналишларида фаолият кўрсатиб, миллий маданиятни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўша олган алломаларнинг ҳаётлари ва фаолиятларини ўрганиш, улар томонидан яратилган илмий асарлар билан яқиндан танишиш ёшларда миллий тарих, маданият ҳамда кадриятлар борасидаги мавжуд билимларни янада бойитишга хизмат қилади. Ўз навбатида ўзбек халқи тарихидан муносиб ўрин эгаллаган ҳолда нафақат миллий, шу билан бирга умуминсоний маданият ривожига улкан ҳисса қўшган алломаларнинг қарашларини тадқиқ қилиш муҳим вазифалардан биридир.

Ўрта асрларда Насаф (Қарши) ва Кеш (Шаҳрисабз) шаҳарлари номининг бошқа ўлкаларда маълум ҳамда машҳур бўлишида мазкур ҳудудда яшаб, ижод қилган алломаларнинг муносиб ҳиссалари бор. Мавжуд манбаларнинг айримларида Насаф ва Кеш шаҳарларида яшаб ижод қилган

алломалар юздан ортиқ² деб кўрсатилган бўлса, сўнгги илмий изланишлар натижаларининг далолат беришича, VIII-XII асрларда Мовароуннаҳрда 3000 дан зиёд муҳаддис фаолият кўрсатишган бўлса, 400 дан ортиғи Насафда, 60 дан зиёди Кеш³да умргузаронлик қилганлар.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мустақиллик йилларида қадимий Насаф ва Кеш шаҳарларининг тарихини ўрганишга бўлган қизиқиш кучайди. 2007 йил март ойида Қарши давлат университети қошида “Насафий ва Кешийлар меросини ўрганиш илмий маркази”нинг ташкил этилганлиги эса бу борадаги ишларни кенг кўламда олиб борилиши учун имконият яратди. Айтилиши вақтда Насаф ва Кеш шаҳарларида яшаб ижод қилган алломаларнинг илмий меросини ўрганишга ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда. Сўнгги йилларда Насафий ҳамда Кеший тахаллуслари билан илм-фаннинг турли йўналишларида ижод қилган алломаларининг бой илмий мероси тарих, манбашунослик, ўлкашунослик, археология, фикҳ, адабиёт ва ҳуқуқ йўналишларида ўрганилди. Тўпланган маълумотлар соҳа вакиллариининг эътиборларига ҳавола қилинди. Айтилиши вақтда Р.Сулаймонов (археология), У.Уватов (манбашунослик), П.Рашванов (тарих), Н.Комилов, Д.Тўраев (адабиёт), О.Бўриев, Ш.Каримов, А.Чориев (педагогика)лар томонидан олиб борилган тадқиқотларда Насаф ва Кеш шаҳарлари

² Носир Муҳаммад . Насаф ва Кеш алломалари. – Тошкент: Ғофур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2006. – 126 бет.

³ Насаф ва Кеш тарихи манбаларда / Республика илмий-назарий конференцияси материаллари. Масъул муҳаррир О.Бўриев. – Тошкент: Қарши давлат университети, 2010. – 3-бет.

алломаларининг ижтимоий-фалсафий, тарихий, шунингдек, бадий мазмунга эга қарашлари тадқиқ этилмоқда. Дастлабки ўрганиш натижалари юқорида кўрсатилган йўналишлар бўйича насафлик ва кешлик алломаларнинг таълим ва тарбияга оид қарашлари педагогика тарихи соҳасида мустақил ҳолда етарли даражада ўрганилмаганлиги аниқланди. Шундан келиб чиққан ҳолда магистрлик диссертациясининг мавзуси **“Насаф ва Кеш мутафаккирларининг педагогик қарашлари”** деб танланди.

Тадқиқотнинг илмий-тадқиқот ишлари мавзуй режалари билан боғлиқлиги. Магистрлик диссертация иши “Ижтимоий педагогика, психология ва мактабгача таълим” кафедраси ИТИшлари йўналиши доирасида бажарилди.

Тадқиқот мақсади. Насаф ва Кеш мутафаккирларининг педагогик қарашларини ўрганиш орқали улардан таълим-тарбия жараёнида самарали фойдаланиш имкониятини аниқлашдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

1. Манбаларни ўрганиш асосида насафлик ва кешлик мутафаккирлар асарларида педагогик қарашларнинг акс этиш даражасини ўрганиш.
2. Насаф ва Кеш мутафаккирларнинг педагогик қарашларида илгари сурилган ғоялар моҳияти билан танишиш.
3. Насафлик ва кешлик мутафаккирларнинг педагогик қарашларидан замонавий таълим амалиётида фойдаланиш йўллари аниқлаш.
4. Насаф ва Кеш мутафаккирларнинг педагогик қарашларини таълим

олувчи (ўқувчи ва талаба)лар онгига сингдиришнинг самара шакл, метод ва воситаларини белгилаш.

5. Насафлик ва кешлик мутафаккирларнинг педагогик қарашларидан замонавий таълим амалиётида кенг фойдаланишга оид илмий-методик тавсияларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг илмий фарази. Насаф ва Кеш мутафаккирларининг педагогик қарашларини самарали ўзлаштириш ҳамда таълим амалиётига тадбиқ этиш мумкин, агарда: тарихий манбаларни ўрганиш, уларда илгари сурилган ғояларни назарий таҳлил қилиш, шунингдек, насафлик ва кешлик мутафаккирларнинг педагогик қарашларидан замонавий таълим амалиётида фойдаланишнинг йўллари, шакл, метод ва воситаларини аниқлашга жиддий эътибор қаратилса.

Тадқиқот объекти. Насаф ва Кеш мутафаккирларининг педагогик қарашларини ўрганиш ҳамда улардан замонавий таълим амалиётида фойдаланиш имкониятини аниқлаш жараёни.

Тадқиқот предмети. Насаф ва Кеш мутафаккирлари асарларида илгари сурилган педагогик қарашларнинг мазмуни, устувор ғоялар ва етакчи тамойиллар.

Тадқиқот методлари:

- Насаф ва Кеш мутафаккирлар томонидан яратилган асарлар, алломаларнинг бой илмий-педагогик мероси тадқиқ этилган манбалар, музей экспонатлари ҳамда тарихий ҳужжатларни ўрганиш;

- назарий таҳлил;
- педагогик кузатиш;
- моделлаштириш;
- педагогик тажриба;
- математик-статистик таҳлил.

Тадқиқотнинг методологик асоси. Насафлик ва кешлик мутафаккирлар томонидан яратилган асарлар, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”, Республика Президенти И.А.Каримовнинг миллий маданият ва кадриятларни қайта тиклаш, уларни ўрганиш ва бойитишга оид фикрлари, жамият маданий ҳаётини янада ривожлантириш ҳамда миллий мерос намуналаридан ёш авлодни комил инсон этиб тарбиялашга йўналтирилган фаолият жараёнида фойдаланишга оид меъёрий ҳужжатлар, тарихий манбалар, музей экспонатлари, замондош олимларнинг насафлик ва кешлик мутафаккирлар ижодларига ёндашувлари.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:

1. Насафлик ва кешлик мутафаккирларнинг педагогик қарашлари.
2. Насаф ва Кеш мутафаккирларнинг педагогик қарашларида илгари сурилган устувор ғоялар.
3. Насафлик ва кешлик мутафаккирларнинг педагогик қарашларидан замонавий таълим амалиётида фойдаланиш йўллари.
4. Насаф ва Кеш мутафаккирларнинг педагогик қарашларини таълим

олувчи (ўқувчи ва талаба)лар онгига сингдиришнинг самара шакл, метод ва воситалари.

5. Насафлик ва кешлик мутафаккирларнинг педагогик қарашларидан замонавий таълим амалиётида кенг фойдаланишга оид илмий-методик тавсиялар.

Илмий янгилиги:

1. Насаф ва Кеш мутафаккирларининг педагогик қарашлари биринчи марта магистрлик диссертациясининг мавзуси сифатида тадқиқ этилди.

2. Назарий таҳлил ҳамда педагогик кузатиш асосида Насаф ва Кеш мутафаккирларининг педагогик қарашларидан замонавий таълим амалиётида самарали фойдаланиш йўллари, шакл, метод ва воситалари аниқланди.

3. Таълим оловчи (ўқувчи ва талаба)ларнинг Насаф ва Кеш мутафаккирлари педагогик қарашларидан хабардорликлари даражасини аниқлашга оид мезонлар асосланди.

4. Насаф ва Кеш мутафаккирларининг педагогик қарашларидан замонавий таълим амалиётида самарали фойдаланишга оид илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти: тадқиқотни олиб бориш даврида мавжуд тарихий манбалар, ёзма ёдгорликлар, адабиётлар ва олиб борилган тадқиқотларга таянган ҳолда Насафий ва Кеший алломаларимиз қолдирган манбаларнинг моҳияти имконият даражасида очиб берилди; алломаларимиз асарларини ўрганишнинг ўзига хос психологик-

педагогик жиҳатлари ёритилди ва асосий босқичлари белгиланди.

Тадқиқотда илгари сурилган назарий ғоялар ва қўлга киритилган муҳим амалий натижалар “Педагогика” фанини бойитишга хизмат килади; улардан “Миллий истиқлол ғояси”, “Маънавият асослари”, “Ҳуқуқшунослик”, “Ўзбекистон тарихи”, “Адабиёт”, “Ахлоқшунослик”, “Нафосатшунослик”, “Иқтисодий билим асослари” каби туркум ижтимоий-гуманитар фанларини ўқитишда ҳамда синф ва дарсдан ташқари шароитларда маънавий-маърифий ишларни ташкил этишда самарали фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот босқичлари. Тадқиқот қуйидаги уч босқичда амалга оширилди:

1. Назарий изланиш босқичи (2009 йил сентябр – 2010 йил январ)да муаммога оид тарихий, фалсафий, психологик, педагогик ва методик адабиётлар ўрганилиб, тадқиқот учун танланган мавзу назарий жиҳатдан асосланди.

2. Тажриба босқичи (2010 феврал – 2010 ноябр)да тажриба-синов ишлари дастури тузилди; Насаф ва Кеш мутафаккирларининг таълим-тарбияга оид манбалари жамланди, ўрганишга оид тадбирларнинг лойиҳалари, технологик хариталари тайёрланиб, улар асосида кенг қўламли тажриба ишлари ташкил этилди.

3. Умумлаштириш босқичи (2011 йил)да тажриба-синов ишларининг натижалари умумлаштирилиб, таҳлил қилинди; Насаф ва Кеш

мутафаккирларининг педагогик қарашларидан замонавий таълим амалиётида самарали фойдаланишга оид илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилди; йиғилган назарий ва амалий материаллар муайян тартибга солиниб, магистрлик диссертацияси расмийлаштирилди.

Тадқиқот базаси. Тадқиқот иши Тошкент шаҳридаги А.Навоий номли кутубхонаси, Ўзбекистон Миллий университети кутубхоналари, Низомий номли Тошкент Давлат педагогика университети ва Қашқадарё вилояти А.Насафий номли вилоят кутубхоналари, Қарши Давлат университети қошида фаолият юритувчи “Насафий ва Кешийлар меросини ўрганиш илмий маркази”да мавжуд бўлган манбалар асосида Қарши давлат университетининг Педагогика-психология, Тарих, Ўзбек тили ва адабиёти, шунингдек, Мусиқа факультетларида олиб борилди.

Ишнинг синовдан ўтиши (апробацияси): тадқиқотнинг муҳим натижалари Қарши Давлат университети (2010-2011 йил), Тошкент Давлат Педагогика институти (2010, 2011 йиллар), Бухоро Давлат университети (2010 йил), Жиззах политехника институти (2010 йил), шунингдек, Т.Н.Қори Ниёзий номидаги ЎзПФИТИ (2010 йил)да ўтказилган Республика илмий анжуманларида маърузалар ўқиш, шунингдек, илмий-методик журналлар ва илмий анжуманлар материаллари тўпламларида мақолалар чоп эттириш асосида педагогик жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилди.

Тадқиқот ғоялари Қарши Давлат университетининг “Ижтимоий педагогика, психология ва мактабгача таълим” кафедрасида ва “Жаҳон

тарихи ва археология” кафедрасининг илмий-методологик кенгашлари, Қарши Саноат коллежининг “Ижтимоий фанлар” кенгашида муҳокама этилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги: муаллиф томонидан тадқиқот эълон қилинган илмий ишларнинг умумий сони 18 та бўлиб, улардан биттаси методик қўлланма, иккитаси илмий-методик журналлар ҳамда 15 таси илмий анжуманлар материаллари тўпламларида чоп этилган мақолалар саналади.

Диссертациянинг таркибий тузилиши ва ҳажми: тадқиқот иши кириш, иккита боб, олтита параграф, умумий хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 86 бетни ташкил этади.

**I БОБ. ҚАДИМГИ МОВАРОУННАҲР МАДАНИЙ ТАРАҚҚИЁТИДА
НАСАФ ВА КЕШ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ**

1.1. Қадимги Насаф ва Кеш маданий тараққиётининг миллий таълим-тарбия ривожига таъсири

Ўзбекистоннинг жанубий сарҳадларидаги Қашқадарё воҳасининг икки йирик шаҳри қадимда Нахшаб, Насаф номлари билан аталган бугунги Қарши ҳамда Кеш номи билан машҳур бўлган Шаҳрисабз тарихи Ўрта Осиёнинг боқий шаҳарлари Самарқанд, Бухоро, Хива сингари қадимийдир. Жаҳонда 2700 йиллик тарихга эга бўлган шаҳарлар унча кўпчиликни ташкил этмайди. Вилоятнинг асрларга бўйлашган бу икки муаззам шаҳрининг олис кечмишига, бой тарихи ва зафарларга тўлиқ бугунги куни унинг ҳар бир фарзанди қалбида юксак миллий ғурур туйғусини уйғотиши табиийдир.

“Ўзбекистон – алломолар юрти” деган иборани барчамиз кўп эшитамиз, кези келганда, ўзимиз ҳам ғурур билан айтамыз. Зеро, ушбу сўзлар замирида, шундай улкан ҳақиқат ва ибратли эътироф ётадики, уларга сазовор бўлиш дунёдаги санокли ўлкаларгагина насиб этган, халос.

Мустақиллик туфайли халқимизнинг моддий ва маънавий хазинасига, ўзи эгалик қилмоқда. Нафақат мусулмон оламининг равнақи, балки умуминсоний тараққиётининг юксалишига беназир ҳисса қўшган аллома аждодларимизнинг асарларини янгидан нашр этишга киришилди.

Милодий VIII асргача бўлган ёзма манбалар Қашқадарё воҳаси шаҳарлари ҳақида ниҳоятда кам сақланган. Воҳа тарихига оид юнон, хитой,

араб сайёҳлари солномаларида баъзи маълумотлар учрайди. Марказий Осиё халқлари ҳаётида чуқур из қолдирган зардуштийлик таълимотини ёйилиши, Спитамен ва Муқанна каби озодлик курашчиларининг фаолияти ҳам шу заминда кечган .

Воҳада иккинчи жаҳон урушидан то бугунги кунгача 120 дан зиёд қадимги ва ўрта аср шаҳарлари, қишлоқ ва қалъалари тадқиқ қилинди. Мустақилликдан кейин эса Ерқўрғон, Қалъаи Заҳҳоки Марон, Шуллиуктепа, Кўҳна Фазли, Узунқир, Сангиртепа каби ёдгорликлар ўрганилиб, воҳанинг бир неча минг йиллик тарихи қайта тикланди.

VIII аср охири – IX аср бошларида Насаф ва Кешда йирик ҳадисшунослик ва фикҳшунослик мактаблари вужудга келган. Бу мактабларда ислом оламининг турли мамлакатларидан келган талабалар сабоқ олишган, олимлар илмий анжуманлар ўтказишган.

Соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар даврида Қашқадарё воҳасида илм-фан, маданият ва санъат гуркираб ривожланган. Гўзал меъморий обидалар барпо этилган, ободончилик ва фаровонликни таъминлаш йўлида кенг қамровли бунёдкорлик ишлари амалга оширилган. Бунда жаҳоннинг турли мамлакатларидан келишган илм ва санъат аҳлининг ҳам ҳиссаси катта бўлган. Насаф ва Кешликлар Амир Темур қўшинининг ўзагини ташкил этиш билан бирга илм фан, адабиёт ва санъат ва дипломатия равнақиға ҳам муносиб ҳисса қўшганлар.

Мустақиллик бизга ўз тарихимизни янада чуқурроқ ўрганиш, бой мада-

ний меросимиздан тўла баҳраманд бўлиш имкониятини берди. Ўнлаб машҳур алломаларимизнинг мақбаралари ободонлаштирилди, номлари ва асарлари халқимизга қайтарилди. Шулар қатори Насаф ва Кеш шаҳарлари тарихига ҳам қизиқиш тобора ортиб бормоқда.

Президент И.А.Каримов раҳнамолигида тарихий қадриятларимиз, улуғ аجدодларимизнинг халқимиз маънавиятига қўшган бебаҳо меросини чуқур илмий тадқиқ этиш ва тарғиб қилиш, муқаддас зиёратгоҳларни ободонлаштириш, меъморий ёдгорликларни таъмирлаб кўз қорачиғидек асраб-авайлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Юртбошимиз вилоятимизга қилган ташрифларида доимо қадимий Қашқадарё воҳасидаги азиз авлиёлар, муқаддас зиёратгоҳлар ва қадамжолар, шу табаррук заминда яшаб ўтган Нахшабий, Насафий, Қарший, Кеший, Шаҳрисабзий тахаллуслари билан шуҳрат қозонган алломаларни алоҳида ғурур билан тилга оладилар ҳамда Соҳибқирон Амир Темурдек буюк сиймо етишиб чиққанлигини алоҳида таъкидлайдилар.

Манбаларга кўра, VIII-XII асрларда Мовароуннаҳрда 3000 дан зиёд муҳаддис фаолият кўрсатишган бўлса, 400 дан ортиғи Насафда, 60 дан зиёди Кешда умргузаронлик қилишган.

Мамлакатимиз раҳбарининг “Юксак маънавият — енгилмас куч” китобида таъкидлаганидек: “...биз ўз тарихимизни холисона ва ҳаққоний баҳолаб, маънавий меросимизни бойитиш ва ривожлантиришга ўз хиссамизни қўшишимиз, шу асосда бугунги жаҳон илму фани ва

маданиятининг юксак чўққиларини эгаллашдек буюк вазифага ҳар томонлама муносиб ва қодир бўлмоғимиз даркор”⁴.

Қашқадарё вилоятида жами 894 маданий обидалар рўйхатга олинган бўлиб, 216 таси республика, 678 таси эса маҳаллий аҳамиятга молик ёдгорликлар ҳисобланади. Воҳадаги 400 дан зиёд археологик ёдгорликлардан 100 таси антик даврга, 120 дан зиёди қадимги ва ўрта асрларга оиддир. Қарши шаҳри атрофидаги 123 ёдгорлик милоддан олдинги ва милоднинг бошларига таалуклидир.

1999 йил 27-30 ноябрда ЮНЕСКО қарорига асосан, Шаҳрисабзнинг тарихий маркази жаҳон мероси рўйхатига киритилди. 2000 йил 15 декабрда шу ташкилот қарорига кўра, Шаҳрисабз шаҳри Бутунжаҳон ёдгорлик шаҳарлари рўйхатидан жой олди. 2000 йилда Шаҳрисабзнинг, 2006 йилда эса Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги кенг жамоатчилик томонидан халқаро миқёсда нишонланди. Қарши, Шаҳрисабз, Китоб, Муборак туманларидаги бир неча ёдгорликлар ЮНЕСКОнинг “Умуминсоний қадриятлар” рўйхатидан ўрин олди.

Буюк алломаларимизнинг ибратли ҳаёти ва бой меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ҳамда кенг кўламда тарғиб қилиш мақсадида Қашқадарё вилояти ҳокими, Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенатининг аъзоси Н.Зайниевнинг ташаббуси билан 2007 йил 3 мартда “Насафий ва Кешийлар

⁴ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: “Маънавият”, 2008. – 52-бет.

меросини ўрганиш илмий маркази”нинг ташкил этиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинган эди. Қарорга кўра мазкур илмий марказ университетимиз қошида ташкил этилиб, унга таниқли манбашунос олим тарих фанлари доктори, профессор У.Уватов раҳбар этиб тайинланди. Шунингдек, марказ ишчи гуруҳига етакчи тарихчи, қадимшунос, элшунос, манбашунос, адабиётшунос олимлар, таниқли адиблар ва дин уламолари ҳам жалб этилди.

Қашқадарё воҳасининг Насаф (Қарши), Кеш (Шаҳрисабз) вилоятларида ҳамда жаҳоннинг бошқа минтақаларида яшаб ўтган буюк аجدодларимиз меросини нашрга тайёрлаб халқимизга етказиш, воҳа тарихи, археологияси, этнографияси, меъморий ёдгорликлари, зиёратгоҳлари ва муқаддас кадамжоларини ўрганиш бўйича кенг кўламли илмий изланишлар олиб бориш ва жамоатчиликни хабардор қилиш илмий марказнинг энг асосий вазифаси ҳисобланади.

Ўтган даврда мазкур илмий марказ ходимлари воҳамизда яшаб ўтган алломалар меросини ўрганиш ва тарғиб қилиш, воҳа аҳолиси этник тарихи ва содир бўлган этномаданий жараёнлар, воҳамиз муқаддас зиёратгоҳларини ўрганиш бўйича илмий тадқиқотларини эълон қилишди.

Профессор У.Уватов 2007 йил баҳорида Англияга қилган илмий сафарида Британия музейи кутубхонасида 100 дан зиёд насаф ва кешлик алломаларнинг бизга номаълум асарларини излаб топишга муваффақ бўлди. Олим 2008 йилда Саудия Арабистонида ҳам бўлиб, насафийлар ва кешийлар илмий меросини тадқиқ этиш билан жиддий шуғулланди.

Олим шайх Абдусалом Муборак Фурийнинг араб тилидаги “Сийрат ал-Имом ал-Бухорий” китобини “Имом ал-Бухорий” номи билан ўзбек тилига таржима қилиб, нашр эттирди. Шунингдек олимнинг “Ҳадис илмининг султони” номли рисоласи ҳам чоп этилди.

Марказ ташаббуси билан 2008 йил июнда “Насафлик алломаларнинг жаҳон маданиятида тутган ўрни” мавзусида Республика илмий-назарий конференцияси ўтказилди ва тўплам нашр этилди.

Тошкент Ислом Университети ахборотномасида профессор У.Уватов бош муҳаррирлик қилаётган “Имом ал-Бухорий сабоқлари” журнали саҳифаларида ҳам Қашқадарё воҳаси тарихига оид илмий мақолалар босилиб чиқмоқда.

Илмий марказ томонидан воҳамиз зиёратгоҳлари ва археологик ёдгорликлари, зиёратгоҳлари ва муқаддас қадамжоларининг мукаммал руйхати тузилиб, босқичма-босқич тадқиқ этиш ишлари бошлаб юборилди. Шунингдек, марказ ходимлари Халқаро, Республика ва минтақавий илмий анжуманларда фаол қатнашмоқдалар. Ўқув юртлари, корхона, муассасалар ва маҳаллаларда маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.

Шундай қилиб, миллий-тарихий қадриятларни тиклаш, жаҳон цивилизациясига салмоқли ҳисса қўшган аجدодларимизнинг бой меросини ўрганиш ва эъзозлаш йўлида амалга оширилган ишлар доирасида қадимги Насаф ва Кеш шаҳарларида яшаб ижод қилган алломаларнинг ижодини ўрганиш ўзига хос ўрин тутди.

1.2. Насафлик мутафаккирларимиз асарларида шахс маънавияти масалаларининг асосланиши ва таълим–тарбия муаммоларининг ёритилиши

Ўзбекистон бой маданиятга эга. Унинг маданиятини ўрганиш ўзбек халқининг тарихи узок ўтмишларга бориб тақалганлигини кўрсатади. Биргина Қашқадарё вилояти тарихини ўрганиш ўзбек халқининг нақадар бой тарих ва маданиятга эгалигидан гувоҳлик беради. Чунончи, бугунги кунда “Қашқадарё вилоятида жами 894 маданий обидалар рўйхатга олинган бўлиб, 216 таси республика, 678 таси эса маҳаллий аҳамиятга молик ёдгорликлар ҳисобланади. Воҳадаги 400 дан зиёд археологик ёдгорликлардан 100 таси антик даврга, 120 дан зиёди қадимги ва ўрта асрларга оиддир. Қарши шаҳри атрофидаги 123 ёдгорлик милoddан олдинги ва милoddнинг бошларига тааллуқлидир.

1999 йил 27-30 ноябрда ЮНЕСКО қарорига асосан, Шаҳрисабзнинг тарихий маркази жаҳон мероси рўйхатига киритилди. 2000 йил 15 декабрда шу ташкилот қарорига кўра, Шаҳрисабз шаҳри Бутунжаҳон ёдгорлик шаҳарлари рўйхатидан жой олди. 2000 йилда Шаҳрисабзнинг, 2006 йилда эса Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги кенг жамоатчилик томонидан халқаро миқёсда нишонланди. Қарши, Шаҳрисабз, Китоб, Муборак туманларидаги бир неча ёдгорликлар ЮНЕСКОнинг “Умуминсоний қадриятлар”

рўйхатидан ўрин олди”⁵.

Миллий тарих ва маданият халқ руҳининг шаклланиши, унда ментал хусусиятларнинг ҳосил бўлишида муҳим аҳамият касб этади. Қолаверса, улуг аجدодларнинг эзгу ишларини давом эттирувчилари бўлган мустақил, эркин фикрлай оладиган, ўз халқи ва Ватанига чексиз муҳаббатли шахсларни тарбиялаб вояга етказишда самарали тарбиявий омил бўлиб хизмат қилади. Бироқ, мустақиллик йилларида миллий тарих ва маданиятни ўрганиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолмасдан, балки уни янада бойитиш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчига ҳам айланди. Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримовнинг қуйидаги фикрлари миллий тарих, маданият ва кадриятларни асраб-авайлаш, мустаҳкамлаш ва янада бойитиш учун дастуриламал бўлиб хизмат қилади: “...биз ўз тарихимизни холисона ва ҳаққоний баҳолаб, маънавий меросимизни бойитиш ва ривожлантиришга ўз ҳиссамизни қўшишимиз, шу асосда бугунги жаҳон илму фани ва маданиятининг юксак чўққиларини эгаллашдек буюк вазифага ҳар томонлама муносиб ва қодир бўлмоғимиз даркор”⁶.

Ушбу фикрларга амал қилган ҳолда мустақиллик йилларида Қашқадарё вилоятида ҳам воҳа тарихини ўрганиш, бой маданий мерос намуналарини тадқиқ этиш орқали ёш авлод онгига миллий кадриятларда ифодаланган эзгу ғояларни сингдиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Ана шу

⁵ Юқоридаги манба. – 3-бет.

⁶ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: “Маънавият”, 2008. – 52-бет.

эътиборнинг бир кўриниши – бу Қашқадарё вилояти ҳокими, Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенатининг депутаты Н.Зайниевнинг ташаббуси билан 2007 йил 3 мартда “Насафий ва Кешийлар меросини ўрганиш илмий маркази”нинг ташкил этилганлиги бўлди. Қарши давлат университети қошида ташкил этилган мазкур илмий марказ бугунги кунда таниқли манбашунос, тарих фанлари доктори, профессор У.Уватов раҳбарлигида фаолият юритиб келмоқда. Шунингдек, марказ фаолиятига тарихчи, қадимшунос, элшунос, манбашунос ҳамда адабиётшунос олимлар, таниқли адиблар ва дин уламолари ҳам жалб этилган⁷.

“Насафий ва Кешийлар меросини ўрганиш илмий маркази”нинг раҳбари У.Уватов 2007 йил баҳорида Англияга қилган илмий сафарида Британия музейи кутубхонасида 100 дан зиёд насаф ва кешлик алломаларнинг бугунги кунга қадар республикада номаълум асарларини излаб топишга муваффақ бўлди⁸.

Қашқадарё воҳаси суверен Ўзбекистон Республикаси таркибига кирадиган вилоятларнинг бири сифатида миллий мустақилликни мустаҳкамлаш, ижтимоий, иқтисодий ва маданий тараққиётни таъминлашда ўзига хос ўрин тутди. Воҳа жуда қадимий тарихга эга. Мустақиллик йилларида қадимда Нахшаб ва Насаф номлари билан машҳур бўлган Қарши шаҳрига асос солинганлигининг 2700 йиллиги республика миқёсида кенг

⁷ Насаф ва Кеш тарихи манбаларда / Республика илмий-назарий конференцияси материаллари. Масъул муҳаррир О.Бўриев. – Тошкент: Қарши давлат университети, 2010. – 3-бет.

⁸ Юқоридаги манба. – 4-бет.

нишонлади. Қашқадарё тарихи Мовароуннаҳр тарихининг муҳим қисми сифатида тарихчилар, археологларнинг диққатини ўзига тортиб келган.

Археологик тадқиқотлар, шунингдек, қадимги ёзма манбаларни ўрганиш Қашқадарё воҳаси ҳудудларида эрамиздан аввалги VII асрнинг охири ва VI асрнинг бошларида Зардуштийлик таълимоти, VIII аср охири ҳамда IX аср бошларида Сўфийлик тариқати кенг ёйилганлигини кўрсатади. Қолаверса, воҳа тарихи турли даврларда уюштирилган босқинчилик ҳаракатларига қарши амалга оширилган мардонавор курашлар тарихи сифатида ҳам тилга олинади. Бинобарин, мазкур ҳудудда Спитамен Алексанр Македонский, Муқанна (Ҳошим ибн Ҳаким – “оқ кийимлилар ҳаракати”нинг раҳбари) эса араб истилочиларига қарши курашларда юксак қаҳрамонлик ва ватанпарварлик намуналарини кўрсатганлар.

“Тарихчиларнинг фикрига кўра, милодий III-IV асрлардаги Кеш ва Нахшаб ягона ҳудуд ичида бўлган ва Кешдаги ҳукмдорлар томонидан бошқарилган. Аммо VI-VII асрларда у иккита мустақил ҳудудга – Кеш ва Насаф вилоятларига бўлинган. Ўша даврларда забт этилган тангалар ҳам буни тасдиқлайди. Ўзбекистон тарихи музейи хазинасида бир томонига Нахшаб ҳукмдорининг тасвири, иккинчи томонга эса шерга найза санчиб турган паҳлавоннинг бўртма шакли туширилган 14 та мис танга сақланади. Жаҳондаги машҳур музейларда ҳам Нахшабда зарб қилинган тангалар

мавжуд”⁹.

VIII аср охири ва IX аср бошларида Насаф ва Кеш ҳудудларида Ислом таълимоти асослари, ғояларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилди. Бунинг натижасида воҳада туғилиб вояга етган, шунингдек, Мовароуннаҳр ҳамда Ислом таълимоти кенг ёйилган ўлкалардан таълим олиш, илм ўрганиш мақсадида ташриф буюрган шахслар томонидан Қуръон тавсирлари, ҳадислар моҳияти ва Фикҳ илмининг асослари ўрганила бошланди. Натижада “ҳадисшунослик ва фикҳшунослик мактаблари қужудга келди”¹⁰.

Илм-фан ва маърифатнинг ривожланиши нуқтаи назардан насаф ва кеш шаҳарлари бир-бирлари билан тенг мавқега эга бўлишган. Чунончи, Абдулкарим ас-Самъоний (1113-1167 йиллар)нинг қайд этишича, Нафар X-XII асрларда нафақат Мовароуннаҳрдаги, балки “мусулмон оламидаги йирик шаҳарлардан бўлган”¹¹. Ўша пайтда Ислом таълимоти ёйилган мамлакатларнинг ҳудудларида жойлашган 8 та шаҳарга нисбатан “Мадина (йирик шаҳар)” дея нисбат берилган. Бундай шаҳарлар сирасида қуйидагилар кирган: Мадина, Бағдод, Исфаҳон, Нишопур, Марв, Бухоро, Самарқанд ҳамда Насаф. Ўрта асрларда биргина Насаф шаҳри атрофидаги шаҳар ва қишлоқлардан 180 га яқин алломаларнинг етишиб чиққанлиги миллий маданият тараққиётини баҳолаш имконини беради.

Айтиб ўтилганидек, Кеш шаҳри ҳам маданий ривожланиш жиҳатидан

⁹ Муҳаммад, Носир. Насаф ва Кеш алломалари. – Тошкент: Гофур Ғулом номидаги наўриёт-матбаа ижодий уйи, 2006. – 6-бет.

¹⁰ Ўша манба, - 6-бет.

¹¹ Ўша манба, - 12-бет.

Насафга тенглаша олган. Шаҳар ҳатто “Қуббат ул-илм ва адаб” (яъни “Илм ва одоб таянчи”)¹² дея таъриф берилган. Дарҳақиқат, Насаф ва Кеш шаҳарларида туғилиб, ўз юрти ва ўзга юртлар, жумладан, Бухоро, Самарқанд каби шаҳарлар, шунингдек, Ҳиндистон, Эрон, Туркия ҳамда араб мамлакатларида яшаб ижод қилган алломалар жуда кўпчилиқни ташкил этганлар. Муҳаммад Носирнинг “Насаф ва Кеш алломалари” номли асарида бевосита сўфийлик тариқати, Ислом дини ғоялари, шахс камолоти, баркамол шахсга хос сифатлар ҳамда унинг атрофдагилар билан муносабати масалаларига бағишлаб, тарих, ҳадис, фикҳ ва одобнома йўналишларида бебаҳо асарлар яратган 82 нафар алломанинг номлари тилга олинади¹³. Мазкур алломалар ҳаётининг тарихий хронологияси IX асрдан бошлаб XX асрнинг бошларигача бўлган даврни ўз ичига олган.

Тадқиқот педагогик йўналишда олиб борилаётганлиги сабабли юқорида номи қайд этилган манбада келтирилган алломалар орасидан бевосита таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш, шахсга нисбатан педагогик ёндашув масалаларининг таҳлиliga бағишлаб асарлар яратган мутафаккирларнинг номлари ажратиб олинди. Улар қуйидагилардир:

¹² Ўша манба, - 15-бет.

¹³ Муҳаммад, Носир. Насаф ва кеш алломалари. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2006. – 21-99-бетлар.

**Таълим-тарбия ва баркамол шахсни тарбиялашга оид педагогик
қарашларни илгари сурган Насаф ва Кеш алломалари**

№	Алломаларнинг номлари	Яшаган давлари	Яратган асарлари
1.	Абдулҳамид ал-Кеший	IX аср	“Ат-Тавсир”, “Ал-Муснад”, “Китаб ала ҳуруф ал-муъжам” (“Ҳарфлар тўғрисида китоб”- араб грамматикасига оид), “Ат-Тасариф” (“Турланиш”), “Китаб фаъалту ва афъалту” “Феълнинг фаъала 1 ва 4 турлари ҳақида китоб”
2.	Абу Усмон ан-Насафий	X аср	“Ал-адаб ва ш-шиър” (“Адабиёт ва шаърият ҳақида китоб”)
3.	Абул Аббос Жаъфар ан-Насафий	962-1041 йиллар	“Насаф ва Кеш тарихи”, “Китаб ал-вафо” (“Вафо ҳақида китоб”)
4.	Нажмиддин Абу Ҳафс Умар ан-Насафий	1069-1143 йиллар	“Матлаъ ан-нужум ва мажмаъ ал-улум” (“Юлдузларнинг чиқиши ва фанлар мажмуаси”), “Шарҳ ал-ғариб” (араб тили лексикасига бағишланган)
5.	Амир Хусрав Деҳлавий	1253-1325 йиллар	“Хамса”, “Тухфат ус-сағир” (“Ёшлик тухфаси”), “Васатул-ҳаёт” (“Умр ўртаси”), “Ғуррат ул-камол” (“Камолотнинг бошланиши”), Бақия ан-нақия” (“Поклик қолдиғи”), “Қиръон ас-саъдайн” (“Икки саодатли юлдузнинг туташishi”), “Баҳр ул-аброр” (Сахийлар

			денгизи”), “Миръот ус-сафо” (“Поклик ойнаси”), “Анис ул-қулуб” (“Қалблар улфати”)
6.	Азизиддин Насафий ибн Муҳаммад	1240-1300 (1330) йиллар	“Китаб ал-инсон ал-комил фи маърифат ал-вофир” (“Комил инсон ҳақида китоб”), «Зубдат ул-хақойик” (“Ҳақиқатлар қаймоғи”), “Мақсад ул-ақсо” (“Сўнгги мақсад”), “Кашф ул-хақойик” (“Ҳақиқатлар кашфи”), “Асрор ул-қобилият” (“Қобилият сирлари”)
7.	Мирзо Абдулқодир Бедил	1644-1721 йиллар	“Ирфон”, “Тури маърифат”, “Тилсими ҳайрат”, Чор унсур”, “Ғазалиёт”, “Рубоиёт”, Қитъаот”
8.	Сайидо Насафий	1637-1710 йиллар	“Шахрошуб” (“Шаҳар хунарамандлари хусусида манзумалар”), “Баҳориёт”
9.	Ломеи Насафий	XVII асрнинг охири XVIII асрнинг бошлари	“Ибратнома”, “Шараф ул-инсон” (“Шарафли инсон”)
10.	Сайидхожа Насафий	XVII асрнинг охири XVIII асрнинг биринчи ярми	“Боғча ва Бўстон”, “Шоҳча ва Бўстон”, “Китоби ҳамиша баҳор”
11.	Салоҳиддин Салоҳий	XVIII аср	“Гул ва булбул”, “Юсуф ва Зулайҳо”

Демак, назарий ўрганиш натижасида IX асрдан бошлаб XX асргача

бўлган давр оралиғида Насаф ва Кеш шаҳарларида юзга яқин алломалар яшаб ўтганликлари, улар томонидан бой маданий-маърифий мерос қолдирилганлиги аниқланди. Уларнинг айримлари томонидан ўзида таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш, комил инсонни тарбиялашга оид масалаларни ёритган асарлар ҳам яратилган. Ишнинг кейинги ўринларида юқоридаги жадвалда номлари келтирилган насафлик ва кешлик алломаларнинг асарларида ёритилган педагогик ғоялар ҳақида қисқача тўхталиб ўтилади.

1.3. Насафийларнинг фалсафий қарашлари

Халқимиз бугун ўзлигини янгидан кашф этиб, ўз тарихий илдизлари, азалий қадриятлари, маънавий меросидан руҳий мадад, қувват олиб, янгиланиш, ривожланиш, жараёнини бошидан кечирмоқда. Зеро, Президентимиз И.А. Каримов таъкидлаганларидек, “Бугун, янги ўзбек давлатини барпо этар эканмиз, биз тарихдан, аجدодлар меросидан, уларнинг руҳи покидан, Туркистон халқларининг қадриятларидан, маънавий меросидан санъатидан баҳраманд бўлишимиз табиийдир”.¹

Қашқадарё халқи бугунги кунда ўз тили, дини, имон-эътиқоди, урф-одатлари, анъаналари, тарихининг чин маънодаги соҳиби сифатида ўз диёри тўғрисидаги тарихий ҳақиқатни заррама – зарра тиклаб бормоқда.

Ҳар қандай юрт ўзининг буюк фарзандлари, шу заминда яшаб ўтган

азиз авлиёлари билан табаррук ва муқаддасдир. Воҳа заминида бундай инсонлар жуда кўп ўтган. Биргина қадимий Насаф шаҳридан “Насафий” таҳаллуси билан шуҳрат қозонган фозил зотлар етишиб чиққани бунинг яққол тасдиғидир.

Шу ўринда Президентимиз И. А. Каримов таъкидлаганларидек, “...Ўзининг узоқ ва бой ўтмиши давомида гоҳ Никшапа, гоҳо Нахшаб, кейинчалик Насаф деган номлар билан аталган кўҳна Қарши шаҳри тарих ва башарият учун, аввало, бетакрор цивилизация ва маданият бешиги сифатида, кўп-кўп улуғ сиймолар, буюк мутафаккир зотлар, азиз авлиёларнинг ватани сифатида қадрли ва мукаррамдир”.²

Ана шундай алломалардан Абу ал- Муъин ан-Насафий, Нажмиддин Умар ан- Насафий, шайх Азизиддин Насафий, Абу Маҳсул ан-Насафий, Шаҳобиддин Насафий, Абул Баракот ан- Насафий, Абул Хорос Варсиний ан-Насафий, Мустағфирий ан- Насафий ва бошқаларни келтириш мумкин.

Ислом қонуншунослигида, калом илмида ҳазрати Мотуридийдан кейин турадиган, унинг муносиб шогирди бўлган ўн аср муқаддам таваллуд топган Абу ал- Муъин ан- Насафий ўзининг “Баҳр ул-Калом” китоби билан бутун мусулмон оламида маълум ва машҳурдир. Мазкур китобнинг 1998 йили Сурия мамлакатида нашр этилгани бу ўлмас асар замонлар оша ўз аҳамиятини йўқотмай келаётганлигидан далолат беради.

Насафлик яна бир улуғ зот юртимиздан чиққан, мингдан ортиқ олим-уламолар ҳақида қимматли маълумотлар тўплаган, замонасининг йирик

олими, шоири, фикҳшуноси, муаррихи, “Қуръон” билимдони Нажмиддин Умар ан-Насафийдир (1068-1142).

Тарихий маълумотларда бу зотнинг юздан ортиқ асарлар ёзганлигини учратишимиз мумкин. Масалан: “Китоб ал-қанд фи зикри уламои Самарқанд” (Самарқанд тарихи ҳақида китоб), “Матлаъа ан- нужум ва мажма ал-илм” (Юлдузларнинг чиқиши ва фанларнинг тўпланиши), “Манзумот ан-Насафия фил хилофият”(Келишмовчиликлар ҳақида ан Насафий шеърий асари), “Ақоид ан- Насафий” (Ислом ақидаларига оид ан- Насафий шарҳи), “Ужалат ан-Нахшабий ли-дайфиhi ал-Мағрибий” (Нахшабийнинг Мағрибдан келган меҳмон учун ёзган шошилинич китоби), “Қуръон” шарҳига бағишланган “Ал-явоқид фил мовақид” (Қулай вақтлар хусусида ёқутлар), “Заллат ал-Қорий” (Қориларнинг хатолари ҳақида), шунингдек, тасаввуфга оид “Рисолаи Нажмия” (Нажмиддиннинг рисоласи)³ каби кўплаб асарларнинг муаллифи ҳамдир.

XII-XIV аср бошларида яшаб ижод этган мутасаввуф олим шайх Азизиддин Насафийнинг бизга “Инсони комил” рисоласи маълум бўлиб, унда комил инсон ва унинг тарбияси хусусида қимматли маълумотлар тўпланган.

Шуни алоҳида айтиш мумкинки, юқорида тилга олинган асарлар, рисоалар бугунги кунда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиздир.

Бундай фикрларни Абул Баракот Насафий, Сайидо Насафий каби ўнлаб азиз инсонлар ҳақида ҳам айтиш мумкин.

Айниқса, воҳа тарихини ёритишда буюк тарихчи олим, ҳадисшунос Абул Харос ал-Варсиний ан-Насафийнинг (мил. 927 вафот этган) Насаф ва Кеш тарихига доир “Китоб мухофрат ахл Насаф ва Кашш” (Насаф ва Кеш аҳолисининг мухолифликлари) асари, Абу Усмон Саид ибн Иброҳим ан-Насафийнинг (мил. 952 йилда вафот этган) “Ал адаб ва ш-шиър” (Одоб ва шеърият ҳақида китоб), Абул Аббос Жафар Мустағфирий ан-Насафийнинг (мил.961-1041й) “Насаф ва Кеш тарихи” асари муҳим манбадир.

Афсуски, бу улуғ зотларнинг бебаҳо меросини ҳали кўпчилик билмайди. Бинобарин, Президентимиз эътироф этганларидек, “Қашқадарё воҳасида камол топган мана шундай улуғ аждодларимизнинг тарихини, фаолиятини, маънавиятимиз хазинасига қўшган ҳиссасини ҳар томонлама ўрганиш, тарғибу ташвиқот қилиш олимларимиз, биринчи галда қашқадарёлик зиёлиларимизнинг бурчидир”⁴

Хулоса қилиб айтганда, мана шу заминда яшаб ижод этган улуғ зотларимизнинг бебаҳо меросини ўрганиш фуқароларимиз ижтимоий онгини юксалтиришга, миллий тафаккурини шакллантиришга хизмат қилади.

1.3. Таълим – тарбия назариясини ривожланишида тасаввуф ва педагог ғоялар уйғунлиги.

Ишнинг аввалги ўринларида айтиб ўтилганидек, насафлик алломаларнинг аксарияти илм-фаннинг турли соҳаларида, шу жумладан,

шахс камолотини таъминлаш, тарбия жараёнини ташкил этиш, ахлоқ ва унинг ижтимоий аҳамияти борасида ҳам самарали изланишлар олиб борганлар. Насаф шаҳрида яшаб ижод қилган алломаларнинг фаолиятларини ўрганар эканмиз, улар орасида ҳадис илми ривожига муносиб ҳисса қўшган мутафаккирлар ҳам борлигига гувоҳ бўлдик. Хусусан, Нажмуддин Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ан-Насафийнинг “Самарқандия” асарида ўндан ортиқ “Насафий” тахаллуси билан ном қозонган шахсларнинг ҳадис илмини ривожлантиришдаги роли хусусида ҳам сўз юритилади. Қуйида мазкур манбада келтирилган маълумотларга таянган ҳолда насафлик мутафаккирларнинг ҳадис илмини ривожлантиришга қўшган ҳиссалари ва уларнинг педагогик аҳамияти тўғрисида сўз юритилади.

Имом, аллома, муҳаддис Абу Хафс Нажмуддин Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Исмоил ибн Муҳаммад ибн Али ибн Луқмон ан-Насафий милодий 1069 (1070) йилда Насаф шаҳрида туғилиб, 1142 йилда Самарқанд шаҳрида вафот этган.

Аллома Самарқанд шаҳрида таҳсил олган. Бу вақтда жуда кўплаб машойихлардан ҳадис илмини ўргана бошлаган. Кейинчалик алломанинг ўзи ҳам ҳадис ривоят қилиш иқтидорига эга бўлган. “Ал-Ҳидоя” асарининг муаллифи Бурхонуддин ал-Марғинонийнинг кўрсатишича, Нажмуддин ан-Насафий 550 нафар машойихдан ҳадислар ривоят қилиш имкониятига эга бўлган.

Нажмуддин ан-Насафий сермахсул ижод қилган бўлиб, аллома

томонидан яратилган асарлар орасида “Таърийху Бухоро”, “Таърихийху Марв”, “Тилбат ал-талаба” ўзига хос ўрин тутган. Мутафаккирнинг “Самарқандия” асари ҳам муаллифга катта шуҳрат келтирган. XI асрга тааллуқли бўлиб, 98 саҳифа¹⁴дан иборат бўлган мазкур асарда асосан самарқандлик машҳур кишиларнинг ҳаёти ва фаолияти, улар ривоят қилган ҳадислар тўғрисида сўз юритилган. Шу билан бирга асар Мовароуннаҳр тарихи, географияси, топонимикаси тўғрисида ҳам қимматли маълумотларни беради.

Ишнинг мазкур ўринида Нажмуддин ан-Насафийнинг “Самарқандий” асарида келтирилган педагогик аҳамиятга эга ҳадислар ва уларнинг етакчи ғоялари тўғрисида сўз юритилади.

Салмон ибн Исроил ан-Насафий шундай гувоҳлик берадилар: Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: “Отангнинг (сенга бўлган) меҳр-муҳаббати (нури)ни асраб-авайлагил, уни (зинҳор) сўндириб қўймагил, (акс ҳолда) Оллоҳ таоло ўзингнинг нурингни сўндиргай”¹⁵.

Абу Мухадммад Абдуллоҳ ибн Иброҳим ибн Исҳоқ ибн Айюб ан-Насафий ал-Ҳофиз: Анас ибн Молик разияллоҳу таоло анху бундай дейдилар: “Расулуллоҳ, саллаллоҳу алайҳи ва салламга бир неча (пиширилган) куш ҳадя қилиниб эди, ул зот улардан бирини хизматкор аёлга

¹⁴ Ан-Насафий, Нажмуддин. Самарқандия. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2001. – 5-бет.

¹⁵ Ўша асар. – 34-бет.

егиздилар. Сўнг, эртасига ул зот: “Бирор егулик нарсангиз борми?” - деб сўрадилар. Мен ул зотга ўшал қушлардан бирини олиб келдим. Шунда Жаноб Расулуллоҳ, саллаллоҳу алайхи ва саллам менга: “Мен сени бирор нарсани эрта учун ғамлаб қўймоқдан қайтармаганмидим?! Чунки ҳар бир эртанинг ризқини Оллоҳ ато этур” – деб марҳамат қилдилар”¹⁶.

Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн ал-Ҳасан ал-Фомий ан-Насафий: Солим оталари разияллоҳу анҳудан ривоят қилиб бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи ва саллам: “Ухлаган вақтларингизда (уйкуга ётадирган бўлганингизда) уйлариңгиздаги оловни (ўз холига) ташлаб қуймангизлар!” - деб марҳамат қилдилар”¹⁷.

Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Муҳтож ибн Сайёр ибн Абдуллоҳ ан-Насафий: Абулаббос: “Мен Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Муҳтожнинг китобидан унинг ўз дастхати билан битилган қуйидаги ҳадисни топдим”, - дейди: Анас разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи ва саллам: “Нонни эъзозлангизлар! Чунки нон лаззатли (тансиқ) ризқлардан бўлиб, кимки унинг увоғини хорланиб ётган еридан (бирор покиза жойга) олиб қўйса, Оллоҳ таоло унинг 50 мингта гуноҳини кечиб, ўрнига 50 мингта савоб ёзиб қўюр ва унинг даражасини 50 минг марта юқори қилур ва кимки ул нон увоғини (хорланиб ётган еридан) олгач, оғзига солиб Оллоҳ таолонинг даргоғида неки бўлса, сўраса, оллоҳ таоло унинг

¹⁶ Ўша асар. – 74-бет.

¹⁷ Ўша асар. – 75-бет.

учун жаннатда узунлиги ҳам 4 фарсах, эни ҳам 4 фарсах, баландлиги ҳам 4 фарсах келадиган бир (мухташам) бино бунёд қилур” – деб марҳамат қилдилар¹⁸.

Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Аҳмад ал-Магозилий ан-Насафий шайх Абу Наср Аҳмад ибн Исмоил ибн Абдуллоҳ ал-Айбанукасийдан ривоят қилган ҳадис қуйидагича: Анас ибн Молик разияллоуҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Оллоҳ, таолонинг даргоҳда таҳсинга сазовор бўладиган ахлоқ шуки, ўзингга зулм айлаганни авф этасан, ўзингни маҳрум этганга инъом қиласан ва ўзингга силаи раҳм (қариндошлик) қилмай қўйганга силаи раҳм қиласан” - деб марҳамат қилдилар¹⁹.

Абдурраҳмон ибн Ҳамза ас-Саббор ан-Насафий шайх ва ҳофиз Абу Саъд ал-Идрисийдан ривоят қилган ҳадис қуйидагича: Абу Ҳурайра разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Етти (қават) осмон ҳамда улардаги ва улар тепасидаги барча (маҳлук) ва етти (қават) ер ҳамда улардаги ва улар устидаги барча (маҳлук) хор бўлган азиз, қашшоқ бўлган бой ва жаҳолат қўлида ўйинчоқ бўлган олимга (ачиниб, афсус чекиб) йиғлади” - деб марҳамат қилдилар”²⁰.

Абу Кабша ал-Анморий разияллоҳу таоло анҳу: "Расулуллоҳ; саллаллоҳу алаҳи ва саллам бизга марҳамат қилиб, мана бу мисолни

¹⁸ Ўша асар. – 77-78-бетлар.

¹⁹ Ўша асар. – 84-85-бетлар.

²⁰ Ўша асар. – 93-бет.

келтирдилар ", - дейдилар: "Мисол учун турт кишини олайлик: уларнинг бирига Оллох; таоло мол-дунё ҳам, илми ҳам ато этган бўлиб, у уз бойлигини илми такозо килган (хайрли) нарсаларга сарфлайди. Иккинчисига эса Оллох; таоло илм ато этган-у, лекин мол-дунё ато этмаган булиб, у: "Агар Оллох; таоло менга фалончига ато этган мол-дунёчалик бойлик ато этганида эди, мен ҳам унингдек иш тутган булур эдим!" - дейди. Бу иккисига тенг ажру савоб тегур. Энди, учинчисига келсак, Оллох, таоло унга мол-дунё ато этган-у, лекин илм ато этмаган булиб, у ул бойликдан Оллох, таолонинг хисини бермай, уни шром-хариш, беҳуда нарсаларга сарфлайди. . Туртинчисига эса Оллох таоло на илм ва на мол-дунё ато этган бўлиб, у: "Агар Оллох таоло менга фалончига ато этганчалик мол-дунё ато этганида эди, мен ҳам унингдек иш тутган булур эдим!" - дейди. Бу иккиси эса тенг гуноҳкор бўлур".

Абдурахим ибн Зайд ибн Ахмад ибн Юсуф ад-Доримий ан-Насафий - куйидаги ҳадисни Абу Али Исмоил ибн Муҳаммад ибн Ахмад ал-Хожибийдан ривоят килган: Абу Саъид ал-Худрий разияллоху таоло анху бундай дейдилар: "Расулуллох саллаллоху алаҳи ва саллам Мадинанинг кайсидир тарафига борганларида у ерда казилаётган бир кабрни куриб: "Бу кабр ким учун?" - дедилар. Гурков: "Хабашистонлик бир киши учун" - деб жавоб килди. Шунда ул зот: "Ло илоҳа иллаллох! Бул одам токи узи яралган туфрокца дафн килингунига цадар (жонажон) юрти ва осмонидан (бу томон) хайдалди" ~ деб мархамат килдилар".

Абу Муҳаммад Абдумалик ибн Марвон ибн Иброҳим ибн Рофиъ ибн Шужоъ ибн Абдурахим ибн ал-Ҳасан ибн Манжон ал-Марвоний ан-Насафий Абу Али Муҳаммад ибн ал-Хррис ал-Луълуъийдан ривоят қилган ҳадис куйидагича: Анас разияллоху таоло анху бундай дейдилар: "Расулуллох саллаллоху алаҳи ва саллам: "Агар кудукка сичкон тушиб кетса, ундан 20 челак сув олиб ташланмоғи лозим" - деб марҳамат қилдилар".

Абу Марвон Абдулмалик ибн Саъид ибн Иброҳим ибн Маъкил ибн ал-Хажжож ибн Хураиш ан-Насафий отаси Саъид ва Абдулмумин ибн Халафдан ривоят қилган ҳадис куйидагича: Анас ибн Молик разияллоху таоло анху бундай дейдилар: "Расулуллох саллаллоху алаҳи ва саллам: "Уламолар Оллох таолонинг бандалари ҳузуридаги ишончли вакиллариدير" - деб марҳамат қилдилар".

Абулфаворис Абдулмалик ибн ал-Ҳусайн ибн Али ибн Мусо ибн Имрон ибн Исрофийл ибн Муслим ибн Вахб ибн Муслим ал-Аттор ан-Насафий Абулкосим Убайдуллох ибн Умар ал-Кушонийдан ривоят қилган ҳадис куйидагича: Анас ибн Молик разияллоху таоло анху бундай дейдилар: "Расулуллох саллаллоху алайҳи ва саллам: "Дарҳақиқат, Оллохнинг "Ал-Фирдавс" номли жаннати бўлиб, унда "Жабал ун-наъийм " деган бир тоғ мавжуд. Ўшал тоғда "Қаср ус-сурур " номли бир қаср бор. Унинг 70 минг дарвозаси мавжуд бўлиб, ҳар бир дарвозадан (бошқа) дарвозагача бўлган масофа 500 йиллик йўлга тенг. Ул дарвозалар фақат (дин) олими қаламининг (қоғоз узра юргизилгандаги) овозига ёҳуд ғозий ногораси овозигагина

очилур. (Дин) олими қаламининг (бир) овози эса Оллоҳ таоло наздида ғозий ноғорасининг 70 минг овозидан афзалдир. Розий ноғорасининг (бир) овози эса Оллоҳ таоло наздида кундузлари рўза тутиб, кечалари намоз ўқиб қилинган 70 минг йиллик ибодатдан афзалдир!" - деб марҳамат килдилар".

Абу Мухаммад Абдулғаффор ибн Мухаммад ибн ал-Ҳусайн ал-Касбавий ан-Насафий саййид Абдулмаъолий Мухаммад ибн Мухаммад ибн Зайд ал-Бағдодийдан ривоят қилган ҳадис қуйидагича: Анас разияллоху анху бундай дейдилар: "Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам: "Ким менинг суннатимни тикласа, мени севган булур ва ким мени севибди, киёмат куни мен бирла булур!" - деб марҳамат килдилар".

Абу Саҳл (Абу Тохир) Абдулвоҳид ибн Аҳмад ибн Мухаммад ибн Абдуллоҳ ибн Фаранқдийк ан-Насафийга қози Абулҳасан Али ибн Мухаммад ибн Исҳоқ, ибн Язид ал-Халабий хижрий 391 (милодий 990) йили Мисрнинг Фустот шаҳрида унга хабар қилган ҳадис қуйидагича: Абу Мусо разияллоху таоло анху бундай дейдилар: Мен Расулуллох саллаллоху алайхи ва салламнинг бир эмас, икки эмас, (куп марта): Кимки (соғ ва муқим чоғида) бирор амали солиҳ қилиб юрган бўлса-ю, (аммо) касаллик ёхуд сафар боисидан уни қилолмай қолган бўлса, (барибир унинг номаи аъмолига) ўша соғ ва муқим вақтида қилиб юрган амали солиҳи (қилинган ҳисобида) ёзиб қуйилаверади" - деб марҳамат қилганларини эшитганман".

Абдуссаййид ибн Абулҳасан Али ибн ал-Ҳусайн ибн Али ал-Мавдавий

ан-Насафий ривоят қилган ҳадис қуйидагича: Ҳазрат Али разияллоу таоло ашу бундай дейдилар: "Расулуллоу, саллаллоу алаҳи ва саллам: "Илми булмаган ҳолда одамларга фатво берган кимсани осмону ердаги (барча) фаришталар лаънатлагайлар" - деб марҳамат қилдилар".

Абу Муҳаммад Абдулазиз ибн Муҳаммад ибн Осим ибн Али ибн Афлах ал-Осмий ан-Насафий қози ва имом Абдулҳасан Муҳаммад ибн Абдулқосим Али ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Саҳр ал-Аздийдан Самарқанд толибларига айтиб туриб ёздирган ҳадиси шариф қуйидагича: “Абу Масъуд ал-Бадрий разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расуллоҳ салаллоҳу алайҳи вассаллам: “Илгари (дастлабки) пайғамбарликдан одамларга етиб келган калом (сўзлардан) бири – “Агар уялсанг, билганингни қил!” – деб марҳамат қилдилар”.

Абу Хафс Умар ибн Абу Ато Муҳаммад ибн Муҳаммад ан-Насафий имом Абу Али ал-Хасан ибн Али ал-Хаммодийдан ривоят қилган ҳадиси шариф қуйидагича: Анас разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: "Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: "(Дин) илмининг орадан кутарилмоғи, жаҳолат (нодонлик)нинг қарор топмоғи, ичкиликбозлик ва зиноқорликнинг авж олмоғи - Қиёмат белгиларидандир" - деб марҳамат қилдилар".

Абулҳасан Али ибн Аҳмад ибн Тохир ибн Яъло ибн Утайқ ал-Хурфағний ан-Насафий раҳимаҳуллоҳу шайх, имом Абу Али ал-Хасан ибн

Али ал-Маккий ал-Хаммодий ан-Насафийдан ривоят қилган: Абу Хурайра разияллоху таоло анху бундай дейдилар: "Расулуллоу, саллаллоуу алаҳи ва саллам: "Иймон (дарахти-нинг) олтмиш неча (ёки етмиш неча) шоҳи булиб, улардан энг каттаси - "Ашҳаду алло илоҳ иллаллоҳ", энг кичиги эса одамларга азият етказувчи нарсаларни йулдан (четга) олиб қуймоқликдир. Ҳаё ҳам иймон (дарахти) шоҳларидан биридир " - деб марҳамат қилдилар”.

Абу Ахмад Исо ибн ал-Хусайн ибн ар-Рабийъ ибн Хаммод ибн Важийх ал-Касбавий ан-Насафий қуйидаги ҳадисни Мухаммад ибн Абуллайс ал-Баззоз ат-Термизийдан ривоят қилган: Абуддардоъ разияллоху таоло анху бундай дейдилар: "Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Ёшликда олинган билим тошга уйилган нақш кабидир, катта бўлганда олинган билим эса сув бетига ёзилган бир хат янглигдир" - деб марҳамат қилдилар”.

Шундай қилиб, Насаф шаҳрида туғилиб, ижод қилган ўнлаб алломалар ҳадис илмининг ривожига ҳисса ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшганлар. Улар томонидан эътироф этилган ҳадислар ғоявий жиҳатдан инсонни комилликка етакловчи, эзгу амалларни қилишга рағбатлантирувчи қарашлардан таркиб топганлиги билан бугунги кун таълим тизими учун ҳам ўзига хос аҳамият касб этади.

II-БОБ. НАСАФ ВА КЕШ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМОТИ.

2.1. Азизиддин Насафийнинг таълим тарбия қонуниятлари ҳақидаги қарашлари.

Насаф ва Кеш алломалари орасида Азизиддин Насафий ибн Муҳаммад ҳам алоҳида ўрин тутади. 1240-1300 йилларда яшаган аллома Насафда туғилган. Илм сирларини Бухоро шаҳрида ўрганган. Сўнгра “аввал Хуросоннинг Баҳрободига бориб замонасининг забардаст донишмандларидан бири Саъдуддин Хаммуядан таълим олади. У ердан устозининг ижозати билан Исфаҳон ва Шероз шаҳарларига ўтади; замонасининг буюк шайхлари билан ҳамсуҳбат бўлади. Аммо душман ва мухолифларининг таҳдидидан ҳадиксираб, ҳар кун ва ҳар тун жойиини ўзгартириб яшайди. Умрининг охириги йилларини Язд вилоятининг Абиркўҳида ўтказган Азизиддин Насафий 1330 йили вафот этади. Баъзи манбаларда Насафий юз йил умр кўрган, деб ёзилган”²¹. Муҳаммад Носирнинг “Насаф ва Кеш алломалари асарида эса Азизиддин Насафийнинг 1300 йилда вафот этганлиги айтилади.

Аллома томонидан яратилган асарлар орасида “Китаб ал-инсон ал-комил фи маърифат ал-вофир” (“Комил инсон ҳақида китоб”), «Зубдат ул-хақойик” (“Ҳақиқатлар қаймоғи”), “Мақсад ул-ақсо” (“Сўнгги мақсад”), “Кашф ул-хақойик” (“Ҳақиқатлар кашфи”) ҳамда “Асрор ул-қобилият” (“Қобилият сирлари”) кабилар машҳур бўлиб, мазкур асарлар араб ва форс

²¹ Ҳомидий, Ҳамиджон. Тасаввуф алломалари. – Тошкент: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2004. – 130-131-бетлар.

тилларида яратилган.

Азизиддин Нафасий асарларида ҳам сўфийлик ғоялари устувор ўрин эгаллаган. Аллома асарларининг асосини комил инсон, унинг рухий ва жисмоний камолоти ташкил этади. Дастлаб “комил инсон” тушунчасининг моҳияти ёритилади. Мутафаккир талқинига кўра, комил инсон олам (ижтимоий борлиқ)нинг энг муҳим унсури, бадиий талқинда эса “юраги” ҳисобланади. Бошқа инсонлар оламда ўзларининг рухий ва жисмоний ҳолатлари билан турли даражани эгалласалар, комил инсоннинг ўрни улардан юқоридир. Комил инсонсиз олам мавжуд эмас. Бир комил инсон дунёдан ўтса, унинг ўрнини бошқа бир комил инсон эгаллайди. Зеро, олам (ижтимоий борлиқ) асоссиз, “юраксиз” бўлмайди²².

Азизиддин Насафий ҳам моддий борлиқ асосини тўрт унсурдан иборат эканлигини уқтиради, яъни, олов, ҳаво, сув ва тупроқ. Алломанинг фикрича, “улар ота-оналар каби бўлиб, улардан фарзандлар, яъни, маъдан, ўсимликлар ва ҳайвонлар, энг сўнггида одам яратилган. Ҳаёти давомида у комилликка эришади”.

Асарда баён этилишича, ҳар бир нарсанинг бошланиши ва якуни мавжуд. Шу боис якунланаётган, ниҳоясига етаётган нарса ўзининг бошланғич нуқтасига қайтади. Алломанинг мазкур фикри замонавий илм-фан томонидан асосланган моддалар алмашиши тизими тўғрисидаги қонуният моҳиятига тўла мос келади.

²² Ўша манба, - 131-бет.

Азизиддин Насафийнинг фикрича, олам иккига – азалий, яъни абадий мавжуд бўлган олам ва худо томонидан одамлар, ҳайвон ва ўсимликнинг яшаши учун яратилган дунёга бўлинишини таъкидлайди. Азалий оламни худо деб атаб, у абадий мавжуд, инсон ва барча тирик мавжудотлар яшайдиган оламни ўткинчи дунёда, яъни охири бор дунёда деб таъкидлайди. Худо икки оламни: моддий ва руҳий оламни яратган. Бу икки олам бири иккинчисисиз яшай олмайди.

Мутафаккирнинг фикрига кўра, тасаввуф (сўфийлик) йўлини танлаган солиҳ (киши) энг аввало ана шу икки оламнинг моҳиятини яхши англаб олиши, яъни оламнинг оддий инсон кўзига кўринмайдиган жиҳатларини мушоҳада қила оладиган даражадаги билимга эга бўлиши зарур. Чунки тариқат йўллари (шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқат босқичлари) ни тафаккур чиғириғидан ўтказмаган сўфий олам ва уни яратувчи худонинг моҳиятини англаб етмаса, тариқат босқичларига кўр-кўрона эргашувчи, сўфийликни ҳавас деб ҳисобловчи кишига айланади.

Азизиддин Насафий ўз асарида борлиқни тугал: оламни ғайиб (инсон англаб олиши мумкин бўлмаган олам, яъни яширин олам) ва олами шуҳуд (инсон англаб олиши мумкин бўлган олам, яъни кўринадиган олам) га бўлинишини кўрсатиб ўтади. Насафий дарвешга ҳаққа – Аллоҳга руҳан кўшилиш йўли – тасаввуф йўлини танлашда, бутун борлиқ, унинг мавжудлиги, унинг тузилишини билиб олиш орқали худонинг куч-қудрати ва имкониятларини англаб олмоқ зарурлигини, руҳий-маънавий комилликка

эришиш йўллари олам ва одамнинг вужудга келишини калом илми, файласуфлар фикри ва тасаввуф аҳли фикрларини бир-бирига таққослаш орқали кўрсатиб беради. У дастлаб рух ва жисм, уларнинг вужудга келтирилиши ва даражаларини кўрсатиш орқали оламнинг тузилиши тўғрисидаги фикрларни баён қилиб беради. У дастлаб дунёдаги барча нарсаларда рух мавжудлигини, рух жавҳар эканлигини, барча тирик нарсалар – ўсимликлар, ҳайвонлар ва инсонларда мавжудлигини кўрсатиб ўтади. Унингча жавҳар – рух мавжуд бўлганлиги учун ўсимлик яшайди, ҳайвонлар ҳаракат қилади, ақл туфайли инсонлар таъсирланади ва таъсир кўрсатади.

Насафий ўзининг “Зубдат ул-хақойиқ” асарида сўфийлик йўлини танлаган дарвеш билан суҳбат қуриб, унга ана шу яширин ҳақиқатни англаб олиш йўллари батафсил тушунтириб беришни ўз олдига мақсад қилиб қўйганлигини таъкидлайди.

Насафий дастлаб худонинг олами, сўнг рухлар дунёсини яратганлигини ва уларнинг ўн уч даражага бўлинишини кўрсатиб ўтади. Унингча рух – жавҳардир, у жисмни ҳаракатга келтиради ва такомиллаштиради. Насафийнинг ёзишича, Худо олами яратишга киришишда ўзининг нигоҳини жавҳарнинг қиёмига қаратади. Қиём худонинг нигоҳи таъсири остида қайнай бошлайди. “Шу қиёмнинг қиёми (мағзи ва қаймоғи) дан пайғамбарлар Хотами (хулосаси) руҳини яратди, унинг қолдиғи мағзи ва қаймоғидан пайғамбарлар руҳини яратди, унинг қолдиғи мағзи ва қаймоғидан мурсал пайғамбарлар руҳини яратди, унинг қолдиғи мағзи ва

қаймоғидан қолган пайғамбарлар руҳини яратди, унинг қолдиғи мағзи ва қаймоғидан авлиёлар руҳини яратди, унинг қолдиғи мағзи ва қаймоғидан аҳли илму маърифат руҳини яратди, унинг қолдиғи мағзи ва қаймоғидан зоҳидлар руҳини яратди, унинг қолдиғи мағзи ва қаймоғидан тақво аҳли руҳини яратди, унинг қолдиғи мағзи ва қаймоғидан аҳли иймон руҳини яратди, унинг қолдиғи мағзи ва қаймоғидан одамлар руҳини яратди, унинг қолдиғи мағзи ва қаймоғидан ҳайвонлар руҳини яратди, унинг қолдиғи мағзи ва қаймоғидан ўсимлик руҳини яратди, унинг қолдиғи мағзи ва қаймоғидан маъданлар ва ашъёларни яратди,” – деб ёзади⁴³.

Ёхуд, Насафлик аллома пайғамбарларни тўрт тоифага бўлиб кўрсатади.

1. Пайғамбарлар Холами руҳини яратди деганда инсоннинг энг дастлабки вакили – Одам Атони назарда тутган бўлса керак. Чунки Одам Атони яратиб нурдан яралган барча фаришталарга унга сажда қилишни буюради. Зеро, инсон барча олам сарвари деб эълон қилинган эди.

2. Улулазм пайғамбарлар руҳини яратди деганда, тавҳид (ягона худо) ғоясини пайғамбарлар ичида биринчи марта илгари сурган Ибрҳим пайғамбар руҳини назарда тутади.

3. Мурсал пайғамбарлар руҳини яратди деганда муқаддас китоблар берилган расуллар назарда тутилган.

4. Қолган пайғамбарлар руҳини яратди деганда набийлар, яъни муқаддас китоблар берилмаган, лекин муқаддас китоблар ва шариатни тарғиб қилувчи пайғамбарлар (Қуръони Каримда назарда тутилган 17

пайғамбарлар) ни назарда тутган бўлса керак.

Азизиддин Насафийнинг фикрига кўра, тасаввуф йўлини танлаган инсонгина комиллик даражасига кўтарилиш имкониятига эга. Тасаввуф йўлини танлаган инсон олам, унинг яратилиши, тузилиши тўғрисидаги тасаввурга эга бўлмасдан, тариқат босқичларининг моҳиятини англаб етмасдан, яъни узлуксиз маърифатга интилмасдан, ўз қалбини маърифат нури билан тўлдирмасдан маънавий-руҳий камолотга эриша олмайди. Зеро, “инсон жони (руҳи) нинг камолоти ақллар ва фалаклар жони (руҳи) билан вобастадир, зеро фалаклар оламининг барча жонлари ва ақллари маърифат ва сафо сохибидирлар ва доимий равишда маърифат эгаллаб, нурафшонлик касб этадилар. Шу боис инсонинг вазифаси – узлуксиз маърифатга интилиши ва ўз қалбини шу нур билан тўлдириш ва илм топиб, мусаффолик сари интилишдир”⁴⁴.

Мутафаккир тасаввуф йўлига кирмоқчи бўлган дарвешларга инсон, хайвон ва ўсимликлар руҳларининг ўзига хос хусусиятлари, ўхшаш ва фарқли жиҳатларини кўрсатиб, инсон руҳининг комиллик даражасига эришиш имкониятларини кўрсатиб ўтади. У инсон руҳининг мукаммаллашув босқичларини тасвирлаб, агар инсон ўз руҳини босқичларини танлаб, ўз руҳини такомиллаштира олса, оддий инсон руҳининг хотам ул-анбиё (одам ота) даражасига кўтарилиб асли макони – худо махрум этган нур макони (жаннат) га эришиш мумкинлигини кўрсатиб ўтади.

Унингча, агар инсон пайғамбарларга иймон келтириб, суннатга амал

килиш баробарида Худога ибодатни бажо қилиб, туну-куннинг кўп қисмини ибодат билан ўтказса, бундай киши солиҳ ва тақво соҳибига айланиб унинг руҳи тақволик солиҳ руҳига айланишини, агар инсон сурункали ибодатдан ташқари бу дунё лаззатларидан юз ўгирган, жисмоний лаззат ва хирсдан қутулган бўлса, бундай кишиларни зоҳид, унинг руҳини зоҳид руҳи деб аташларини таъкидлаб ўтади. Шунингдек, тасаввуф йўлига кирган инсон ва унинг руҳининг бошқа манзиллари тўғрисида ҳам ўз фикрини назарий жиҳатдан шарҳлаб беради. Насафийнинг ёзишича, сўфийлик йўлини танлаган кишининг кейинги мақоми ва унинг руҳининг кейинги босқичлари қуйидагилардан иборат: Агар инсон зоҳидликдан ташқари, нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятини англаб етса, унинг назаридан ҳеч бир нарса яширин қолмаса, бошқаларга тақлид қилиш чегарасидан ирфон (маърифат) чегарасига ўтган бўлса, бундай инсон донишманд (ориф) одам, унинг руҳи эса ориф руҳга айланади. Агар ирфоний маърифат устига қалбини худо нури билан ёрита олса, у киши валийга, унинг руҳи эса валийлар руҳига айланади. Агар киши ўз қалбини яратганнинг муҳаббати билан ёритиб, унинг устига Худо уни мўъжиза – кароматлар кўрсатишга танлаган бўлса ва бандаларга Ҳақ йўлини ҳидоят қилиш учун пайғамбарлар сифатида юборса бундай одам набий ва унинг руҳини набийлар руҳи деб, агар боз устига Худо уни ўз китоби учун танласа, уни Расул деб, уни руҳини эса Расул руҳи деб, агар танлаган инсонга бандаларга китоб олиб бориш баробарида ўзигача мавжуд бўлган барча шариатни бекор қилиб, янги шариатни жорий эта олиш


даражасига эриша олса, бундай инсон улулазм, унинг руҳини улулазм руҳи деб номланишини назарий жиҳатдан асослаб беради⁴⁵.

Насафийнинг фикрича, инсон ўз руҳини илм-маърифат орқалигина такомиллаштириб бориши мумкин. Чунки, “Инсон илм даражаси оширилган сари олийжаноброк ва буюкроқ бўлиб боради”.

Хулоса қилиб айтганда, Азизиддин Насафий XIII аср тасаввуф тариқатининг кўзга кўринган назариётчиси сифатида сўфийлик йўлининг ниҳоятда машаққатли ва масъулиятли йўл эканлигини, бу йўлга кўр-кўрона кириб бормасликни назарий жиҳатдан асослаб беради. Тасаввуф йўлини танлаган одам учун бу йўл одамийликнинг барча даражаларини эгаллашга ёрдам беришини, зеро, тасаввуф йўлига киришнинг асл мақсад-муддаоси қалб саховатига эга бўлиш, эзгулик соҳибига айланишдан иборатлигини таъкидлаб кўрсатади. “Шундай бўлгилки, сендан беихтиёр ҳамиша яхшилик ва саховат ёғилиб турсин, ҳамма вақт ёвузлик ва ҳақорат ёғдирадиган кишилардан бўлма, чунки уларнинг ҳақиқати (табиати) ҳамиша ноҳақлик ва зулм, нохушлик ижод қилишдир. Сенинг ҳақиқатинг (моҳиятинг) тўғрилиқ ва хайрли ишлар ижод қилиш бўлсин”, - деб ўз фикрини хулосалайди Азизиддин Насафий.

Психологик ва педагогик таълимотларда моддий борлиқ сезги органлари ёрдамида англаниши айтилади. Булар: эшитиш, кўриш, таъм билиш (оғиз ёрдамида), ҳид билиш (бурун ёрдамида), тери сегиси. Аллома ўз асарида моддий борлиқни англашнинг икки йўли мавжуд эканлигига

эътиборни қаратади. Яъни (1-расм).



1-расм. Моддий борлиқни англаш усуллари

Ҳофиза (хотира) тахайюл (идрок) ҳазинасидир, ақли солим (англаш) ҳисларнинг хабарлари – тасвирларни билиб олади, тасаввур ҳисларнинг сурат-тасвирларини тутиб туради, ҳофиза (идрок) ҳисларнинг (хабари тасвирининг) маъноларини тутиб туради. Бунинг маъноси шуки, ақлим солим (англаш) конкрет кўриниб турган нарсалар (шоҳид)ни топади, қиёслаш қуввати (тафаккур) ғайб (кўринмас, мавҳум) нарсаларни топади. Тахайюл (идрок) дўстлик ва душманлик маъноларини очади. Қиёслаш қуввати (тафаккур) тасаввурда анъёни мураккабликлар ва тафсилийликда забт этмоқдир²³.

Азизиддин Насафий асосий эътиборни “комил инсон” тушунчасининг

²³ Насафий, Азизиддин. Зубдат ул-ҳақоийк (Ҳақиқатлар қаймоғи). – Тошкент: Камалак, 1995. – 35-36-бетлар.

моҳиятини очиб бериш, унинг қиёфасида акс этадиган маънавий-ахлоқий сифатларни аниқлашга қаратади. Аллома ҳақи равишда комиллик – бу ўз-ўзини англаш эканлигини қайд этади: “ахлоқий хислатлар-ла безанмаган, ўзини танимаган одамлар кўп, улар ҳали комил эмас. Гўзал хислатлар-ла безанган бўлиб, лекин ўзини танимаганлар бор. Булар ҳам комил эмас. Бинобарин, инсоннинг камолотга эришиши тугал ахлоққа эга бўлиш ва ўз-ўзини таниш билан амалга ошади”²⁴.

Барча сўфийлар сингари Азизиддин Насафий ҳам инсон умрининг қандай кечиши тақдирга боғлиқ эканлигини айтади. Унинг фикрича, инсон ҳаракат ва нутқни ташкил этишда ҳам ихтиёрсиз бўлиб, бу ҳолатлар маълум қонуниятлар асосида амалга оширилади. Ҳаракат ва нутқнинг амалга оширилишида маълум меъёрларга амал қилинади. Бунда илм, мавжуд билимларни ўрганиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Алломанинг мазкур фикрлари замонавий педагогикада шахснинг ижтимоий-ахлоқий ҳамда ҳуқуқий меъёрларга амал қилиши зарурлиги борасидаги талабга мос келади. Зеро, “Зубдат ул-ҳақойиқ” асарида таъкидланганидек, мавжуд меъёрларга риоя этмаслик, ундан зиёд ҳаракат қилиш мумкин эмас. Асарда ёзилишича, донишмандларнинг фикрига кўра, илм олиш, билимларни ўзлаштириш ҳам маълум қонуниятга асосланади. Бироқ, ана шу манқсадга йўналтирилган ҳаракатнинг қай даражада самарали бўлиши инсоннинг саъйи-ҳаракатларига боғлиқ. У қанчалик кўп ҳаракат қилса, билими ва мавқеи (даражаси)

²⁴ Ўша манба, - 3-9-бет.

шунчалик ортади. Яхшилик ва ёмонлик қилиш, кам ейиш ва кўп ейиш ҳам инсоннинг ўзига боғлиқдир. Инсон қанчалик меҳнат қилса, куч сарфласа, унинг имкониятлари шунчалик даражада юқори бўлади²⁵.

Аллома баъзи кишилар аслида бўлмаган, йўқ нарсаларни қидириш билан умрларини беҳудага ўтказишларини айтади. Бу ҳолат Азизиддин Насафий назарида дарё бўйича чанқоқ, хазина устида қашшоқ бўлиш билан баробардир:

Гиреҳларни ечмоқ истаган дарвеш,

Таркибдан туғилиб, таснифдан ўлар.

Чанқоқдан қақроқсан дарё лабида.

Хазина устида қашшоқсан магар²⁶.

Аллома беҳуда нарсани излашдан кўра инсон ўз умрини ўзликни англашга, илм излашга, ҳунар сирларини ўзлаштириб, атрофдагиларга наф етказадиган юмушларга сарфлашини маъқул деб билади. Яъни:

Бир сават ширмой нон турар бошингда,

Тилайсан эшикдан бурда нон нечун?

Кишилар эшигин тақиллатгунча,

Қоқсанг-чи, эй нодон, дилнинг эшигин.

Бунинг маъноси, бир сават нонни бошда кўтарган холда ҳар бир эшикдан бир бурда нон тилагандан кўра, ўз дилингнинг эшигини қоқ,

²⁵ Ўша манба, – 10-11-бетлар.

²⁶ Ўша манба, – 43-бет.

демакдир. Дарҳақиқат, “Ўз дилининг эшигини қоқиш” инсонга ўзи учун нима ниҳоятда даркор эканлигини англашига ёрдам беради.

Мустақиллик йилларида ёшларни комил инсон қилиб тарбиялаш, уларни мустақил фикрлашга ўргатиш йўлида олиб борилаётган педагогик фаолият негизига мазкур ғояларни сингдириш ўз натижасини беради.

Ислом динининг муқаддас манбалари – Қуръони карим ва ҳадиси шарифларда, шунингдек, Шарқ алломаларининг аксарияти томонидан ёзилган маърифий асарларда комил инсонга хос маънавий-ахлоқий сифатлардан энг муҳими – бу сабр-тоқатли, қаноатли бўлиш эканлиги алоҳида қайд этилган. Уларнинг фикрлари Азизиддин Насафий томонидан ҳам тасдиқланади. Аллома бир ўринда, “Шу пайтгача мен: одамзод жонли мавжудот бўлгач, у зарур миқдорда меҳнат қилиши, оиласини хор қилмай боқиши, кучи етгунча одамларга хизмат қилиб, ҳожат чиқариши лозим деб ўйлар эдим. Ҳозир эса одам боласи учун қаноатдан ва зоҳидликдан яхшироқ нарса йўқ деб ўйлаб турибман”²⁷ дейди.

Азизиддин Насафий шахснинг шаклланиши (инсоннинг комиллик даражасига етишиши)ни таҳлил этар экан, бунинг замини (асоси)ни биологик ўсиш ва маънавий ривожланиш ташкил этишига алоҳида урғу беради. Алломанинг фикрича, ҳаёт, билим, ирода, қувват, эшитиш ва кўриш (қобилияти), нутқ (қобилияти) ҳақиқатда мавжуд эмас. Аммо даражалар

²⁷ Ўша манба, - 44-бет.


(Сўфийлик таълимоти нуқтаи назаридан комилликка эришиш даражалари) бўйлаб тараққий этгандагина ҳаёт, билим, ирода, қуват, эшитиш ва кўриш (қобилияти), нутқ (қобилияти) ҳақиқатда мавжудлик касб этади²⁸.

“Зубдат ул-хақойиқ” асарида шахснинг шаклланиши, ривожланиши (комилликка эришиш) “сулук” (арабча “йўл юриш”) дея талқин этилади. Мазкур тушунча моҳияти, қуйидагича баён қилинади: сулук ёсон сўзлардан хайрли сўзларга, ёмон ишлардан хайрли ишларга замима (бузук) ахлоқдан ҳамида (мақталган) ахлоққа ... томон ҳаракат қилмоқдир”. Яъни солиқ хайрли сўзлар, ишлар ва яхши хулқни касб этгач, маърифат нури унинг қалбига ёғилади ва у нарсаларнинг асл моҳиятини ҳис эта бошлайди. ... Ана шу ҳол солиқ (йўл юрувчи)ларнинг мақсад-муроди, толибларнинг матлуби ва йўловчиларнинг истагидир”²⁹.

Зардуштийлик дини ғояларига кўра, комиллик асосини:

- 1) эзгу фикр;
- 2) эзгу сўз;
- 3) эзгу амал ташкил этади.

Азизиддин Насафий қарашлари ҳам комил инсон мақомини белгилаш, унга мос маънавий-ахлоқий сифатларни аниқлашда зардаштийлик дини ғояларига таянади. Яъни, алломанинг қайд этишида солиқ (комил инсон)ларнинг камолоти қуйидаги тўрт унсурдан иборатдир (2-расм):



Ўз асарида Азизиддин Насафий инсонни комилликка эришиши йўлидаги тўсиқларни ҳам кўрсатиб ўтишга уринади. Қуйидаги тўрт нарсa бу йўлдаги асосий тўсиқ эканлигига эътиборни қаратади:

- молу мулкка меҳр қўйиш;
- оилага боғланиш;
- тақлид;
- бўйсунмаслик.

Алломанинг фикрига кўра, комилликка етишишнинг шартлари ҳам тўрттадир. Улар:

- зуҳдга берилмоқ;
- кам емоқ;
- кам ухламоқ;
- кам гапирмоқ.

Асарда мазкур шартларга амал қилишнинг шахсий оқибатлари ҳам ёритилади. Яъни: “барча айбу нуқсонларнинг илдизи кўп овқат ейишдир. Аммо парҳез деганда бугун ошқозонга сиққанича еб, эртага оч юришликни

англамаслик керак. Бундан фойда йўқ кам овқат ейдилар, рўза тутадилар, кейин эса кўп овқат ейдилар. Бу хилдаги парҳезнинг фойдаси кам, бу саломатликни емиради. ... парҳез доимий бўлиши керак, доимий бўлмаса, мақсадга эришилмайди. Ҳар бир ишда собитлик даркор”³⁰.

Алломанинг мазкур ғоялари ёшларда репродуктив саломатлик кўникмаларини шакллантириш борасида амалий ҳаракатларга олиб борилаётган мавжуд шароитда янада муҳим аҳамият касб этади. Зеро, шахсий саломатликни асраш кўникма ва малакаларини ўзлаштиришда тўғри овқатланиш маданиятини ҳам ўзлаштиришга алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

Азизиддин Насафийнинг билимларни ўзлаштиришда эшитишдан кўра кўпроқ кўриш ва ва муайян амалларни айнан шахснинг ўзи томонидан бажарган ҳолда ўзлаштирилиши самаралироқ эканлиги тўғрисидаги ғоялари ҳам замонавий шароитда таълим олувчиларга таълим беришда ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Эшитиш орқали ўзлаштирилган билимлар самарасиз бўлиб, тезда унутилиши мумкин. Яъни: “қулоқларинг орқали юракка етиб борадиган билим, бу худди бошқалар қудуғидан олинган сув кабидир, у билан чанқоқ ерингни суғормоқчисан, аммо бу сув турмайди, боз устига, у сенинг қудуғингда тўхтаб турмасликдан ташқари, тезда айниб қолиб, кўп бадбўй ва касалликлар туғдиради”³¹.

Мутафаккирнинг мазкур фикрларидан глобаллашув шароитида

³⁰ Ўша манба, - 52 бет.

³¹ Ўша манба, - 54-бет.

ёшларни ахборотлар хавфидан ҳимоя қилиш, уларнинг ёт, бузғунчи ғоялар таъсирига тушиб қолишдан муҳофазалаш жараёнида ҳам самарали фойдаланиш мумкин. Бинобарин, ишонли манбалардан ўзлаштирилган ҳамда шахс томонидан амалга қўллаб кўрилган ва зарур ёки нозарурлиги аниқланган билимларни ўзлаштиришгина унинг комиллик сифатларига эга бўлишига хизмат қилади.

“Зубдат ул-ҳақойиқ” асарида аллома инсонларни ҳалоллик, поклик билан топилган неъматларни, ноҳалол ва нопок нарсалардан ажрата олишга ундайди: “туз қопига тушган нарса тузга айланади, ифлосликка тушган ифлос бўлади, зеро нопок ва палиддан нопок ва палид туғилади, сафодан сафо ҳосил бўлади. Сендан туғилган нарса соф бўлиши учун аввал ўзингни пок этишинг керак”³².

Азизиддин Насафийнинг эътироф этишича, ҳар бир инсон атрофдагиларга яхшилик, эзгулик улушиши лозим. Шундагина унинг ҳаёти мазмунли кечади. Бу ўринда алломанинг тавсияси қуйидагича: “Шундай бўлгинки, сендан беихтиёр ҳамиша яхшилик ва саховат ёғилиб турсин, ҳамма вақт ёвузлик ва ҳақорат ёғдирадиган кишилардан бўлма, чунки, уларнинг ҳақиқати (табиати) ҳамиша ноҳақлик ва зулм, нохушлик ижод қилишдир. Сенинг ҳақиқатинг (моҳиятинг) тўғрилиқ ва хайрли ишлар ижод қилиш бўлсин. ... ҳеч бир мукофот талаб қилмай миннатдорчиликлар кутмай, аксинча, ҳамма вақт, ҳамма учун эзгуликлар яратганнгагина сен Илоҳнинг

³² Ўша манба, - 54-бет

хулқи билан музайян этилажаксан.

Зеро, кимки ҳамиша одамларга фароғат тиласа ва одамлар учун фароғат келтирса, ўша саховатли қалб эгасидир. Бундай одам ҳеч кимга хизматини дариғ тутмайди, тили, қўли, моли билан ўзгалар ёрдамига шошилади. Ҳамма вақт одамларни қийнашни одат қилган, одамларга азобу зулмни раво кўрувчи, тили, қўли билан озор берувчилар қалби нуқсонли одамлардир”³³.

Шундай қилиб, XVIII асрда яшаб ижод қилган насафлик алломалардан бири Азизиддин Насафий асарларида ҳам таълим-тарбияга оид ғоялар ўз ифодасини топган. Бу ўринда алломанинг комиллик эришиш ва комилликнинг мақоми борасидаги фикрлари қимматли бўли, улардан бугунги кунда ҳам ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш, уларда инсоний фазилатларни шакллантиришда самарали фойдаланиш мумкин.

Абу ал – Мутиъ ан – Насафий илмий меросининг баркамол авлод тарбиясидаги урни.

Истиқлол туфайли, Президентимизнинг оқилона сиёсати туфайли биз ўзликни англашдек улуғ жараёни бошдан кечирмоқдамиз. Бу жараён кадамба – кадам кечмоқда, тарихимизни саҳифама – саҳифа англаяпмиз. Номи инсоният тарихини безаган боболаримизни номма – ном танимоқдамиз.

Президентимиз Ислом Каримовнинг “Шу заминда ўтган неча – неча авлодлар диний эътиқодни юракда сақламаса, ислом фалсафасини ривожлантириб келмаса, биз бебаҳо ва бетакрор маънавий – рухий меросдан

³³ Ўша манба, - 55-бет.

махрум бўлиб қолардик”³⁴, деган мазмун – моҳияти ғоятда хурмаъно таъкидлари хусусида мулоҳаза юритган ҳар бир киши кўз ўнгида илмий – маънавий мерос қолдирган юзлаб табарруқ алломаларимиз намоён бўлиши шубҳасиздир.

Ислоннинг Марказий Осиёга тарқалиши туфайли бу жуда кўп маҳаллий Ислон олимлари – ҳадисшунос, Қуръон тафсиршунослари ва Ислон дини қонун – қоидалари, йўл – йўриқлари билан шуғулланувчи юзлаб машҳур, Ислон дунёси тан олган олимлар етишиб чиқдилар.

Кўпчиликка маълумки қоҳамизнинг бош кўрғонлари бўлмиш Насаф ва Кеш шаҳарлари ўрта асрларда йирик ҳадисшунослик, фикҳшунослик ҳамда калом илми марказлари сифатида машҳур бўлган.

“Китоб ал мансаб”ни тадқиқ этган олим Ш.С. Камолиддинов бу ҳақида: “Х асрда, Сомъоний шаҳодатига кўра, ҳадисшуносликнинг яна бир йирик маркази Насафда Аҳмад ибн Муҳаммад ан – Нахшабий, Муҳаммад ибн Аҳмад ал – Баладий, ал – Ҳасан ибн Али ал – Ҳаммадий ан – Нахшабий ва бошқалар мактаблари фаолият кўрсатиб турган эди”¹ дейди.

Юртимизда Ислон дини Ҳанафийта мазҳабининг кенг тарқалиши, халқ орасида тўғри талқин қилиниши, ундан қандайдир ғаразли мақсадлар йўлида фойдаланишга уринган гуруҳларга қарши курашиш масалаларига кўп фикҳшунос олимларимиз алоҳида аҳамият берганлар, шу масалаларга бағишланган қимматли асарлар ёзганлар. Улардан бири – Абу ал – Мутиъал Насафийдир. Унинг тўлиқ исми Абу Мутиъ Макхул ибн ал – Фадл ан – Насафийдир. Отаси ал – Фадл Ибн Вусайфан – Насафий таниқли олим Синон ибн Йасорнинг устози бўлиб, Х асрларда Насаф шаҳридаги бир масжид Синога тегишли бўлган².

Абу Макхул ал – Мутиъан – Насафий Сомонийлар ҳукмронлигининг дастлабки йилларида яшаб ижод қилган. У ўз замонасида шоир ва адиб, донишманд, файласуф сифатида шуҳрат тутди³.

³⁴ И.А.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент, Маънавият, 2008 йил.

Абу Мутиъ ан – Насафийнинг ўғли Абу Мўйин Муҳаммад Ибн Макҳул, невараси Абул Бадиъ Аҳмад ал – Макҳулий (331 – 379 йил ҳижрий 942 – 989 йил милодий), чевараси Абул Маоли Муътаид ибн Муҳаммад ал – Макҳул (958 йил феврал – март ойида туғилиб, 1038 йилда вафот этган). Фикҳ тарихида чуқур изқолдирганлар.

Камол ва фикҳ илмларининг дарғаларида бири Абул Мўйин ан – Насафий (1027 – 1114 йил) ҳам шу сулола намоёнрасидир. 1114 – йил Самарқандда вафот этган Абул - Мўйин ан – Насафийнинг жасади Насафдаги ҳозирги Қовчин қишлоғига келтириб дафн этилганлигига ажабдланмаса ҳам бўлади, албатта.

У киши мангу қўним топган жой алломанинг номи билан аталиб, ҳозирги кундаги муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳлардан биридир.

Абу ал – Мутиъ ал – Насафийнинг ҳижрий 318 милодий 930 йилда вафот этганлиги маълум. Ш. Шароповнинг маълумотларига қараганда алломанинг “Китоб ал – Луълуййат ва Китоб ал – Раддъало аҳл албидаъ ва – л - ахваъ” номли асарлари бор. “Китоб аш – шўъо” асари эса бизгача етиб келмаган. Бу асарларда Абу Мутиъ ўзининг фикҳда Ҳанафий, каломда Карромий сифатида намоён этади.

Абу ал – Мутиъ ан – Насафийнинг бизга қадар “Ал луълуййат фи мавоиз” (мулклар марвариди) асари етиб келган. Асар ибратомуз руҳдаги ҳикоятлардан, насиҳатомуз шеърӣ бандлардан ташкил топган. Бу китоб араб тилида ёзилган. Алломанинг ижодига, асарларига қизиқиш кучли бўлган.

Тарихчи, манбашунос олим П.Равшановнинг берган маълумотларига қараганда Ҳижрий 1250 йилда (мил. 1835 йил) Маҳмуд Ибн Ҳасан Ибн Қози Оранж “Ал - Луълуййат” асарининг арабчадан форсий тилга “Майамин ат – таржумон ва мунис ал – инсон” деган номда ўгирган.

Ан – Насафий асари форс тилига таржима қилинганда 33 йил ўтгач унинг ўзбекча таржимаси ҳам вужудга келади. Бу, Қози Оранжнинг “Мунис

ал-инсон” нусхаси асосида бажарилади. Ўзбекча таржиманинг таржимони номаълум, асар ҳижрий 1285 йилда (мил. 1868) йилда кўчирилган³.

Абу ал – Мутиъ ан – Насафий яшаган замон – Шарқ уйғониш даврининг биринчи босқичи бўлмиш, IX – XII асрларда Мовороуннаҳр заминида илму-фан гуркираб ривожланган, жамият тараққиёти учун ислом ҳуқуқини тўғри англаш ва амал қилиш муҳим ижтимоий заруратга айланган эди. Ул зот ўз асарларида ўша замонларда мўмин - мусулмонлар дуч келадиган долзарб ҳаётий масалалар, жумладан, оилавий ва ижтимоий муносабатлар, мулкчилик, савдо – сотиқ жинойт ва жазо, инсоннинг бурчи ва масъулиятларига тааллуқли кўпдан кўп муаммоларни исломий ҳуқуқ ва ахлоқий – насихатомуз нуқтаи – назаридан ҳал этиб берган.

Республикамизда Ислом оламининг забардаст алломалари Абу Исо ат – Термизийнинг 1200 йиллиги, Маҳмуд аз – Замаҳшарийнинг 920 йиллиги, Нажмиддин Кубронинг 850 йиллиги, Баҳоуддин Нақшбанднинг 675 йиллиги, Хожа Аҳрор Валийнинг 600 йиллиги, Имом ал – Бухорийнинг 1225 йиллиги, Бурхониддин Марғинонийнинг 910 йиллиги, Имом ал – Мотуридийнинг 1130 йиллигининг кенг кўламда нишонланиши юртимизда иймон дийну – диёнат қайтадан юксалаётганига ёрқин далил бўлди. Буюк аجدодларимизнинг бебаҳо меросини тиклаш, кадр – қимматини жойига қўйиш уларнинг уларнинг қадамжо ва зиёратгоҳларини обод қилиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарз.

Президентимиз И.А.Каримов бу азиз ва мукаррам зотлар ҳақида шундай деган эди: “Қадимий заминимизда ўтган бу улуғ зотларнинг яна бир хосияти шундаки, уларнинг шарофати билан табаррук мақбаралар, тарихий обидаларгина эмас, балки миллий тафаккуримиз, маънавиятимиз, миллий ғуруримиз, энг муҳими халқимизнинг тарихий хотираси қайта тикланмоқда.”

Абу Ҳафс Насафийнинг “Матла‘ Ан-Нужум” асари тадқиқи ва унинг таълим-тарбия қонуниятлари ҳақидаги қарашлар.

Мавороуннаҳрлик машҳур фақиҳ ва муфасссир, Абу Ҳафс ан-Насафий

1068 йилда Насаф шаҳрида туғилган³⁵. Унинг ўз фаолиятини асосан Самарқандда кечган бўлсада, дастлаб отаси Муҳаммад ибн Аҳмад (XI аср)³⁶ ва маҳаллий муҳаддислардан Насафда таълим олган. Библиографик маълумотларга қараганда, Абу Ҳафс Насафий 100 га яқин асарлар муаллифидир. Бироқ уларнинг аксарияти бизнинг давримизгача етиб келмаган. У 1142 йилда Самарқанд шаҳрида вафот этади ва Чокардиза қабристонида дафн этилади. Унинг бизга маълум бўлган калом, фикҳ, тафсир, ҳадис илмларига оид асарлари ЎЗР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар бўлими ва дунёнинг турли кутубхоналарида сақланмоқда³⁷.

Абу Ҳафс ан-Насафий илмий меросининг айрим жиҳатлари маҳаллий ва хорижлик тадқиқотчилар томонидан ўрганилган³⁸. Бу тадқиқотларнинг аксарияти табақот³⁹ асарларида келтирилган маълумотларга асослангани билан ажралиб туришини алоҳида таъкидлаш зарур. Шунингдек, алломанинг айрим асарлари хусусан, “Ал-Қанд фи зикри уламо-и Самарқанд”(Самарқанд уламолари зикрида қанд китоби) асари кўплаб тадқиқотчилар томонидан тадқиқ этилган. Бу асар ислом тарихи, Мавароуннаҳр ҳадис мактабларининг шаклланиши ва ривожланиши, шаҳар топонимикаси каби бир қанча масалаларни ўрганишда муҳим ўрин тутди⁴⁰.

Абу Ҳафс ан-Насафийнинг яна шундай муҳим асарларидан бири “Матла‘ ан-нужум ва мажма‘ ‘улум” (“Юлдузлар порлаш жойи ва илмлар мажмуаси”) номли асари бўлиб, у турли диний ва дунёвий илмлар таснифига бағишланган. Унинг ягона нодир қўлёзма нусхаси ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси ФА Шарқшунослик Институти қўлёзмалар бўлимида №1462

³⁵ Булгаков П.Г. – 1976.- Б.57 – 61; П.Г.Булгаков. Формуляры некоторых документов по частному праву из энциклопедии ан-Насафи // Материалы по истории науки и культуры народов Средний Азии.- Т.: Фан, 1991.- Б. 67 – 79.

³⁶¹ Шунингдек, тадқиқотчи манбани Самарқанд маҳаллий таълим тизими тарихини акс этувчи қимматли манба эканини ҳам айтиб ўтади. Қаранг: Булгаков, 1976.- Б. 58.

³⁷ Шу ўринда тўпламга киритилган 70 та мавзуни аксарияти мустақил асарлар айримлари эса рисола кўринишдаги матнлар эканини алоҳида таъкидлаш зарур.

³⁸ Қаранг: Булгаков П. 1976.- Б.58

³⁹ Ушбу асарлар орасида Абу Ҳафс ан-Насафийни бизга маълум бўлмаган ёки бизни давримизгача етиб келмаган асарлари ҳам мавжудлигини эслатиб ўтиш жоиз.

⁴⁰ Ҳожи Халифа. Кашф аз-зунун‘ ан-асами ал-кутуб ва-л-фунун. Г.Флюгель нашри. Лейпция 1835-

рақами остида сақланади⁴¹.

Мазкур нусха муаллиф ҳаётидан икки асрдан кўпроқ вақт ўтгандан кейин, аниқроғи 1364 - 1365 йилларда бир неча котиблар томонидан Самарқандда кўчирилган⁴². Тўпламнинг умумий ҳажми 355 варақ, матнлар асосан араб тилида (айрим ўринлари форс тилида) ёзилган бўлиб, насх хатида битилган⁴³.

Тўплам биринчи бўлиб академик П.Г. Булгаков томонидан қисқача тасниф қилинган⁴⁴. Хусусан, муаллиф мақолада асарнинг нодир нусха эканини алоҳида таъкидлаб, уни айрим кодикологик жиҳатларига тўхталиб ўтади ва таркибий тузилмаси ҳақида умумий маълумот беради.

Тадқиқотчи асарни Марказий Осиёнинг Мўғуллар давригача бўлган маданий тарихини ўрганишда муҳим ўрин тутишини айтиб ўтади ва уни қуйидаги жиҳатлар билан белгилайди. Биринчидан, асардаги аксарият бўлимлар компилятив шаклда бўлиб, уларда бир неча нодир маълумот ва материаллар сақланган. Иккинчидан, асар тили ва таркибий тузилиши жиҳатдан XII асрнинг биринчи ярмида Мавароуннаҳрда чуқур маданий ўзгаришлар юз берганини, хусусан, форс тили адабий илмий тил сифатида алоҳида шаклланишини кўрсатиб ўтади⁴⁵. Лекин, П.Г.Булгаков асарни тасниф қилишда айрим жузъий камчиликларга йўл қўйган. Биз ушбу ишимизда тўпламни синчиклаб тадқиқ қилиш жараёнида юзага келган айрим янги фикрларни баён этамиз.

П.Г. Булгаков ўз тадқиқотида асардан ўрин олган мавзулар сонини 57 та деб кўрсатади. Лекин унда 70 та мавзу жамланган бўлиб, уларнинг ҳар бири алоҳида ном остида келади ва бу мавзуларнинг айримлари мустақил

⁴¹ V- жилд. Б. 545. Ал-Лакнавий, Муҳаммад 'Абд ал-Хайй Ал-фава'ид ал-бахийа фи таражим ал-ханафийа, ЎзРФАШИ, Л. № 8010, Б. 182-183.

⁴² Рахимджанов Д.А. Абу Ҳафс ан-Насафийнинг Китоб ал-қанд фи маърифат 'уламо' Самарқанд асари – Самарқанд ҳадис илми тарихи бўйича муҳим манба// Тарих фанлар номзоди... дис.- Т., 2003й.- Б. 17.

⁴³ Матла' ан-Нужум ... Вв. 44^б – 162^а. Умумий ҳажми 120 варақ.

⁴⁴ Абу Ҳафс ан-Насафийнинг «Машори' шаройи'» асари ҳам ўз даврида машҳур бўлган. Лекин айрим сабабларга кўра номаълум бўлиб келаётган эди. Асарни алоҳида тадқиқ этиш талаб этилади.

⁴⁵ А. Муминов. Роль и место ханафитских 'улама' в жизни городов центрального Мавараннахра (II-VII/VIII-XIII вв.)// Дисс. на соискание учен. степ. д-ра ист. наук.- Т., 2003.- С.68

асар сифатида баҳолаш мумкин. Чунки тўпладан ўрин олган мавзулар баъзилари мазмун жиҳатдан узвий боғланмаган⁴⁶. Мавзулар биздан олдин амалга оширилган тадқиқотда 18 та илм соҳасига ажратилган ҳолда тавсифлаб чиқилган⁴⁷. Биз тадқиқот жараёнида асардан ўрин олган мавзуларни аниқ тасаввур қилиш учун уларни 25 та илм соҳасига ажратиш лозим ҳисобладик:

1. Калом илми 3 та мавзуни ўз ичига олади
2. Тасаввуф илми 2 та мавзу
3. Одоб-ахлоқ 2 та мавзу
4. Қироат ва тажвид илми 2 та мавзу
5. Тафсир илми 1 та мавзу
6. Назарий фикҳ (Усул ал-фикҳ)
7. Амалий фикҳ (Фикҳ ал-фуру‘) 5 та мавзу
8. Мерос илми (Фароиз) 3 та мавзу
9. Илму рижол 5 та мавзу
10. Ҳадис илми боби 1 та мавзу
11. Хутбалар 1 та мавзу
12. Мажлис ат-тазкир (ёд этиш мажлиси) 1 та мавзу
13. Иш юритиш ҳужжатлар намуналари (шурут илми) 2 та мавзу
14. Иншо илми 2 мавзу
15. Араб тили грамматикаси 6 та мавзу
16. Лексикология 1 та мавзу
17. Шеърят 13 та мавзу кирган
18. Шеърый санъат илми 2 та
19. Мақоллар 2 та

⁴⁶ Асарнинг умумий тавсифи тўғрисида қаранг: Булгаков, 1976. Б.57-61. Шунингдек, Муҳаммадаминов С. «Матла ан-нужум мажмаъ ал-‘улум» асарининг таркибий тузилмаси // Академик Убайдулла Каримов номидаги ёш шарқшунослар илмий конференцияси тезислари.- Тошкент , 2004. Б. 11-12.; Муҳаммадаминов С. Абу Ҳафс ан-Насафийнинг «Матла‘ ан-нужум» асаридаги фикҳ ва ҳадисга оид мавзулар// Имом ал-Бухорий сабоқлари.- 2005.- № 4, Б. 190-191.

⁴⁷ Матлаъ ан-нужум. В. 42^а.

20. Дуолар 1 та мавзу
21. Илми нужум 1 та мавзу
22. Риёзиёт илми 2 та мавзу
23. Тиббиёт илми 2 та мавзу
24. Зоология илми 1 та мавзу
25. Сирли илмлар 8 та мавзу кирган

Тўпلامдан ўрин олган мавзуларнинг баъзилари тўлалигича муаллифнинг ўзи томонидан таълиф этилгани диққатга сазовордир.

Абу Ҳафс ан-Насафий бошқа муаллифларнинг асарларидан фойдаланганда уларнинг баъзиларини тўғридан тўғри келтириб қолмасдан “қайта ишлайди” ва қисқа, тушунарли тарзда мажмуага киритади.

Насафийнинг “Матла‘ ан-нужум ва мажма‘ ал-‘улум”да ўзи таълиф этган мавзулар сони 51 тани ташкил этади⁴⁸. Қолган 19 таси бошқа муаллифларнинг асарларидан иборатдир. Муаллиф тўпلامда таълиф этган мавзуларнинг айримлари алоҳида мустақил асар сифатида табакотларда қайд этилади⁴⁹.

Масалан, улардан бири «Машори‘ аш-шорийа» (“Шариат қонунларининг лоиҳалари”) номли асар бўлиб, айрим тадқиқотчилар уни бизнинг давримизгача етиб келмаган деган фикрни илгари суради⁵⁰. Лекин, биз тадқиқот жараёнида алломанинг мазкур асар мажмуа ичидан ўрин олганини аниқладик⁵¹. Унда ибодат масаласи, одамлар ўртасидаги ўзаро муносабат, шунингдек, ҳокимиятнинг ўз фуқоролари бошқа дин ва давлатлар билан муносабатини белгиловчи ҳамда тартибга солувчи меъёрлар бир сўз билан айтганда, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини тартибга солиб

⁴⁸ Қаранг; «Матла‘ ан-нужум» Вв. 34^а, 34^б, 35^б, 36^б, 37^б, 38^а- 39^б, 40^а, 41^б,

⁴⁹ Матала‘ ан-нужум. В. 35^а. Рисолада Ан-Насафий унинг номини саккизта жойда тилга олади. Абу Зайд ад-Дабусий илми хилоф (киёсий ҳуқуқшунослик)га фанига асос солган. У ҳақда қаранг: Brunschvig R. *Théorie g n rale de la capacit  chez les hanafites m d ievaux* // Brunschvig R. * tudes d’Islamologie. Tome second.* Paris. 1976. Б. 52-54; А. Жўзжоний. Абу Зайд ад-Дабусий // Илмий тахлилий Ахборот. Тошкент Ислон университети.- Т., 2003.-№ 3.- Б. 4-13; Нажмиддинов З. Х. Абу Зайд ад-Дабусий меросининг Мовароуннаҳрда фикҳ илми ривожига тутган ўрни. Тарих фанлар номзоди... дис. Т.: ТИУ, 2007. - Б. 13 – 16.

⁵⁰ «Матла‘ ан-нужум» Вв. 35^б, 36^б.

⁵¹ Қаранг: ЎзР ФАШИ қўлёзмалар фонди қўлёзма инв. № 4739, №3112, №1397. Brockelmann C. *Geschichte der arabischen Litteratur* – Т.I. 235, 37; Supplementband, I, 420, 37-38

турувчи ҳукукий нормалар жамланган.

Асар 50 та китоб(мавзу)га ажратилиб, улардан 4 таси ибодат, қолган 46 таси муомалат масалалари билан боғлиқ. Услубий жиҳатдан эса ҳанафийа мазҳаби доирасида тузилган ва “фикҳ матнлари” (“Мухтасар ал-виқоя”, “Мухатасар ал-Қудурий”) га ўхшаб кетади. Бу ҳолат асарни мазҳаб доирасида кодекс ёки қонун вазифасини бажарган деган хулосага келишга асос бўлади⁵².

Шу вақтгача тадқиқотчилар Абу Ҳафс ан-Насафий усул ал-фикҳи бўйича ал-Кархийнинг «Рисола» асарига ёзган шарҳини кўрсатиб ўтишади⁵³. Лекин унинг махсус усул ал-фикҳга оид ёзган рисоласи борлиги ва у «Матлаъ ан-нужум ва мажмаъ ал-улум» асарининг таркибий қисмидан ўрин олгани маълум бўлди⁵⁴. Афсуски, ҳозирги кунгача унинг мазкур асари мавжудлиги бирон-бир илмий адабиётларда зикр қилинмаган.

Унинг номи «Таҳсил усул ал-фикҳ ва тафсил ал-мақолот фиҳа ‘ала ал-важҳ» («Усул ал-фикҳни ўрганиш ва у ҳақда умумий қарашларнинг тафсилоти») бўлиб, тўпламнинг 24^a-42^a варақларидан жой олган. Ушбу асар Муҳаммад б. Ҳомид б. ‘Али ал-Бухорий (лақаби Шараф ал-Ҳомидий) томонидан 765 / 1364 йилда кўчирилган.

Бу рисолада усул ал-фикҳи қоидалари баён қилиниши билан бирга Самарқанд, Бухоро, Балх уламолари ўртасида мавжуд бўлган шу илмга оид баъзи масалалар ва қарашлар ҳам ёритилганлиги эътиборга моликдир. Шунингдек, мазкур асарда турли мазҳаб ва фирқаларнинг (аҳли ҳадис, муътазилий, муржия, исмоилия) турли масалалар бўйича (масалан, ижмо‘, қиёснинг ҳукмлари) қарашлари ҳам акс этган.

⁵² СБРVI, № 4359-4360.Шунингдек, қаранг: Абу Бакр Розий ва унинг шогирди ёзиб қолдирган касалликлар тарихи / Кириш, таржима, изоҳ ва кўрсаткичлар Ҳ. Ҳикматуллаевники.- Т.: Фан, 1974.- С.25; Brockelmann С. Geschichte der arabischen Litteratur– Т. I. – Б. 235 - 37; Supplementband Т. I. – Б. 420

⁵³ Ўша асар 25 бет.

⁵⁴ П.Г. Булгаков ўз тадқиқотида тўпламга киритилган диний илмларга алоҳида эътиборини қаратмайди. Бу ҳолатни собиқ Совет даврида ҳукм сурган атеистик сиёсат, диний илмларга бўлган эътиборни чеклаб қўйилганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Абу Ҳафс ан-Насафий усул ал-фикҳ қоидаларини баён қилишда кўп ўринда Абу Мансур ал-Мотуридийнинг фикрларига таянади. Унинг исмини «Бизнинг бош машойихларимиздан Абу Мансур» ёки «Самарқанд машойихларининг бош раҳнамоси Абу Мансур» деб юксак эҳтиром билан тилга олади.

Абу Мансур ал-Мотуридий усул ал-фикҳи соҳасига оид асарлар ёзгани («Ма‘ҳаз аш-шори‘», «Китоб ал-жадал» асарлари) ва улар бизнинг давримизгача етиб келмагани айрим тадқиқотчилар томонидан алоҳида таъкидлаб ўтилади.

Биз Абу Ҳафс ан-Насафийнинг мазкур рисоласини тадқиқ қилиш жарёнида Мотуридийнинг исми 16 та жойда тилга олганини ҳамда унинг «Маъҳаз аш-шориъ» асари зикр қилиниб, ундан иқтибослар келтирилганига гувоҳи бўлдик. Ушбу асарни чуқурроқ тадқиқ қилиш Абу Мансур ал-Мотуридийнинг усул ал-фикҳ соҳасига оид мулоҳазаларини тиклашга ёрдам бериш мумкин.

Шунингдек, ан-Насафий мазкур рисолада «Диёримизнинг мутааххир олимлардан Абу Зайд ад-Дабусий», «Боғдодлик машойихларимиздан ал-Кархий ва ал-Жассоснинг наздида» деб машҳур уламоларнинг мулоҳазаларини ҳам келтириб ўтади. Демак, ан-Насафий ўзидан олдин усул ал-фикҳи илмида ижод қилган маҳаллий ҳамда бошқа ҳудуд мусулмон уламоларининг қарашларини яхши билган ва уларнинг фикрларидан унумли фойдалана олган.

Аллома замонида яшаган ёки ундан олдинги даврда яратилган усул фикҳга бағишланган асарларда (мисол учун, “Усул ал-Паздавий”, “Тақвим ал-адилла фи усул ал-фикҳ” каби,) ҳажм жиҳатдан кенг, кўрилаётган масалаларнинг ҳар бирига муаллиф мулоҳазаларини билдириши ва муқобил тарафга раддияларнинг бериши кузатилади.

Абу Ҳафс ан-Насафийнинг мазкур рисоласида эса кўрилаётган масалалар ҳажм жиҳатдан кичик бўлишига қарамасдан, усул ал-фикҳга оид

барча қонун-қоидалар баён қилинади.

Ан-Насафий бошқа муаллиф асарларини тўпламга киритар экан, ўзига хос услубни қўллаган ҳолда маълум асар номи ва мазмунини тўлиқ сақлаб қолишга ҳаракат қилади.

Мисол учун тўпламнинг тиббиёт бўлимида Абу Бакр ар-Розийнинг (251/865-313/925й.) “Манофи‘ ал-ағдийа ва мадорруҳа” (“Фойдали ва зарарли таомлар”) номли асарини тўлиқ келтиради.

Ушбу асарнинг XIX асрга оид иккита қўлёзма нусхаси ҳозирги кунда ЎзР ФА Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар бўлимида сақланаётганини таъкидлаб ўтиш жоиз. Бизнинг нусха эса XIV асрнинг бошларида кўчирилган бўлиб, ҳозирча улар орасида қадимийсидир.

Ушбу асар икки мақоладан иборат: биринчиси овқатларнинг зарари ва улардан сақланиш ва иккинчиси овқатларнинг сифати, миқдори ҳамда вақти ҳақида умумий қоидаларни ўз ичига олади. Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, Розийнинг ушбу асари овқатланиш гигиенаси бўйича араб тилида ёзилган дастлабки асар бўлиб, у 1888 йили Мисрда нашр этилган.

Хулоса ўрнида қуйидагиларни алоҳида таъкидлаш зарур:

- Биринчидан, тадқиқот давомида “Матла‘ ан-нужум ва мажма‘ ал-‘улум” асари калом, тасаввуф, фикҳ, ҳадис, қозилик ҳужжатларини тузиш намуналари, сирли илмлар, илми рижол каби диний илмларнинг маҳаллий ҳудуддаги ҳолатини тадқиқ қилиш;
- иккинчидан, тўплам XI –XII асарлар Марказий Осиё таълим тизими ва дастури тарихини ўрганишда қимматли манба бўлиб хизмат қилади;
- учинчидан, ушбу тўплам бизнинг давримизгача етиб келмаган айрим асарларни қайта тиклашда асос вазифасини ўтайди.

Ҳозирги кунда Абу Ҳафс ан-Насафийнинг бизга номигина маълум ва бошқа асарларини ҳам аниқлаш, уларни илмий муомолага киритиш

тадқиқотчилар олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

Насаф юртимиздаги қадимий шаҳарлардан биридир. Тарихий манбаларда у ҳақида ва унинг бағрида камол топган алломалар, машҳур кишилар тўғрисида кўплаб маълумотлар топиш мумкин. Ёқут ал-Ҳамавийнинг “Муъжам-ал-булдон”⁵⁵ (“Шаҳарлар луғати”) ва “Муъжам – ал-Удабо” (“Адиблар луғати”) асарлари ҳам ватанимиз тарихини ўрганишда энг муҳим манбалардан бири ҳисобланади. Олимнинг бу асарларида Мовароуннаҳр ва Хоразм ўлкасида яшаб, фаннинг турли соҳаларида ижод этган юздан ортиқ ватандош алломаларимиз ҳақида қимматли маълумотлар учрайди. Балки шу сабабдандир, сўнгги йилларда Ёқут ал-Ҳамавий номи мамлакатимизда тобора кўпроқ тилга олиниб, унинг асарлари олимларимиз эътиборини қозонмоқда.

Ўрта аср манбаларида қайд этилишича, Ёқут – ал- Ҳамавийнинг келиб чиқиши румликдир⁵⁶. Унинг тўлиқ номи Абу Абдуллоҳ Ёқут ибн Абдуллоҳ ар- Румий ал-Ҳамавий ал- Бағдодий. Тарихчилар, жумладан Ибн Халликон (XII) ва Ҳожи Халифа (XVII) уни 574-575 (1178 - 1179) йилда туғилган деб тахмин қилишади.

Машҳур сайёҳ ва олим номи билан шуҳрат қозонган Ёқут ал-Ҳамавий Шарқнинг кўплаб шаҳарларини кезиб чиқади. Чингизхоннинг Мовароуннаҳрга бостириб киришидан аввалроқ икки йилча Марвда яшайди ва афсонавий Хоразм ўлкасига саёҳат қилиб, тахминан уч ойдан ошиқроқ (қиш пайтида) шу ерда бўлади. Аммо мўғулларнинг босқини туфайли Бухоро, Самарқанд, Насаф каби шаҳарларни кўриш ниятига эриша олмайди. Шунга қарамай, у Марв маданий ҳаёти билан яқиндан танишади.

У ерда мавжуд бўлган бой кутубхоналар ҳақида шундай ёзади: “Мен бу кутубхоналардан ҳеч қийинчиликсиз китоб олиб фойдаланар эдим. Хонамда доим 200 жилдча китоб турар эди. Уларнинг аксарияти тилхатсиз ва баҳоси

^{55 3} Ёқут Ҳамавий. Муъжам ал- булдон. VIII- жилд.- Б. 36.

⁵⁶ Ибн Халликон. Вафойат ал- айон. ЎзР ФАШИ. 11474, II- жилд. – Б. 210: Котиб Чалабий (Ҳожи Халифа). Кашф аз- зунун. ЎзР ФАШИ, 5978, II- жилд. – Б.463.

100 динорча эди. Уларни ўқиб ҳузур қилар эдим ва фойда олардим. Ўқиш завқидан барча юрт ва ёру биродарлар хаёли кўнглимдан ўчди. Ўша ўқиганларимдан ушбу ва бошқа асрларимни ёзишда фойдаландим”⁵⁷. У ўзидан олдин ўтган алломаларнинг бу шаҳарлар ва уларда яшаб ўтган олиму фузолалар ҳақида ёзиб қолдирган кўплаб асарларидан фойдаланиб, қизиқарли ва қимматли маълумотлар тўплаб китоблар таълиф этади.

Биз ушбу мақолада унинг машҳур “Муъжам ал-булдон” ва “Мужам ал-удабо” асарларидаги Насаф ва унинг маданий ҳаётига оид маълумотлар тўғрисида сўз юритамиз.

Ёкутнинг “Мужам ал-булдон” асари йирик жуғрофий асардир. Унда дунёнинг турли иқлимларида жойлашган кўплаб шаҳар ва қишлоқлар ҳақида маълумотлар тўпланган. Шунингдек, унда Насаф ва унинг теварак-атрофидаги жойлар, у ерлардан чиққан машҳур алломалар ҳақида ҳам куйидаги маълумотлар учрайди.

Насаф - Самарқанд ва Жайхун оралиғида жойлашган аҳолиси кўп ва обод шаҳар. У ердан фаннинг барча соҳалари бўйича кўплаб алломалар чиққан. Улар Нахшабий нисбасини ҳам қўллайди. Истахрийнинг айтишича, Насаф девор билан ўралган, ўртасида кўрғони ва тўртта дарвозаси бор шаҳар. Бухоро ва Балх йўли шу ердан ўтади. Жойи текислик. Кеш билан ораси икки манзил. Жайхун билан оралиғида тоғ йўқ. Шаҳарнинг ўртасидан битта дарё ўтган. Бу сув Кешдан оқиб келади. Унинг қирғоғида уйлар ва қишлоқлар жойлашган...

...Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Муъқла ибн ал-Ҳажжож ибн Худош ан-Насафий шу ердан чиққан. У улуғ аллома ва муҳаддислардан эди. Кўп китоб ёзган. Суннат (ҳадис) тафсирларни йиққан. Қутайба ибн Саъид, Ҳишом ибн Омир ад-Дамашқий ва Ҳармилла ибн Яҳё ал-Мисрий ҳақида гапириб ўтган. У тўғрисида кўплаб алломалар ривоят қилган. Улар 394 (1003) йилда вафот

⁵⁷ Муъжам ал- булдон. VII – жилд. – Б. 286- 287.

этган⁵⁸.

Ёқут “Муъжам ал-булдон” да Насафнинг иккинчи номини ҳам келтиради ва шундай хабар беради.

Нахшаб - Мовароуннахр шаҳарларидан. Жайхун ва Самарқанд оралиғида. Бухоро йўлида эмас. Бухородан Самарқандга боришда Нахшаб чапда қолади. Уни Насаф деб эслатгандек. У билан Самарқанд ораси уч манзил масофа.

Бу ернинг улуғ алломаларидан бири - ал-Ҳофиз Абдулазиз ибн Муҳаммад ибн Абу Жаъфар ибн Абу Бакр ан-Насафий ал-Осимийдир. У 456 (1063) йили вафот этган. Ҳабатуллоҳ ибн ал-Ақфоний ундан Абду-л-Қосим Абудрахмон ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Умар, Абду-л-Қосим Али ибн Абдурахим ал-Котиб ал-Исбаҳоний, Абу Толиб ибн Ғийлон, Абу Муҳаммад ал-Жавҳарий, Абу Али ал-Мазҳаб, Абу Абдуллоҳ ас-Саврий, Абу Аббос Жаъфар ибн Муҳаммад ал-Мустағфирий ан-Нахшабий ундан дарс тинглаганини айтади. У Дамашққа келиб ҳадис сўзлаган. Абдулазиз Киной, Абу Бакр ал-Хатиб ва бошқалар у тўғрисида ривоят қилган. У 452 (1059)⁵⁹ йилда қирқ ёшга етмай Нахшабда вафот этган⁶⁰.

Касби - Насафга қарашли қасаба. У ердан чиққан илм аҳли Касбавий ёки Касбий нисбаси билан аталади. Насаф билан оралиғи тўрт фарсах. Жомеъ масжиди ва бозори бор.

Абу Аҳмад Исо ибн ал-Ҳусайн ибн ар-Робмул ал-Касбавий шу ерликдир. У “Китаб ал- Бустон” (“Боғ китоби”) асарини ёзган. У ҳақида Абу Саъад ал-Идрисий ривоят қилган.

Ёқут ал-Ҳамавий шундай улуғ ва машҳур алломанинг фақат биттагина китобини айтиб ўтишининг сабаби албатта унинг Мовароуннахрга келолмагани ва у ҳақда тўла маълумотга эга бўлмаганидир. Шунга

⁵⁸ Ёқут Ҳамавий. Муъжам ал- булдон. VIII- жилд.- Б. 36.

⁵⁹ Бу ерда имло хатога йўл қўйилган. Чунки мақола бошида бу сана 456 (1063) деб кўрсатилган.

⁶⁰ Муъжам ал- булдон VIII- жилд.- Б. 273.

қарамай, Ёқут ал-Ҳамавий маълумотининг ўзига хос муҳим томони ҳам мавжуддир.

Яъни, у Насафийнинг адаб соҳасидаги, хусусан, шеърият билан ошно бўлганини кўрсатиб ўтади. “Қанд” китобида ёзилишича, 516 (1122) йили Насафийникига олис мағриб ўлкасидан аллома Абу Хорун Мусо ибн Абдуллоҳ ал-Ағмотий ал-Қахтоний меҳмон бўлиб келади ва қисқа фурсат уникида яшаб қолади.

Насафий меҳмоннинг илтимосига кўра “Аъжалта ан-Нахшабий лизайфиҳи ал-мағриби” (“Нахшабийнинг мағриблик меҳмонга атаб шошилини тайёрланган китоб”) асарини ёзади. Ёқут ал-Ҳамавий ушбу шеърий парчани келтиради:

Чиқиб қуёш мағрибдан порлар,

Шарқу ғарбни мунаввар этиб.

Дедик: Ки қиёмат муқаррар

Келмиш унинг шарпаси этиб.

Насафийнинг бу айтганларига Ағмотий шундай жавоб берибди:

Ҳаёт қистови бирла йўл олдим йироқларга,

Мулким ғам булди тўла кўз булоқларга.

Сарсон – саргардон кездим Хуросонда ғурбатда,

Жисмим шарқда оввора, қалбим қолмишдир ғарбда¹⁹.

Насафий ва унинг шеъриятга муносабати мутлақо ўрганилмаган тоза мавзудир. Сўнгги пайтлардагина унинг ижодига эътибор қаратилиб, айрим илмий тадқиқотлар амалга оширила бошланди. Аммо бу борада ҳали бирорта жиддий амалиёт кўзга ташланганича йўқ.

Алломалик бизга ота мерос, аجدодларимиз меросини қанчалик кўп ўргансак шунчалик кўп олима, шоираларимиз илмий меросига дуч келамиз.

Ютрбошимиз И.А.Каримов олиму-олималаримиз ҳақида шундай дейди:

“Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Қашқадарё вилояти юксак ишлаб чиқариш салоҳияти билан бирга, бой тарихий анъаналарга ҳам эга... Қадимий, Насаф, Косон, Ғузор ва бошқа ўнлаб шаҳарларда бунёд этилган мадраса, работ, масжид ва карвонсаройлар тарихимизнинг ноёб ёдгорлиги бўлмиш Шаҳрисабздаги Оксарой каби кўплаб меъморчилик обидалари олис аждодларимизнинг бетакрор турмуш маданиятидан, бунёдкорлик салоҳиятидан далолат беради. Бу юрт айна пайтда башариятнинг маънавий тараққиётига сезиларли ҳисса қўшган буюк фарзандлари билан ҳам маълум ва машҳурдир. Биргина Насаф шаҳридан чиқиб “Насафий” тахаллуси билан шуҳрат қозонган ўндан ортиқ олимларнинг номи ҳаммамизга яхши маълум. Ислом оламини ўзининг бебаҳо илмий мероси билан бойитган ва юртимизнинг шон-шуҳратини жаҳонга таратган кўплаб азиз -авлиёлар, илму уламолар фақат Қашқадарёликларнинг эмас, балки бутун ўзбек халқининг фахри ва ғуруридир”⁶¹

Аёлсиз ҳаётни, тараққиётни тасаввур қилиб бўлмайди. Улар жамиятнинг етакчи кучлари, моҳир, удабурон мураббийлари, меҳрибон ва оқила тарбиячиларидир. Асрлар давомида ўз асарларида қувонч ва ғазабни, висол хурсандликлари ва хижрон аламларини, тинч ва осойишта яшаш умидлари ва бу умидларқаршисидаги фожеали холларни ўз ижодларида акс эттирган, маъсума ва мунис оналар қалбини, жафокаш ва бордошли аёлларнинг бой рухий оламини юксак нафасда кўйлаган қадимий насафлик олима аёлларимиздан бири Насафийлар номи билан ижод қилиб тарихда ўзининг ёрқин изини қолдирган шоира Тоҳира Насафийдир.

“Халқимизнинг буюк тарихида ўзининг жасорат ва матонати, ақл-заковати, нафосат ва назокати билан ўчмас из қолдирган Тўмарис, Бибихоним, Гулбаданбегим, Зебунисо, Нодира, Увайсий, Анбар отин ва бошқа юзлаб аёлларимизни эҳтиром билан тилга оламиз”⁶² дейдилар

⁶¹ Носир Муҳаммад - Насаф ва Кеш алломалари – (IX-XX асрлар) – Тошкент – 2006 йил “Ғофур Ғулом”

⁶² Аёлга эҳтиром- Тошкент., “Маънавият” - 1999 йил, 124 бет.

юртбошимиз. Тоҳира Насафий ўз даврининг машҳур шоиралари Махзуна, Нотавон ва Увайсий, Муаззамхон ва Нозмихоним ҳамда Анбар Отин, Жаҳон отин Сиддиқбоб қизи Увайсий, Мохлар ойим Нодиралар билан бир даврда ҳамоҳанг яшаб ижод этган исътедодли шоирадир.

Шоира Тоҳира Насафий XIX аср охирларида Қарши шаҳрида туғилган. Ёшлигиданоқ отин ойилар, мадрасаларда пухта билим олади, сўнгра, ўзи ҳам мактаб очиб ва унда насафлик иқтидорли қизларни ўқитади. Мумтоз адабиёт сирларини пухта ўрганиб, ўзи ҳам ғазаллар ёза бошлаган Тоҳира Насафий XIX аср охири ва XX аср бошларида Бухоро ва Фарғонага сафар қилиб, жаҳонга донғи кетган мадрасаларда ўз билимини оширади. Бу шаҳарларда у машҳур ўзбек шоиралари билан учрашиб, мушоираларда иштирок этади.

Тоҳира Насафий зуллисонайн шоира бўлган. У ўзбек ва тожик тилларида бирдек маҳорат билан шеър ёзган. Шоира умрининг сўнгги йилларида Термизда яшаган ва шу ерда вафот этган.

Тоҳира Насафий ижодидан айрим намуналар тазкиралар (қадимда алломалар ва буюк зотлар ҳақидаги маълумотларни тўплаш ва уларни китоб-тазкира шаклида ёзиш анъанаси кенг тарқалган эди. Босма нашрлар мавжуд бўлмаган даврда улуг аجدодларимиз номи, уларнинг эзгу ишлари кўплаб тазкиралар орқали авлоддан-авлодга ўтиб, бизнинг давримизгача етиб келган. Бугунги кунда ҳам улар тарихимиз ва маданиятимиз фидойилари бўлган илм аҳли учун муҳим манба бўлиб хизмат қилмоқда) орқали бизгача етиб келган. Тоҳира Насафий фаолияти ва ижодий меросини ўрганишда адабиётшунослигимиз анча ютуқларга эришди, у тўғрида янги маълумотлар кўлга киритилди. Тоҳира Насафий замондош устоз адиблар изидан бориб, ўз ижодида халқ аҳволини, дугоналарининг ҳис ва тўйғуларини ифодалаган. Нафис шеърляти орқали жамият ҳаёти воқеаларига ўзининг илғор карашларини ифодалаган. Унинг тожик тилидаги бир ғазали шу байт билан бошланади:

Гар ба ту афтодам назар чехра-бачехра, рў-барў,

Шарҳ диҳам ғами худро нукта-банукта, мў –бамў.

Мазмуни: Агар сенга юзма-юз туриб назар ташласам эди, ўз ғамимни биттама-битта, астойдил шарҳ этар эдим.

Ўз ФА Шарқшунослик институти Қўлёзмалар жамғармасида сақланаётган асарларда Насафлик олима, шоира аёлларимиз мероси кўплаб топилади. Шулар жумласидан, Тоҳира Насафий меросини ўрганиш биз учун юртбошимиз таъкидлаганларидек, “Улуғ момоларимизга хос булган олижаноб фазилатлар бугун ҳам муҳтарам аёлларимиз сиймосида давом этиб келмоқда”⁶³.

Юқорида келтирилган мухтасар маълумотлар асосида шуни айтиш жоизки, Насафда шунча улуғ аجدодларимиз ўтган бўлса- ю, уларнинг ҳаёти ва ижодий меросидан шу кунга қадар ҳатто халқнинг илғор қисми бўлмиш илм аҳли ҳам беҳабар бўлиши, албатта ачинарли ҳолдир. Ҳолбуки, бугунги жамиятимизда халқимиз маънавиятини уларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ўтмишда ватанимиз шон-шуҳратини оламга ёйган боболаримиз қолдирган маънавият хазинасини топиш, ўрганиш ва халққа етказишдек хайрли ишларни амалга ошириш ҳам фарз, ҳам қарзидир.

⁶³ Аёлга эҳтиром- Тошкент., “Маънавият” - 1999 йил, 124 бет.

2.1. Қадимги Насаф ва Кешнинг мактаб ва мадрасаларида таълим-тарбия мазмуни ва шакллари

Президентимиз И.А. Каримов баркамол авлодни шакллантириш масалалари хусусида тўхталиб: “Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш... Ёш авлодимизнинг қалби ва онгини асраш, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш, ... оқни қорадан ажратишга қодир бўлишга эришиш таълим-тарбия ва маънавий-маърифий ишларимизнинг асосий шарти ва мезони бўлиши даркор”,- деб таъкидлаган эди.

Демак, ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш назарияси ва амалиёти билан боғлиқ тарихий ҳақиқатни билмасдан туриб ушбу улугвор вазифани амалга ошириб бўлмайди. “Баркамол авлод йили” Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун бу омил янада зарур. Бу исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир.

“Баркамол авлод йили” Давлат дастурида ҳам бу вазифага алоҳида эътибор қаратилган. Қадимги Насаф ва Кеш халқининг Марказий Осиёда илм фан, маданият ривожига, жаҳон тамаддунига қўшган ҳиссасини илмий тадқиқ этиш бу ишда ёрдам бериши мумкин.

VII аср бошларида ислом ғоясига асосланган Араб ҳалифалиги ташкил топди. Бу давлат ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун бошқа мамлакатларни ҳам забт этди. Шунингдек, Ерон, Кавказ орти, Сурия, Шимолий Африка, Жанубий Испания ҳалифалик таркибига киритилди.

VII аср ўрталаридан бошлаб араблар Мовароуннаҳрга ҳам ҳужум қилиш режасини туза бошладилар.

Араб истилочиларининг биринчи юриши 651 йилда Убайдуллоҳ ибн Зиёд бошчилигида амалга оширилди. 676 йилда эса Саид ибн Усмон раҳбарлигида Бухоро, Суғдиёна, Кеш, Насаф шаҳарларига ҳужум қилинди.

Араб истилочиларининг иккинчи юриши 705 йилда Хуросон ҳокими Қутайба ибн Муслим томонидан бошланди. У 706 йилда Зарафшон водийсига юриш бошлаб, Пойкенд, Бухоро, Самарқанд, Суғд, Фарғона ва бошқа шаҳарларни қўлга киритди, сўнг Хоразмни забт этди. Қутайбанинг истилочилик юриши у 715 йилда араб қўзғолончи жангчилари томонидан Фарғонада ўлдирилгандан сўнг тўхтади.

VIII асрнинг ўрталарига келибгина араблар Мовароуннаҳрни забт этишга тўла эришдилар.

Араблар босиб олган ерларда халқни ислом динига кирита бошладилар. Тарихчи ат-Табарийнинг “Ат-Табарий тарихи” Наршахийнинг “Бухоро тарихи”, В.В. Бартолднинг тарихий асарларида келтирилишича, арабларнинг Мовароуннаҳр халқини ислом динига киритиш жараёни қийин кечган ва бир неча йилларга чўзилган. Чунки Мовароуннаҳр араб истилосигача ҳам маънавий, ҳам иқтисодий тараққий этган мамлакат бўлиб, ҳалифалик ўрнатилиши натижасида VIII асрларнинг охирларига келиб, Ўрта Осиёда турк суғд ёзувлари ўрнига араб ёзуви тарқалди. Арабларга қарши Абу Муслим, Муқанна, ал-Хориж, Рафи ибн Лайс бошчилигидаги халқ қўзғалони бостирилди. Араб ҳалифалиги ҳукмронлиги узил- кесил ўрнатилди.

Ислом дунёвий дин сифатида майда динларнинг ўрнини олди, чунки унда аввалги динларнинг ижобий хусусиятлари ўз ифодасини топди.

Ислом ва унинг асосий китоби “Қуръон”да аҳлоқ–одоб, иймон, инсонни улуғлаш, жамиятга хизмат қилиш, оилани мустаҳкамлаш, ота-онага ҳурмат каби масалалар аниқ - равшан акс этди.

VIII аср охири IX аср бошида араб ҳалифалигининг маркази Боғдодда илм–фан ривожланди, юнон олимларидан Платон (Афлотун), Аристотел (Арасту), Сократ (Сукрот), Гиппократ (Букрот), Гален (Жолинус), Йевклуд (Иқлидус) кабиларнинг асарлари араб тилига таржима қилинди, христиан ва ислом.олимлари ўртасида ҳамкорлик амалга оширилди.

Ҳалифа Хорун ар- Рашид ўлимидан (813 йил) сўнг унинг ўғли ал–

Маъмун ҳалифа этиб тайинланди. У Боғдодда илмий марказ-академия ташкил этиб, унга барча мусулмон ўлкалари, жумладан Ўрта Осиёдан ҳам олимлар тўпланди. Булар Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Марвозий, Марварудий Жавҳарий каби олимлар.

Боғдод академиясини жаҳонга машҳур қилишда жуда катта фаолият кўрсатдилар. Қутайба араблар Бухороликлар билан бирга туриб уларнинг хатти-ҳаракатларидан хабардор бўлиб турсалар, улар заруратдан мусулмон бўладилар, деган мақсадда Бухоро аҳолисига ўз уйлариининг ярмини арабларга беришга ундаб буйруқ чиқаришни тўғри деб топди ва шу йўл билан у мусулмончилиқни ўрнатди ҳамда шариат ҳукмларини бажаришга мажбур қилди.

Қутайба масжидлар бино қилди, кофирлик ва оташпарастлик асарларини йўқотди. У кўп жидду жаҳд қилиб, кимда шариат ҳукумларини бажаришда камчилик содир бўлса, уни жазолар эди. У жоме масжидини бино қилди ва одамларга жума номозини ўқишга буйруқ берди.

IX аср бошларидаёқ Марказий Осиёда мусулмон мактабларининг, асосан икки тури мавжуд бўлган мактаб ва мадраса;

Илк мусулмон мактаблари ҳалифа буйруғи билан VIII аср охирида мачитлар ҳузурида очилиб, ўғил болаларга Қуръони Карим ўргатилган, мактабларни мачит имомлари ташкил этган.

“Мактаб” – арабча сўз бўлиб, “ёзишни ўргатадиган жой” демакдир. Чунки, савод чиқариш ёзувни ўрганишдан бошланган.

Илк мусулмон мактабларида мактабларнинг асосий вазифаси болаларга Қуръони Каримни ўқишни ўргатишдан иборат бўлиб қолди. Ҳарфлар алфавит тартибида (алиф, бе, те, се ва б...) ёдлатиларди. Сўнгра шу ҳарфлар хижжалаб, кўшиб ўқитиларди. Бу машқлар ниҳоясига етгач, ўқувчининг кўлига биринчи китоб тариқасида “Қуръон” берилган. Домла Қуръонни бошидан бошлаб ҳар бир сурани жумлама-жумла баланд овозда ўқир, шогирдлар эса уни такрорларди.

“Қуръон” ни ёдлаш машаққатли, лекин мусулмон педагоглари бу усулни тўғри деб ҳисоблашарди. Чунки, бола унинг ёрдамида араб, арабча сўзларни ҳам ўрганарди ва бу омил мадрасада ўқишга замин яратарди.

Мусулмон мактабларига 6-7 (баъзан 5) ёшдан болалар ўқишга жалб этилган. “Қуръон” ни тўлиқ ёд олганларни қори деб номлашган. Беморларни ўқитиш, жаназа ўқитиш учун қорилар таклиф этилиб, ҳақ тўланган. Шаҳарлардаги бойлар ўғилларини мактабдор домлаларга берганлар. Яхши мактабларда ҳуснихат, оғзаки ҳисоб, турли усулда ёзилган қўлёзмаларни ўқишни ўрганганлар.

Илк мактабларда ёзувни ўргатишга алоҳида эътибор берилган, ёзув алоҳида фан қилиб ажратилган. Домланинг ўзи ҳарфларни тахтага ёзар, ўқувчилар эса домлага эргашиб ўқир эдилар. Кейинчалик, иқтидорлилар ва фақат котиблик касбини танлаганларга ёзув ўргатиладиган бўлди ва кўш табақа аҳоли болалари мактабда ўқисалар ҳам ёзувни билмайдиган бўлиб қолди. Қишлоқларда ҳуснихат ва арифметикани биладиган муаллим кам топиларди.

Кейинчалик мактаблардаги дарслик – “Қуръон” ўрнини “Хафтияк” эгаллади. Уни Эронлик педагоглар Қуръон сураларининг “еттидан бири” ни танлаб, VIII асрда тузганлар. X-XII асрларда назмий ва насрий “Чоркитоб”, А. Яссавийнинг “Хикматлар” и (XI аср), Каттақўрғонлик Сўфи Оллоёрнинг “Сўфи Оллоёр” (X I I аср), “Саботул ожизин”, “Фузулий”, “Навоий”, “Хўжа Хофиз”, “Бедил”, “Маслак-ул-муттакин” асарлари дарслик сифатида ўқитилган⁶⁴ қиз болалар уйда, отинойи қўлида ўқиганлар.

Мадраса – арабча сўз бўлиб “дарс ўқитиладиган жой” маъносини англатган. Уларда дастлаб, хатиб бўлишни истаганлар уламоларнинг маъруза ва сабоқларини тинглаганлар ва мадрасада яшаб, мусулмончилик фарзларини бажаришган.

Мадраса ҳовлисига хотин-қизлар киритилмаган. Мадрасани хатм қилган

⁶⁴ Қосимов Б., Долимов У. Маърифат дарғалари. Тошкент, “Ўқитувчи”, 1990)

(тамомлаган) лар мачитларда имом бўлганлар, қозихоналар ва маъмурий ишларда ишлаганлар. Амалдорлар мадраса очишдан манфаатдор эдилар.

XI асрда Боғдодда бош вазир Низом-ул-Мулк 300 бола ўқийдиган йирик мадраса қурдирди. “Низомия” номли бу мадрасада ёш ал-Ғаззолий мударрис этиб тайинланиб, дунёвий фанларни ўқитишни жорий қилди. Бундан руҳонийлар норози бўлгач, у ишдан четлатилади.

IX-X асрларда Хоразмдаги “Байт-ул ҳикма” (донишмандлар уйи) да Ал-Хоразмий, Беруний, Ибн Синолар дунёвий илмлардан сабоқ берган эдилар. Мадрасаларда сабоқ олишда демократия тамойилларига амал қилинган.

Самарқандда Улуғбек қурдирган мадрасада мударрис (Муҳаммад Ҳавофий) ҳам дунёвий илмлардан Улуғбек, Али Қушчи, Қозизода Румий, Муҳаммад Ҳавофий ва бошқалар сабоқ берганлар.

Мадрасалар ихтиёрида катта ҳажмдаги вақф ерлари бўлиб, уларни ижарага бериб даромад олинарди. Ислом динига ўзини бағишлаган уламолар, амалдорлар ўз ерларини мадрасаларга мерос қолдирганлар. Бу ерлар мадрасаларнинг моддий базаси бўлиб хизмат қилган. Мадрасаларда ҳўжалик ишларини мутавааллийлар бошқарган. Даромадларни таъмирлаш, ўқув қуроллари олиш, толиблар ва домлаларни моддий таъминлашга сарфлаганлар.

Афсуски, исломгача бўлган давр фан ва маданият тарихини ёритиш имкониятлари ғоятда чегараланган. Чунки, қадимдан Марказий Осиё босқинчиликлар манбаи бўлиб келган. Чунончи, Эрон, юнон, араб, мўғул истилочиларининг юришлари даврида ўлкамиздаги барча зиёли кишилар, маданий – маърифий ёдгорликлар йўқ қилинган. Оммавий қирғинлардан фақат саводсиз кишиларгина омон қолиб, уларни бошқариш, бўйсундириш осонлиги босқинчиларга ойнадек равшан эди.

Қадимги Насаф ва Кеш, унда илм – маърифат, маданият ривожига ҳақида маълумот берувчи камёб манбалар жумласига бутун Марказий Осиё аҳамиятига молик бўлган “Урхун - Енисей, “Ирқбитиклари” (“Таъбирнома”),

Култегин, уйғур ёзувлари; Геродотнинг “Тарих”, Страбоннинг “География” ва Махмуд Қошғарийнинг “Девони луғатут-турк,” А. Югнакийнинг “Ҳибатул ҳақойиқ” асарлари; “Эски хатлар” тўпламлари; Наршахийнинг “Бухоро тарихи”, Полиэннинг “Ҳарбий ҳийлалар”, қадимий “Ойиннома”, “Авесто” китобларида ҳам шундай маълумотлар мавжуд.

Шунингдек, қадимги Чин императори Ян Дининг элчиси (615 – 617 йй.) Вей Сен ҳисоботларида Самарқандда илм – маърифат ҳақида маълумот берилади. Фирдавсийнинг “Шоҳнома” сида қадимги Марказий Осиёда зардуштийлик таълимоти давридаги илм – фан, маданият ва маърифат ривожига ҳақидаги фикрларда мавжуд.

Араблар томонидан Бухоро, Насаф ва Кешнинг истило қилиниши (676-704 йй.) ҳамда бу даврда Муқанна бошчилигидаги халқ қаршилиги кўрсатиш ҳаракати ҳақидаги маълумотларда қадимги Насаф ва Кешда илм-маърифат, маданият ривожига хусусида узук-юлуқ хабарлар учрайди.

Сўнгги йилларда қадимги Насафдаги унутилган тамаддун сирларини ўрганишга таниқли қадимшунос олим Р.Сулаймонов салмоқли ҳисса қўшди. У ўз тадқиқотларига таяниб, Ғарбда шу пайтгача ҳукм сурган: “Марказий Осиёда қадимги Миср, Бобил, Эрон, Хитой, Ҳиндистондан фарқли алоҳида цивилизация (тамаддун) бўлмаган”,- деган фикрга эътироз билдирмоқда. Олимнинг “Нахшаб – унутилган тамаддин сирлари”⁶⁵ рисоласида қадимги Ерқўрғон топилмалари жаҳон халқлари асотирлари ва маданиятларининг ўзаро алоқадорлиги, муштарак умуминсоний қадриятлар ривожланиши жараёнининг унсури сифатида талқин қилинади.

Қадимги Насаф (Ерқўрғон) ўз маданий ва маърифий аҳамиятига кўра Бақтриянинг Балх, Месопотомиянинг Суза шаҳарларидан қолишмаслигини А.И.Тереножкин, С.К. Кабанов, М.Е. Массонлар таъкидлашган. Ўз даврида Ерқўрғон бутун Жанубий Сўғдиёнанинг пойтахти, маданий – маърифий маркази бўлган. Араблар келгунига қадар бу ерда яшаган халқ - сўғдлар

⁶⁵ Тошкент, “Турон”, 2004.

(ўзбеклар ва тожикларнинг қадимий аجدодлари) ўз мустақиллигини қаттиқ ҳимоя қиладиган, юксак маданият яратган эрксевар кишилар бўлишган.

Хитой ҳудудида эрамининг дастлабки асрларида ҳалок бўлган хат ташувчининг жувзи (халтаси)дан топилган ёш сўғд қизининг ўз онасига ёзган хати қадимги сўғд аёлларининг юксак маданий даражасидан далолат беради.

Қадимги сўғд маданиятининг унитилишига исломнинг мажбуран қабул қилиниши кучли таъсир кўрсатди. Сўғдийнинг Панжикент ва Варахшадан топилган маҳобатли санъат намуналари ўз аҳамияти жиҳатидан Италиянинг Помпей ва Геркеланум санъатидан қолишмайди. Бухоро, Насаф ва Кеш қадимий обидалари бу ерларда илм-маърифат, маданият ривожига юксак даражага кўтарилганлигини кўрсатади.

Қадимги Пудина, Касби, Навтака, Насаф, Кешда ўтмишда юзлаб эски мактаб ва мадрасалар фаолият кўрсатган. Биргина Насафда элликдан ортиқ мадрасалар фаолият кўрсатганлиги манбаларда таъкидланади.

Ҳатто, Пудинада Қусам Муҳаммад ҳадисшунослик мактабига XIII асрдаёқ асос солган эди. Қусам Муҳаммаддан илоҳий илмлар сирини бир неча йиллар давомида Бухородан келиб ўрганган Хожа Боҳовуддин Нақшбанд ислом оламининг машҳур шайхи даражасига кўтарилди.

Саййид мир Кулол, Шамсиддин Кулол сингари Соҳибқирон Амир Темур ихлос қўйган пирлар Қусам Муҳаммаднинг шогирдлари эдилар. Касбида V-VI асрларда катта шаҳар бўлган. VIII-IX асрларда “Ал-Каллос” номли илмий марказ ташкил этилиб, ислом оламида машҳур бўлган. Насафда ҳам шундай марказ бўлганлиги ҳақида тахминлар бор.

Жиззада Ҳазрати Мирҳайдар эл-улус орасида худди шундай маърифат-зиё тарқатган зотлардан эди. Афсуски, Қусам Муҳаммад, Ҳазрати Мирҳайдар кутубхоналарида тўпланган китоблар, асосан, шўролар тузуми даврида йўқотиб юборилди.

Жаҳон тамаддунига салмоқли ҳисса қўшган “Биринчи муаллим”-Арасту изидан бориб: “Инсон – ҳайвон турларидан биридир”, - деб хулоса

чиқарган насафлик аллома Азизиддин ан-Насафий (XII аср) нечоғлик маърифатпарвар зот бўлганлигини англаш мушкул эмас. Чунончи, Абул Муъийн ан-Насафий “Баҳр ал-калом” асарида уйғониш давридаёқ билиш назариясини Абу Наср Фаробий даражасида асослаб бера олган эди (Абдулла Шер. Ахлоқшунослик. Ўқув қўлланма. - Тошкент, 2003. 56-б.).

Азизиддин ан-Насафий, Абул Муъийн ан-Насафий, Нажмиддин Умар ан-Насафий, Абу Бакр ал-Косоний, Бурхониддин ан-Насафий, Шокир ан-Насафий, Аҳмад ат-Тадёний, Абулазиз ан-Нахшабий ва яна ўнлаб Кеший ислом илми ва маърифати дарғалари уйғониш даври вакиллари дир.

Шунингдек, уйғониш даврида касбилик бир олим Мисрдаги илмий марказни бошқарганлиги, Грецияда касбилик яна бир тадбиркор мамлакат бўйича савдо-сотик ишларини бошқарганлигини араб исломшунос тадқиқотчилари томонидан таъкидламоқда. Қолаверса, Хусрав Дехлавий, Мирзо Ғолиб, Зебунисоларнинг шажараси ҳам қадимги Насаф ва Кешга келиб туташади.

XIX аср охири ва XX аср бошларида Насаф шаҳрида 50 га яқин мадрасалар фаолият кўрсатган (Равшанов П. Эрк курашчиси. “Қашқадарё” газетаси, 2010 йил, 23-26- феврал. №16 (14357), №17(14358)).

Агарда биргина Ҳожи Абдулазиз ўз ҳисобидан курдирган 24 хоналик икки қаватли мадрасада 60-80 талаба ўқиганлигини ҳисобга олсак, кўҳна Насаф мадрасаларининг ўзида уч-тўрт минг талабалар таҳсил олганлигини тахмин қилиш мумкин. Шу даврда Насафда иккита қиз болалар мадрасаси ҳам бўлганлиги ва уларда хотин-қиз мударрисалар ишлаганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд⁶⁶.

Айни пайтда бошланғич таълим беришга мўлжалланган мачитлар қошидаги юздан ошиқ мактабларда уч-тўрт минг ўқувчилар ҳам таълим-тарбия олишган. Демак, бу даврдаги Насаф мадрасаларида педагогик фаолият билан машғул бўлган мударрислар ва домлалар юз элликдан ортиқ,

⁶⁶ Ғаффорова Т. Қашқадарёлик олима – аёллар. Қарши, “Насаф”, 2006.

ўқувчи ва талабалар сони эса тахминан олти-саккиз минг нафарни ташкил этган деган хулосага келиш мумкин.

Демак, собиқ шўролар сиёсатдонларининг инқилобгача Марказий Осиёда аҳолининг фақат 2% и саводли бўлган деган фикри ғирт бўхтон эканлигини юқоридаги фикрлар тўла исботлайди.

Салоҳиддин Тошкандийнинг “Темурнома”сида Соҳибқирон Амир Темур ёшлигида Насафда авлиё Шамсиддин Кулолдан бир неча йил сабоқ олганлиги таъкидланган. Холбуки, ўша даврда Кешда ҳам нуфузли мударрис ва домлалар бисёр эди. Демак, ўтмишда Насаф илм-маърифат ривожига борасида ўз атрофидаги шаҳарлар орасида анчайин нуфузли бўлган.

Соҳибқирон Амир Темур, Абдуллахон, Амир Ҳайдар, Тоғайбеклар қурдирган масжид ва мадрасалар маҳаллий халқ орасида илм – маърифат ёйилишига ижобий туртки берган.

Олим П.Равшанов таъкидлаганидек, Қадимги Насаф кечмишида ўз ҳисобидан мадраса қурдирган Ҳожи Абдулазиз, Абдусамадбой, Ҳотамбой, Чорибой, Юсуф Сайёдий, Азим Сайёдий, Шарофбой, Шермуҳаммадбой, Домулло Нур, Ҳожи Қурбон, Бекмуродбой, Қиличбой, Мирзо Абдуғаффор, Мулло Турсунбой, Саноқул Аттор, Ширинхўжа, Миср Муҳаммадхон каби марҳум юртдошларимиз олдида эл-улус орасида илм – маърифат тарқатишга, етим болаларни ўз ҳисобидан ўқитишга қўшган ҳиссалари учун эҳтиром кўрсатишга бурчлимиз.

Зеро, Президентимиз И.А. Каримов айтганидек: “Келажак авлод ҳақида қайғуриш, соғлом, баркамол наслни тарбиялаб етиштиришга интилиш бизнинг миллий хусусиятимиздир.”⁶⁷

⁶⁷ Каримов И.А. Ёшларимиз халқимизнинг ишончи ва таянчи. Тошкент. “Маънавият”. 2006.6-б.

2.3. Миллий педагогик ғояларни ривожлантиришга ҳисса қўшган кешлик алломалар

Абу Муҳаммад Абд ибн Хумайд Кеший - Кешнинг буюк ифтихори
Ўрта асрларда Кеш (Шахрисабз) шаҳри буюк ипак йўлидаги манзиллардан бири бўлиб, бу жойда илм-маърифат, маданият ва савдо ишлари яхши ривожланган.

Бу юрт олимларининг илму маърифати, қувваи ҳофизасининг баландлиги боис, Кеш тарихда “Қуббату-л-илми вал-адаб” (Илму адаб чўққиси) номи билан машҳур бўлган⁶⁸. Кеш тарихда “каш”, “кеш”, “кес”⁶⁹, “кеж”га ўхшаш номлар билан ҳам аталиб келинган. Кеш номи билан бир қанча шаҳар ва қишлоқлар номланган. Масалан, Эрон, Журжон⁷⁰, Мовароуннаҳрда шаҳар номлари ва Исфаҳон¹да шу ном билан юритиладиган қишлоқ мавжуд бўлган⁷¹.

Кеш шаҳридан етишиб чиққан уламолар ҳақида Президентимиз Ислом Каримов шундай деб таъкидлаганлар: “Шу муборақ юрт фарзандлари бўлган Абу Муҳаммад Кеший, Шамсиддин Кулол ва Ҳазрати Башир каби азиз авлиёлар, Фироқий ва Хиромий, Равнақий ва Фақирий сингари шоиру алломалар Шахрисабз доврўғини дунёга таратган”⁷² VII-XII асрларда илм фан, маданият ривожланиб, диний ҳамда дунёвий фанлар тараққий этган ва айнан бу асрлар тарихда олтин давр деб эътироф этилган.

Бу даврларда Мовароуннаҳрдан кўплаб муфассир, муҳаддис, фақиҳ, каломшунос, мутафаккирлар етишиб чиқиб, Мовароуннаҳрнинг доврўғини оламга машҳур қилишган. Мовароуннаҳрда 3000 дан ортиқ таниқли муҳаддислар фаолият олиб боришгани манбаларда келтирилган бўлиб,

⁶⁸ Фақирий И. Баёзий фақирий. Т.: Адолат, 2004. – Б.3.

⁶⁹ Қаранг. Ас-Соғуний. Ал-иббобу-з-зохир. Мактабату-ш-Шомила-8333: 1-жилд. Б.182. Араб тилида “Кес” деб юритилган ва кўплар уни “Кеш” деб аташган.

⁷⁰ Журжон-Эроннинг шарқий томонидаги бир шаҳарнинг номи. Мавсуъату-л-арабийя-л-оламийя / Араб оламларининг энциклопедияси / 1-жилд. ал-Мактабат аш-шомила-8333.

⁷¹ Исфаҳон- Эрон давлатининг энг катта шаҳарларидан бири ҳозирги кунда аҳолиси 1.266.072 кишидан зиёд. Мавсуъату-л-арабийя-л-оламийя / Араб оламларининг энциклопедияси / 1-жилд. ал-Мактабат аш-шомила-8333.

⁷² Ибни Касийр. Таъриф би-л-аъломи-л-воридати фи-л-бидояти ва-н-нихоя. Мактабату-ш-Шомила-8333: 2-жилд. Б.264.

биргина Насафнинг ўзида 400 дан ортиғи ва Кешда эса 60 дан ортиқ муҳаддислар истиқомат қилганлиги қайд этилган⁷³.

Кешда яшаб, унинг ҳақиқий ифтихорига айланган машҳур муҳаддис ҳофизул-ҳадис, соҳибул-муснадил-кабийр ва соҳибут-тафсирул-кабийр номлари билан оламга танилган муҳаддис Абд ибн Ҳумайд ибн Наср Кашший (Кеший) бўлиб, у кишининг тўлиқ исми Абдулҳамид ибн Ҳумайд ибн Наср Абу Муҳаммад Ҳофиз Кешийдир. Муҳаддиснинг Кешда 170 /786 йилда туғилганлиги келтирилган ва баъзи манбаларда мазкур санадан кейинроқ таваллуд топганлиги қайд этилган⁷⁴.

У киши улуғ муҳаддис, муфасссир, фақиҳ ва тилшунос бўлиб, ал-Имом, ал-Ҳофиз, ал-Хужжат, ал-Жаввол каби юксак лақаблар билан таърифланган⁷⁵. Абд ибн Ҳумайд Кеший баъзи тарихий асарларда Кашший, Кесий, Лайсий⁷⁶, Каъбий⁷⁷ каби нисбалар билан ҳам келтирилган.

Шамсуддин Заҳабийнинг “Сийар аълом ан-нубало” асарида келтирилишича машҳур муҳаддислар Имом Бухорий, Имом Термизий ва Имом Муслимлар ҳам Абд ибн Ҳумайд Кешийдан ҳадис ривоят қилиб, у кишига шогирд бўлганликлари ҳақида маълумот берилган⁷⁸.

Абд ибн Ҳумайд Кеший ўз даврининг етук муҳаддислари қаторида эътироф этилган, бу ҳақда Абд ибн Ҳумайднинг ўғли Муҳаммад ибн Абддан Ҳусайн ибн Исмоил қуйидаги маълумотни эшитганлигини келтиради.

Кутайба ибн Саъд шундай дедилар: “Агар Термизга борсангизлар, Аҳмад ибн ал-Ҳасаннинг суҳбатини лозим тутингизлар, агар Кешга борсангизлар, Абд ибн Ҳумайднинг суҳбатини лозим тутингизлар, агар Самарқандга борсангизлар, Абдуллоҳ ибн Абдурахмоннинг⁷⁹ суҳбатини

⁷³ Ислом Каримовнинг Шаҳрисабз шаҳрининг 2700 йиллигига бағишланган анжуманда сўзлаган нуткидан.

⁷⁴ Қаранг: Раҳимжонов Д. Имом Бухорий ва Насаф ҳадис илми мактаби. Имом ал-Бухорий сабоқлари. 2000. 2 сон.

⁷⁵ Шамсуддин Заҳабий. Сийар аълом ан-нубало Байрут. 1302 ҳ. 12-жилд . Б.235. 170 ҳижрий йилдан сўнг туғилган дейилган. Ўша асар 12-жилд . Б. 236.

⁷⁶ Ўша асар. 12-жилд . Б. 236.

⁷⁷ Ибни Касир. ал-Бидоя ван- ниҳоя. Байрут. 1966, 1977. 6-жилд. Б.144.

⁷⁸ Хатиб ал-Бағдодий. Тарих Бағдод. Байрут. 3-жилд Б.147.

⁷⁹ Шамсуддин Заҳабий. Сийар аълом ан-нубало. Байрут. 1302 ҳ. 12-жилд. Б. 235.

лозим тутингизлар ва агар Шошга борсангизлар, Абдуллоҳ ибн Абу Аробанинг суҳбатини ўзларингизга лозим тутингизлар, яъни уларнинг ҳадисдан айтган сабоқларини олингизлар”⁸⁰.

Мазкур тўрт муҳаддис ҳам етук муҳаддислар силсиласига киритилган бўлиб, Абд ибн Ҳумайд Кешийнинг бутун дунё муҳаддислари орасидаги илм-маърифати, ҳурмат-эҳтироми нақадар юксаклигига аниқ далолатдир.

Муҳаддис бошланғич таълимни ўз отасидан сўнгра, Мовароуннаҳрда Бухоро, Самарқанд, Кеш олимларининг ҳузурида бўлиб улардан илм ўрганган.

Шамсуддин Заҳабийнинг “Тарих ал- ислом” асарида келтирилишича, Абд ибн Ҳумайд Кеший икки юздан зиёд жойга илм талабида сафар қилган ва қайси жойга борса шу жойнинг олимлари, муҳаддислари ва фозил кишилари билан суҳбатда бўлиб, уларнинг илмидан таълим олган ва ҳадисларни иснодини аниқлаб, ҳадис тўпламини яратган⁸¹.

Абд ибн Ҳумайд Кеший илм талабида Бағдод, Басра, Куфа, Шом, Найсобур, Макка, Мадина ва бошқа кўпгина илм-фан, маданият ривожланган шаҳарларда бўлган.

Абд ибн Ҳумайд Кешийнинг устозлари ва у киши ҳадис келтирган муҳаддислар жуда ҳам кўп бўлиб, улардан баъзиларини санаб ўтамиз.

Язид ибн Ҳорун, Яҳё ибн Одам, Абу Бакр ибн Абу Шайба, Абу Довуд Тайлосий, Назр ибн Шомил Марвазий, Абу Волид Тойлосий⁸² ва бошқа кўплаб муҳаддис, ровий ва муфассирлар бўлиб, улар ҳақида Абд ибн Ҳумайд Кеший ўзининг “Тафсир ал-кабийр” ва “Муснад ал-кабийр” асарларида маълумотлар берган ва улардан ривоят қилган ҳадисларни ўз муснадига киритган.

⁸⁰ Қаранг. Нажмиддин ан-Насафий. Ал-қанд фий зикри уламои Самарқанд / Самарқанд уламолари хотирасига доир қанд (дек ширин китоб) / У. Темирхон ўғли ва Б.Набиҳон ўғли таржимаси. - Т.: ЎЗМЭ, 2001. - Б.132. Абдуллоҳ ибн Абдурахмон ад-д-Доримий (798/181-869/255 й.). Абд ибн Ҳумайд Кеший (786/170-863/249 й.) билан бир даврда яшаб, ҳамкорликда иш олиб боришган.

⁸¹ Абу Бакр Муҳаммад ибн Абдулғани Бағдодий. ат-Тақийд ли-л-маърифати равоти-с-сунани ва —л-асонид. 1-жилд. ал-Мақтабат аш-шомила-8333

⁸² Шамсуддин Заҳабий. Тарих ал- ислом. Байрут. 1302 ҳ. 4-жилд. Б.425.

Кешлик буюк муҳаддисдан ҳадис ривоят қилиб, у кишига шогирд бўлганлар ҳам кўп бўлиб, улардан Иброҳим ибн Ҳазм ибн Фахр ал-Лаҳмий Шоший, Абу Маъоз Уъбодий ибн Идрис ибн Бухош Кеший, Саҳл ибн Шазовий ал-Бухорий, Бакр ибн Мирзабон, Шурайх ибн Абу Абдуллох Насафий аз-Зоҳид, Муҳаммад ибн Абд ибн Омир ас-Самарқандий, Иброҳим ибн Хузайм ибн Қамир аш-Шоший, Абу Саййид Ҳотам ибн Ҳасан Шоший, Салмон ибн Исроил ибн Жобир Хўжандий ва бошқа кўплаб Мовароуннаҳрлик муҳаддислар, муфассирлар, фақиҳлар ва бошқа уломалардан иборат⁸³.

Абд ибн Ҳумайд Кеший Мовароуннаҳрдан етишиб чиққан энг аввалги олимлар қаторида саналиб, ҳадис, тафсир, араб тили грамматикаси ва фикҳга оид асарлар тасниф этганлиги манбаларда таъкидланган. “Китоб ал Ансоб”да Абд ибн Ҳумайд Кешийнинг араб тили грамматикасига оид ушбу асарлари берилган⁸⁴: “Китоб алал-хуруф вал-муъжам”, “Ат-Тасарруф” ва “Китоб фаъалту ва афаълту” бу асарлар Мовароуннаҳрлик уломаларнинг шу йўналишдаги илк яратган асарлари сирасига киритилган”⁸⁵.

Ҳожи Халифанинг “Кашф аз-зунун” номли библиографик асарида Абд ибн Ҳумайд Кешийнинг “Муснад Абд ибн Ҳумайд”⁸⁶ “Тафсир Абд ибн Ҳумайд”⁸⁷ ва “Сулосиёт Абд ибн Ҳумайд Кеший”⁸⁸ номли асарлари борлиги ҳақида маълумот берилган.

Муҳаддиснинг “Муснад” ва “Тафсир” асарларидан сайланмалар бизгача етиб келган ва бу асарлар Қоҳирада “Мактабат ас-сунна” ва “Дор ибн Ҳазм” матбаасида нашр қилинган⁸⁹.

Абд ибн Ҳумайд Кеший 249/863 йилда Кешда вафот этганлиги ҳақида

⁸³ Абу Муҳаммад Маҳмуд ибн Аҳмад ибн Мусо ибн Аҳмад ибн Ҳусайн Ғайтобий Ҳанафий. ал-Мактабат аш-шомила-1800. Мағоний ал-Ахйор. 3-жилд. Б.304 .

⁸⁴ Шамсуддин Заҳабий. Сийар аълом ан-нубало. Байрут. 1302 ҳ. 12-жилд . Б.236.

⁸⁵ Ибн ал-Кифтий. Инбах ар-руват ала анбах ан-нухат. 3-жилд. Б.4. , Каир 1950-1952 араб тилида.

⁸⁶ Камалиддинов Ш.С. Китоб ал- Ансаб. Абу Саъид Абдулкарим ибн Муҳаммад ас-Самъоний. - Т.: Фан. 1993. Б. 149.

⁸⁷ Ҳожи Ҳалифа. Кашф аз-зунун. Байрут. 1992. 2-жилд. Б.1679.

⁸⁸ Ҳожи Ҳалифа. Кашф аз-зунун. Байрут. 1992. 1-жилд. Б.453.

⁸⁹ Ҳожи Ҳалифа. Кашф аз-зунун. Байрут. 1992. 1-жилд. Б.522.

кўйидаги тарихий асарларда маълумотлар берилган.

1. “Муъжам” номли тарихий китоб муаллифи Ибн Қониъ Абд ибн Хумайд Кеший 249/863 йили Кешда вафот этганлигини қайд қилган⁹⁰.

2. Абу Бакр Муҳаммад ибн Абдулғани ал-Боғдодий (Ибн Нуқта Ханбалий) нинг “ат-Тақйид ли маърифати руввоти-с-сунани ва-л-асонид” (муснад ва сунанлар ровийларининг танишликни қайд этиш) асарида Абд ибн Хумайд Кеший 249/863 йил рамазон ойида Кешда вафот этганлигини келтирган⁹¹.

3. Нажмиддин ан-Насафий “Ал-қанд фий зикри уламои Самарқанд” асарида Абд ибн Хумайд Кеший 249/863 йил, рамазон ойининг 20-куни (863 йил 5 ноябрь) якшанба тонгида вафот қилганлиги ҳақида маълумот берилган⁹².

Буюк муҳаддиснинг ҳаёти ва бой илмий-маънавий меросини кенг ўрганиб уни ҳар томонлама тадқиқ этиш, юртимиз илм-фани, маданияти тарихини ўрганишда, миллий қадриятларимизни тикланиши ва ёшларимизнинг маънавий баркамол бўлиб вояга етишишларида катта аҳамиятга эга.

Аҳмад ибн Мусо ал Кеший қаламига мансуб “Мажмуъ ул-ҳаводис ван навозил”, Шамсиддин Муҳаммад бин Аҳмад ал-Ҳаким Кеший “Китоб ал-ҳоди фи ал-наҳв”, Шамсуддин Кулол ал-Кеший “Рашаҳоту айнил ҳаёт”, Маҳмуд Насафий “Нақши Маҳмудий”, Муҳаммад Хожа Ҳинду бин Хожа Калон бин Муҳаммад Басир ал-Хузорий “Мазҳар ул-ажойиб ва мажмаъ ул-ғаройиб”, (“Ажойиботлар зухури ва ғаройиботлар мажмуаси”), Баҳорий Насафий “Шарҳи Муаммои Мирий”, Мавлоно Хожагий Имканагий “Интиҳоб аз китоби “Ан-Насама”, Мирзо Абдулқодир Бедил “Ирфон”, “Тури

⁹⁰ amshehri@gmail.com

⁹¹ Ҳожи Ҳалифа. Кашф аз-зунун. Байрут. 1992. 6-жилд. Б. 44.

⁹² Абу Бакр Муҳаммад ибн Абдулғани ал-Боғдодий (Ибн Нуқта Ханбалий). ат-Тақйид ли маърифати руввоти-с-сунани ва-л-асонид (Муснад ва сунанлар ровийларининг танишликни қайд этиш). 1-жилд. ал-Мактабату-ш-Шомила. 8333.

маърифат”, “Ишорат ва ҳикоёт”, “Муҳити аъзам”, “Тилисми ҳайрат”, “Ғазалиёт”, “Рубоиёт”, “Қасоидот”, “Таржеъот”, “Қитъаот”, “Ташбеҳот ва тилсимот”, “Нуқот”, “Руқъаот”, “Чор унсур” каби илмий асарларини ҳар қанча ўрганилса, таҳлил қилинса, ҳар бири устида катта-катта илмий изланишлар, тадқиқотлар олиб борилса камлик қилади.

Юқорида номлари зикр этилган Кеший алломаларининг таълим-тарбия тўғрисидаги теран фикрлари бу соҳада илмга қўшган улкан ҳиссалари бугунги кунда ҳам ўз қадр-қимматини алсо йўқотмасдан, балки ёш авлодни комил инсон қилиб тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга манба ҳисобланади.

Муаррих Ас-Самъонийнинг “Ал-Ансоб” (“Насабнома”) китоби - Кеш тарихини ўрганишнинг методологик асоси.

Ўрта асрнинг таниқли муаррихи марвлик Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад ибн Мансур ат –Тамимий ас-Самъоний Марвазий ал-ҳофиз (1113-1167) 50 га яқин асарлар ёзган бўлиб, улардан энг салмоқлиси «Ал-ансоб» («Насабнома») ҳисобланади. Бу китобни 1912 йилда Д.С. Морголиус нашр эттирган. Мамлакатимизда эса Ш.С. Камолиддинов ҳамда А.Раззоқов ва К.Раҳимовлар мазкур асарни тадқиқ этиб, илмий йўналишга киритишган.

Мазкур асар 8 жилддан иборат бўлиб, унда Ўрта Осиёнинг шаҳар, қишлоқлари, олим ва фузалолари ҳақида теран маълумотлар мавжуд. Жумладан асарда Бухоро, Самарқанд, Хоразм, Шош, Фарғона, Термиз, Кеш, Насаф шаҳарлари ва уларнинг теварак атрофларидан етишиб чиққан таниқли алломалар ҳақида қимматли маълумотлар келтирилган .

Ас-Самъоний 1155 йилда Самарқанд шаҳрида бир муддат тўхтагач, Насафда 2 ой, сўнгра Кешда 12 кун яшаган. Олим маълумотича, XII асрда Кеш шаҳри Нахшабга нисбатан кичикроқ шаҳар бўлиб маҳаллий аҳоли «Кишш» шаклида талаффуз қилган. Шунингдек муаллиф шаҳарни «Кашш», «Киса» деб ҳам юритилганлигини ва тўртта асосий дарвозаси мавжуд бўлганлигини баён этган. У Кешни Самарқанддан унча узоқ бўлмаган қишлоқ деб ҳам тарифлаган.

Асарда Кеш вилоятидаги 10 та қишлоқнинг номи ва ўрни ёритилган.

Аллома китобида Ғардиён, Зодак, Марғабон, Хушманжакас, Хушуанкас, Шурабон, Субах, Ғазнаён каби қишлоқлар ҳамда Кеш шаҳри келтирилган.

Бошқа манбаларда ас-Самъонийнинг Кешнинг Муда (Мудуда) Ниёза, Шикон, Умайра қасри, Косон каби қишлоқларни ҳам қайд этганлиги баён этилган. Мазкур асарда келтирилган маълумотларнинг аксарият қисми оригинал хусусиятга эга. Чунки муаллифнинг ўз даврида содир бўлган ҳамда шахсан ўзи кўрган воқеалар ҳамда жойлар ҳақида фикр юритганлиги диққатга сазовордир.

Қуйида алломанинг мазкур китобидаги Кеш вилояти қишлоқлари ва олимлари ҳақидаги маълумотларни айнан келтириб ўтамыз.

Аш-Хушминжакасий, Хушминжакас (Хушминжакат) – Кеш қишлоқларидан. Яҳё ибн Ҳорун ал-Хушминжакасий ас – Сарром шу қишлоқдан бўлиб, ёшликларидан ҳадис илмига қизиқар эдилар ва аҳли сунна муҳаддисларидан ҳадис ёзиб олар эдилар. Насафга икки-уч марта келганлар. Бу киши Абул Аббос ал-Мустағфирийнинг «Тафсир ал-Килабий» ва «Китоб ад-далоил ва ал-мўъжизот» (Далиллар ва мўъжизалар китоби) ни муаллифининг ўзларидан таълим олганлар. Ҳижрий 420 (милодий 1030) йилнинг жумадул аввал ойида вафот этганлар.

Абу Али Ҳасан ибн Аҳмад ал-Хушминжакасий ал-Кеший ҳам шу қишлоқдан. Самарқанднинг ишончли қозиларидан эдилар. Ҳижрий 450 (милодий 1059) йилда таваллуд топганлар.

Ал-Хушунанкас Хушунанкас (Хушунанкат) - Кеш қишлоқларидан. У Самарқанд қишлоқлари билан туташган. Илгари Хушунанкас Самарқанд қишлоқларидан эди.

Абу Аҳмад ал-Хушунанкасий шу қишлоқдан бўлиб, исмлари ва насаблари тўғрисида маълумот йўқ. Абу Аҳмад Хозир ибн Ҳасан ас-Самарқандий бу кишидан ҳадис ёзиб олганлар.

Аз-Зодакий Зодак Кеш қишлоқлардан. Абу Саид Масъуд ибн Лисавайҳи аз-Зодакий шу қишлоқдан бўлиб, Туфайл ибн Зайд ан-Насафийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Аҳмад ал-Мустамлий ҳадис ривоят қилган.

Ас-Субаҳий. Субаҳ Насафдан олти фарсах узоқликдаги Ҳирор қишлоқларидан.

Али ас-Субаҳий исмли шайх шу қишлоқлик бўлган. Бу шайх Абу Бакр ал-Баладийдан Имом ал-Бужайрийнинг “Ал-Жоми” китобларидан таълим олганлар.

Имом Муҳаммад ибн Али Субаҳий ал-Кеший Кешда яшаганлар. Кешдаги мадрасада дарс берганлар. Бу кишидан таълим олиш учун Фарғона ва Мовароуннаҳрдан келганлар. Бу киши қози Абу Али Ҳусайн ибн Ҳизр ан-Насафийнинг шогирдларидан бўлиб, шу зотдан таълим олганлар. Имом Абдулхолиқ ибн Муҳаммад аш-Шиконий бу кишидан ҳадис ривоят қилганлар. Самарқандда вафот этиб, Чокардиза қабристонининг “Боб ал-Машҳад” деган жойида дафн қилинганлар. Қабрлари табаррук зиёратгоҳдир. Уни зиёрат қилганлар шифо топади. У зот ҳақида; “У кишининг оғизларида пайғамбар алайҳиссаломнинг сочлари бор”—деб айтилган.

Фақиҳ Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ас-Субаҳий ҳам шу қишлоқдан бўлиб, “Ал-Луълуий” (Гавҳарчи) номи билан танилган эдилар. Гавҳар сотиб тижорат қилиб юрганлари учун шу нисбат берилган. Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Баладийдан ҳадис илмидан таълим олганлар. Кейинчалик Бухорода яшаганлар. Ҳовлиларида тижоратчилар тўпланадиган жой” (Мажма ат-тужжор) эди. Бухорода Ал-Луълуийдан ҳадис илмидан таълим олганман ва у кишидан бу нисбат ҳақида сўраганимда; “Бизнинг ота-боболаримиз гавҳар сотардилар”—деб айтдилар. Ҳижрий 553 ёки 554 (милодий 1159 ёки 1160) йили Бухорода вафот этганлар.

Аш-Шурабоний Шурабон Кеш қишлоқларидан.

Абу Бакр Абдурахмон ибн Маҳмуд ал-Кеший аш-Шурабоний шу

қишлоқдан. Бу киши ҳақида Абул Аббос ал-Мустағфирий “Тарихи Насаф” китобларида зикр қилганлар.

Ал-Ғардиёний Ғардиён Кеш қишлоқларидан.

Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Ғардиёний шу қишлоқдан.

Абу Умар Ҳафс ибн Абу Ҳафс ал-Кеший ал-Ғазнаёний шу қишлоқ аҳлидан бўлиб, Яҳё ибн Абдулғаффор, Абу Саид Ато ибн Мусо ал-Журжоний ва Абу Иброҳим Исҳоқ ибн Иброҳим ас-Самарқандийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Шоҳ ас-Самарқандий ва “Китоб ал-бўстон” (Бўстон китоби)нинг муаллифи Абу Аҳмад Исо ибн Хусайн ал-Касбавий ан-Насафий ҳадис ривоят қилганлар. Касба Насаф шаҳри қишлоқларидан бўлиб, Самарқанд яқинида жойлашган. Ҳижрий 300 (милодий 913) йилдан олдин 100 ёшга кириб вафот этганлар.

Сиддиқ ибн Абу Бакр ал-Ғазнаёний ал-Кеший ҳам шу қишлоқ аҳлидан бўлиб, имом ва фақиҳ эдилар, Самарқандда яшаганлар.

Абул Фатҳ Муборак ибн Исмоил ал-Боҳилийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ан-Насафий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 568 (милодий 1173) йилнинг шаъбон ойида Самарқандда вафот этиб, “Қантарату ғотфар” қабристонида дафн қилинганлар.

Ал-Кеший Кеш (ҳозирги Шаҳрисабз) Насаф шаҳарларидан. Мен ўн икки кун шу шаҳарда яшаганман. Абу Абдуллоҳ ал-Ҳофиз ал-Ҳоким “Тарих” китобларида зикр қилишларича, бу шаҳарнинг номи аслида Кес бўлса ҳам, лекин у Кеш номи билан танилган. Кеш шаҳри Нахшаб яқинида, Кешнинг таниқли олимларидан.

Абу Муҳаммад Абдулҳамид ибн Ҳумайд ал-Кеший шу шаҳардан. “Абу Ҳумайд” лақаби билан танилган эдилар. Бу киши буюк имомлардан бўлиб, ҳадислар жамлаб, уларни тасниф қилганлар. Язид ибн Ҳорун ва Абдураззоқ ибн Ҳаммомдан таълим олганлар. Ўзларидан эса Муслим ибн Ҳажжож, Абу Исо ат-Термизий, Умар ибн Муҳаммад ал-Бужайрий ва бошқа улуғ

муҳаддислар ҳадис ривоят қилганлар. Дунёнинг кўп мамлакатларидан бу зотдан таълим олиш учун келганлар. Ҳижрий 249 (милодий 864) йилнинг рамазон ойида вафот этганлар.

Абул Фазоил Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Кеший ҳам шу шаҳардан бўлиб, ҳижрий 487 (милодий 1095) йили таваллуд топганлар. Аждодлари насафлик бўлиб, Самарқандда яшаганлар. Самарқандда бўлганимда у кишидан таълим олганман.

Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Ҳотам ал-Кеший Кешнинг пешқадам олимларидан. Абу Абдуллоҳ ал-Ҳофиз ал-Ҳоким айтадилар; “Муҳаммад ибн Ҳотам ал-Кеший шайхларимиз Абу ибн Ҳумайд ал-Кеший ва Фатҳ ибн Амр ал-Кешийдан ҳадис илмидан таълим олар эдилар. Бу икки шайх ҳам ҳижрий 250 (милодий 865) йилдан олдин 118 ёшга кириб вафот этганлар.” Абу Жаъфар Муҳаммад ал-Кеший ҳижрий 339 (милодий 951) йилнинг шаввал ойида хажга кетаётганларида Ҳамадонда вафот этганлар.

Абу Наср Муҳаммад ибн Таййиб ал-Кеший аз-Зоҳид факих, зоҳид, обид ва ҳадис илмини ўрганиш учун кўп сафар қилган олимлардан. Қатор муҳаддис олимлардан таълим олганлар. Райда Муҳаммад ибн Айюб, Бағдодда Юсуф ибн Якуб ал-Қозидан таълим олганлар. Кўп нарсалардан парҳез қилар эдилар ва қийинчиликларга сабрли, озгина егулик бўлса ҳам қаноат қилувчи эдилар. Сафарда бўлсалар ҳам, муқим бўлсалар ҳам, кўп Рўза тутар эдилар. Ҳижрий 318 (милодий 931) йилда вафот этиб, Ҳусайн қабристонида дафн қилинганлар.

Ал-Марғабоний Марғабон Кеш қишлоқларидан.

Абу Амр Аҳмад ибн Абул Бахтарий ал-Марвазий ал-Марғабий асли марвлик бўлиб, Марғабон қишлоғида яшаганлари учун шу нисбат берилган. Марвда Абул Аббос Аҳмад ибн Саид ал-Маъдоний, Абул Фазл Муҳаммад ибн Ҳусайн ал Ҳаддодий, Абу Бакр Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Бухорий ал-Исмоилий ва Абу Али Зоҳир ибн Аҳмад ас-Сарахсийдан таълим олганлар. Ҳижрий 430 (милодий 1039) йилдан кейин вафот этганлар.

Хуллас муаррих Абдулкарим ас-Самъонийнинг юқорида шарҳланган “Ал-ансоб” (Насабнома) китоби Кеш вилояти, қолаверса бутун Туронзамин тарихини ўрганишда энг қимматли манбалардан бири ҳисобланиб, муҳим илмий аҳамиятга моликдир.

III БОБ. ТАЪЛИМ ТИЗИМИГА НАСАФ ВА КЕШ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ ПЕДАГОГИК ҚАРАШЛАРИНИ ТАТБИҚ ЭТИШНИНГ АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ

3.1. Таълим тизимиغا Насаф ва Кеш мутафаккирларининг педагогик қарашларини татбиқ этишнинг амалий аҳволи

Педагогик йўналишларда олиб бориладиган илмий тадқиқотларда муҳим таркибий қисмлардан бири сифатида тажриба-синов ишларининг

йўлга қўйилиши акс этади. Бу йўналишда тажриба-синов ишларини олиб боришнинг бош мақсади – илгари сурилаётган назарий муаммоларни амалиётга тадбиқ этиш орқали тадқиқот муаммосининг амалий ечимга эга бўлишини таъминлашдан иборат бўлади. Агар мазкур фикр тадқиқот нуқтаи назаридан ёртилса, у ҳолда тажриба-синов ишларининг асосий мақсадини қуйидагича ифодалаш мумкин: таълим тизимида Насаф ва Кеш мутафаккирларининг педагогик қарашларини татбиқ этиш орқали таълим оловчи (ўқувчи ёки талаб)ларда миллий қадриятларга ҳурмат ҳиссини уйғотиш. Тажриба-синов ишларини ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад негизида бир қатор хусусий мақсадлар ҳам ўз ифодасини топади. Тадқиқотни назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиш асосида тажриба-синов ишларини ташкил этишнинг хусусий мақсадлари қуйидагилардан иборат эканлигига ишонч ҳосил қилинди (1-жадвал):

1-жадвал. Педагогик йўналишда тажриба-синов ишларини олиб боришдан кўзланган асосий ва хусусий мақсадлар

Тажриба-синов ишларининг асосий мақсади	
Таълим тизимида насаф ва кеш мутафаккирларининг педагогик қарашларини татбиқ этиш орқали таълим оловчи (ўқувчи ёки талаб)ларда миллий қадриятларга ҳурмат ҳиссини уйғотиш	
Тажриба-синов ишларининг хусусий мақсадлари	
1.	Таълим тизимида Насаф ва Кеш мутафаккирларининг педагогик қарашларини татбиқ этишга оид махсус методикани тажриба синовидан

	ўтказиш
2.	Таълим тизимида Насаф ва Кеш мутафаккирларининг педагогик қарашларини самарали татбиқ этишга хизмат қилувчи омиллар ҳамда уларнинг имкониятларини ўрганиш
3.	Олий таълим тизимида Насаф ва Кеш мутафаккирларининг педагогик қарашларини татбиқ этишга йўналтирилган машғулотлар ҳамда аудиториядан ташқари маънавий-маърифий ишларни ўтказишга оид методик ишланмалар (маънавий-маърифий ишлар режаси, турли мавзулардаги тадбирларнинг сценарийлари)ни тайёрлаш
4.	Олий таълим тизимида Насаф ва Кеш мутафаккирларининг педагогик қарашларини самарали татбиқ этиш ўтказишга имкон берувчи қулай педагогик шарт-шароитни юзага келтириш
5.	Олий таълим тизимида Насаф ва Кеш мутафаккирларининг педагогик қарашларини татбиқ этишга оид машғулот ва тадбирларни ўтказишда хилма-хил, шу жумладан, интерфаол методлардан фойдаланишига эришиш
6.	Олий таълим тизимида Насаф ва Кеш мутафаккирларининг педагогик қарашларини татбиқ этишда дидактик ва техник воситалар (шу жумладан, кўргазмали қуроллар), ахборот технологиялари ва илғор педагогик технологиялардан самарали фойдаланиш
7.	Олий таълим тизимида Насаф ва Кеш мутафаккирларининг педагогик қарашларини самарали татбиқ этишда талабалар фаоллик кўрсатишларининг чора-тадбирларини белгилаш
8.	Олий таълим тизимида Насаф ва Кеш мутафаккирларининг педагогик қарашларини татбиқ этиш борасидаги муайян хулосаларни шакллантириш
9.	Олий таълим тизимида Насаф ва Кеш мутафаккирларининг педагогик қарашларини татбиқ этишга қаратилган педагогик фаолият

натижаларига кўра янада юқори самарадорликка эришишга имкон берувчи илмий-методик тавсияларни ишлаб чиқиш

Педагогик йўналишларда амалга оширилувчи тажриба-синов ишлари умумий ҳолда қуйидаги вазифаларни бажаришга хизмат қилади:

- мавжуд илмий-педагогик билимларни янада бойитиш;
- педагогик жараён ҳамда назарий тадқиқотлар учун материаллар тақдим этиш;
- аниқ муаммоларни қўйиш;
- тақдим этилаётган ўқув материаллари ва педагогик концепцияларни текшириш;
- самарадор шакл ва методларни тавсия этиш⁹³.

Назарий-педагогик фикрлар назария ва амалиёт муносабатларидаги муаммоларнинг объектив долзарблигини юзага чиқаради. Шунингдек, педагогик тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, назария ва амалиётнинг ўзаро таъсири самарадорлигини ошириш заруриятини кун тартибига қўяди. Тадқиқот учун танланган муаммо унинг негизида ҳал этилувчи масалаларнинг бирлиги, улардан ҳар бирининг аниқ мазмуни ва аҳамиятини сақлаган ҳолда, фақат методологик даражада қаралиши билангина таъминланиши мумкин.

Педагогик тадқиқотларда назария ва амалиёт бирлигига эриша

⁹³ Курбонов Ш., Сейтхалилов Э. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури: педагогик илмий тадқиқот муаммолари ва йўналишлари. – Тошкент: Фан, 1999. – 98-бет.

олмаслик фақатгина зиддиятларни чуқурлаштиради. Шу сабабли Олий таълим тизимида Насаф ва Кеш мутафаккирларининг педагогик қарашларини татбиқ этишда ҳам илгари сурилаётган назарий ғояларнинг амалиётга қанчалик мос келишини ўрганиш тақозо этилади.

Ўрганилувчи тажриба даврида муаммонинг қуйидаги жиҳатларини таҳлил этишга эътибор қаратилди:

1) олий таълим муассасалари педагогик жамоаси таълим тизимида Насаф ва Кеш мутафаккирларининг педагогик қарашларини татбиқ этишга оид манбалар билан қай даражада қуроллантирилган;

2) олий таълим муассасаларининг маънавий-маърифий ишлар режасидан Насаф ва Кеш мутафаккирларининг педагогик қарашларини тарғиб этишга оид тадбирлар қай даражада ўрин олган;

3) олий таълим муассасаларида ўқув машғулоти хамда маънавий-маърифий тадбирларни ўтказиш орқали талабаларда миллий қадриятларга ҳурмат ҳиссини тарбиялашда кўзга ташланувчи муаммоларнинг мавжудлиги;

4) олий таълим муассасаларида ўқув машғулоти хамда маънавий-маърифий тадбирларни ўтказишда қандай самарали шакл, метод ва воситалардан қай даражада фойдаланилиши;

5) талабаларнинг Насаф ва Кеш мутафаккирларининг педагогик қарашларига оид билимларга эғаликлари.

Тажриба-синов ишлари дастлабки босқичидаги ўрганишлар шуни кўрсатдики, олий таълим муассасаларида фан ўқитувчилари хамда академик

гуруҳларнинг раҳбарлари талабалар ўртасида Насаф ва Кеш мутафаккирларининг педагогик қарашларига оид манбалар билан қисман таъминланган бўлсалар-да, бироқ улар мазкур йўналишда кенг қўламли маърифий ишларни амалга ошириш тажрибалари юқори эмас. Анкета сўрови, суҳбут ва давра суҳбатлари даврида уларнинг деярли 82 фоизи бир овоздан юқоридаги фикрни билдиришди. Дарҳақиқат, кутубхоналардаги мавжуд адабиётлар билан танишиш мустақиллик йилларида мавзуга доир қуйидаги адабиётлар яратилганлиги маълум бўлди:

1. Носир Муҳаммад. Насаф ва Кеш алломалари. – Тошкент: Ғофур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2006. – 126 бет.

2. Ҳомидий, Ҳамиджон. Тасаввуф алломалари. – Тошкент: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2004. – 206 бет.

3. Насафий, Азизиддин. Зубдат ул-ҳақойиқ (Ҳақиқатлар қаймоғи). – Тошкент: Камалак, 1995. – 55 бет.

4. Насаф ва Кеш тарихи манбаларда / Республика илмий-назарий конференцияси материаллари. Масъул муҳаррир О.Бўриев. – Тошкент: Қарши давлат университети, 2010. – 265 бет.

5. Ан-Насафий, Нажмуддин. Самарқандия. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2001. – 303 бет.

Номлари қайд этилган адабиётлар Насаф ва Кеш мутафаккирларининг ҳаёти ва фаолиятига доир тарихий манбалар саналади. Улар Насаф ва Кеш мутафаккирларининг ҳаёти ва фаолиятига оид назарий билимларни беради.

Айни вақтда ана шу назарий билимларни олий таълим амалиётига татбиқ этишга доир методик манбаларни яратиш эҳтиёжи мавжуд.

Олий таълим муассасаларининг фаолиятини ўрганиш, уларнинг маънавий-маърифий ишлар режаси билан таниш вақтида эса бу йўналишда ечимини кутаётган вазифалар мавжудлиги аниқланди. Бу йўналишда асосан олий таълим муассасаларида, хусусан, Қарши давлат университетида Насаф ва Кеш мутафаккирларининг маънавий меросини ўрганишга доир илмий-назарий конференциянинг ташкил этилади. Олий таълим муассасалари маънавий-маърифий ишлар режасидан ана шу тадбирни ташкил этиш тадбири ўрин олган. Бироқ, уларда айнан маърифий тадбирлар воситасида талабаларда миллий қадриятларга ҳурмат ҳиссини шакллантиришга оид тадбирлар ўрин олмаган ёки асосий эътибор бу масалага қаратилмаган.

Олий таълим муассасалари фаолиятини ўрганиш уларда маърифий тадбирларни ташкил этиш орқали талабаларда миллий қадриятларга ҳурмат ҳиссини шакллантиришда қуйидаги муаммолар мавжуд эканлигини кўрсатди:

1) олий таълим муассасаларида маърифий тадбирларни ўтказиш орқали талабаларда миллий қадриятларга ҳурмат ҳиссини шакллантириш масаласига жиддий эътибор қаратилмайди;

2) гуруҳларнинг раҳбарлари ва фан ўқитувчилари маърифий тадбирларни ўтказиш орқали талабаларда миллий қадриятларга ҳурмат ҳиссини шакллантиришга доир назарий манбалар (махсус адабиётлар,

методик ишланмалар)га эга эмаслар;

3) талабалар Насаф ва Кеш мутафаккирларининг педагогик карашлардан етарлича хабардор эмаслар ва уларни ўрганиш ижтимоий зарурият ва маънавий эҳтиёж эканлигини баҳолай олмайдилар.

Бу муаммолар ўз-ўзидан олий таълим муассасаларининг талабаларда миллий қадриятларга ҳурмат ҳиссини ошириш йўлида кенг кўламли тадбирларни амалга ошириш зарурлигидан далолат беради.

Ўрганувчи тажриба даврида юқорида қайд этилган муаммоларни инобатга олган ҳолда уларни бартараф этиш юзасидан методик тавсиялар ишлаб чиқилди. Улар қуйидагилардан иборат бўлди:

1) олий таълим муассасаларида маърифий тадбирларни ўтказиш орқали талабаларда миллий қадриятларга ҳурмат ҳиссини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш;

2) олий таълим муассасаларининг маънавий-маърифий ишлар режасидан маърифий тадбирларни ташкил этиш орқали талабаларда миллий қадриятларга ҳурмат ҳиссини шакллантиришга доир тадбирларнинг ўрин олишига эришиш;

3) гуруҳ раҳбарлари ва фан ўқитувчилари маърифий тадбирларни ташкил этиш орқали талабаларда миллий қадриятларга ҳурмат ҳиссини шакллантиришга доир назарий манбалар (методик ишланмалар) билан қуроллантириш.

Тажриба даврида фан ўқитувчилар ва гуруҳларнинг раҳбарлари

эътиборига олий таълим муассасаларида маърифий тадбирларни ташкил этиш орқали талабаларда миллий қадриятларга ҳурмат ҳиссини шакллантиришга имкон берувчи қуйидаги адабиётлар рўйхати ҳавола этилди:

1. Носир Муҳаммад. Насаф ва Кеш алломалари. – Тошкент: Ғофур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2006.

2. Ҳомидий, Ҳамиджон. Тасаввуф алломалари. – Тошкент: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2004.

3. Насафий, Азизиддин. Зубдат ул-ҳақойиқ (Ҳақиқатлар қаймоғи). – Тошкент: Камалак, 1995.

4. Насаф ва Кеш тарихи манбаларда / Республика илмий-назарий конференцияси материаллари. Масъул муҳаррир О.Бўриев. – Тошкент: Қарши давлат университети, 2010.

5. Ан-Насафий, Нажмуддин. Самарқандия. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2001.

Шундай қилиб, олий таълим муассасаларининг фаолияти билан танишиш, талабаларда миллий қадриятларга ҳурмат ҳиссининг шаклланганлик даражасини дастлабки ўрганиш бу борадаги аҳвол қониқарли эмаслигини кўрсатди. Шу сабабли асосий босқич тажриба-синов ишлари даврида маърифий тадбирларни ташкил этиш орқали талабаларда миллий қадриятларга ҳурмат ҳиссини шакллантиришда самарадорликка эришишга алоҳида эътибор қаратилди.

3.2. Олий таълим муассасалари амалиётига тизимига Насаф ва Кеш мутафаккирларининг педагогик қарашларини татбиқ этишнинг самарали шакл ва методлари

Олий таълим муассасалари амалиётига Насаф ва Кеш мутафаккирларининг педагогик қарашларини татбиқ этиш йўлида ташкил этиладиган маърифий тадбирлар ўз моҳиятига кўра талабаларга улар тўғрисидаги назарий маълумотларни бериш, устувор ғояларни англаш, шунингдек, уларда ўзларида ижобий маънавий-ахлоқий сифатларини тарбиялашга ёрдам беради.

Олий таълим муассасаларида Насаф ва Кеш алломаларининг педагогик қарашлари борасидаги маърифий тадбирларни ташкил этишда турли шакл, метод ва воситалардан фойдаланиш имкониятлари мавжуд.

Асосий босқич тажриба ишларини ташкил этишда дастлаб Насаф ва Кеш мутафаккирларининг педагогик қарашларига оид маърифий тадбирларни ташкил этиш орқали талабаларда миллий қадриятларга ҳурмат ҳиссини шакллантиришга оид қуйидаги режа ишлаб чиқилди.

Тажриба-синов ишлари даврида олий таълим муассасаларининг маънавий-маърифий ишлар режасида қуйидаги тадбирлар ўз аксини топди (2-жадвал):

2-жадвал. Олий таълим амалиётига Насаф ва Кеш мутафаккирларининг педагогик қарашларини татбиқ этишга оид маънавий-маърифий ишлар режаси

№	Тадбирлар номи	Шакли	Ташкил этиш вақти, жойи	Масъул шахс	Изоҳ
1.	Қадимги Насаф ва Кеш маданий тараққиётининг миллий таълим-тарбия ривожигаги ўрни	Талабалар конференцияси	Сентябр	Гуруҳ раҳбарлари, фан ўқитувчилари, талабалар	
2.	Насафлик мутафаккирларимиз асарларида шахс маънавияти масалаларининг асосланиши ва таълим-тарбия муаммоларининг ёритилиши	Ҳафталик	Октябр	Гуруҳ раҳбарлари, фан ўқитувчилари, талабалар	
3.	Насафийларнинг фалсафий қарашлари	Давра суҳбати	Ноябр	Гуруҳ раҳбарлари, фан ўқитувчилари, талабалар	
4.	Насафлик мутафаккирларнинг ҳадис илми ривожланишини таъминлашдаги роли	Учрашув	Декабр	Гуруҳ раҳбарлари, фан ўқитувчилари, талабалар	
5.	Комил инсон қиёфаси Азизиддин Насафий ибн Муҳаммад талқинида	Ижодий ишлар танлови	Январ	Гуруҳ раҳбарлари, фан ўқитувчилари,	

				талабалар	
6.	Психология тарихини ўқитишда Нажмуддин ан-Насафий меросидан фойдаланиш	Намойиш	Феврал	Гуруҳ раҳбарлари, фан ўқитувчилари, талабалар	
7.	Амир Хусрав Дехлавий асарларида шахс маънавияти масалаларининг ёритилиши	Кеча	Март	Гуруҳ раҳбарлари, фан ўқитувчилари, талабалар	
8.	Насаф ва Кеш алломалари – бизнинг фахримиз	Музей экскурсияси	Апрел	Гуруҳ раҳбарлари, фан ўқитувчилари, талабалар	
9.	Насаф ва Кеш алломалари ҳаёти ва фаолиятига оид журнал яратиш	Кўрик-танлов	Май	Гуруҳ раҳбарлари, фан ўқитувчилари, талабалар	

Тадбирларни амалга оширишда қуйидагиларга аҳамият қаратилди:

1) тадбирларнинг муайян тизим асосида изчил, узлуксиз ҳамда мақсадга мувофиқ ташкил этилиши;

2) ҳар бир тадбирнинг аниқ ва пухта ишланган лойиҳага мувофиқ ўтказилиши;

3) ҳар бир тадбирнинг самарали ташкил этилиши учун пухта тайёргарлик кўриш;

4) тадбирларда респондент-талабаларнинг ихтиёрий ва эркин катнашишларини таъминлаш;

5) уларни уюштириш ҳамда ташкил этишда “Насафий ва Кешийлар меросини ўрганиш илмий маркази”нинг имкониятларидан самарали фойдаланиш;

6) ҳар бир тадбир ўтказилгандан сўнг респондент-талабалар билан мулоқот ташкил этиб, уларнинг мазкур тадбирга нисбатан муносабатларини ўрганиш.

Шундай қилиб, қозоқ-ўзбек мактабларида ўтказиладиган маданий-оммавий тадбирларнинг фестивал, акция, кеча, кўрик-танлов, туркум спорт мусобақалари, тақдимот ва намойиш каби шаклларда ташкил этилиши ва ўтказилиши ўқувчиларни байналмилаллик руҳида самарали тарбиялашга ёрдам беради.

3.3. Тажриба-синов ишларининг умумий моҳияти ва самарадорлик даражаси

Муайян муаммо доирасида ташкил этилаётган тажриба-синов ишларининг пухта, мукамал ишлаб чиқилган махсус дастур асосида олиб борилиши, аввало, ушбу муаммонинг ижобий ечимга эга бўлишини кафолатласа, иккинчидан, тадқиқ этилаётган муаммо юзасидан билдирилаётган назарий ғояларнинг илмий жиҳатдан асосланиши ҳамда уларнинг ҳаққонийлигини таъминлайди.

Тажриба-синов ишларини олиб бориш бўйича ишчи дастур ишлаб чиқилди. Унинг мазмунида олий таълим муассасаларида Насаф ва Кеш мутафаккирларининг педагогик қарашларига оид маърифий тадбирларни ташкил этиш орқали талабаларда миллий қадриятларга ҳурмат ҳиссини шакллантиришга йўналтирилган тажриба-синов ишларини ташкил этишдан кўзланган мақсад, бу борада ҳал этилиши кўзда тутилган вазифалар,

тажриба-синов ишларининг ташкил этилиш босқичлари, ҳар бир босқичнинг жузъий хусусиятлари, шунингдек, уларнинг назарий ва статистик таҳлилини ташкил этиш шартлари каби ҳолатлар ўз ифодасини топди. Қуйида мазкур ишчи дастурнинг мазмуни хусусида батафсил сўз юритилади.

Олий таълим муассасаларида Насаф ва Кеш мутафаккирларининг педагогик қарашларига оид маърифий тадбирларни ташкил этиш орқали талабаларда миллий қадриятларга ҳурмат ҳиссини шакллантиришга йўналтирилган тажриба-синов ишлари қуйидаги босқичларда амалга оширилди:

1. Ташкилий-тайёргарлик босқичи – унда олий таълим муассасаларида Насаф ва Кеш мутафаккирларининг педагогик қарашларига оид маърифий тадбирларни ташкил этиш орқали талабаларда миллий қадриятларга ҳурмат ҳиссини шакллантиришга оид тадбирлар режаси ишлаб чиқилди, уларнинг мазмуни асосланди, тадбирларнинг ўтказилиш тартиби белгиланди.

2. Асосий босқич – унда олий таълим муассасаларида Насаф ва Кеш мутафаккирларининг педагогик қарашларига оид маърифий тадбирларни ташкил этиш орқали талабаларда миллий қадриятларга ҳурмат ҳиссини шакллантиришга оид дастур асосида амалий фаолият (турли тадбирлар) ташкил этилди.

3. Якуний босқич – унда олий таълим муассасаларида Насаф ва Кеш мутафаккирларининг педагогик қарашларига оид маърифий тадбирларни ташкил этиш орқали талабаларда миллий қадриятларга ҳурмат ҳиссини

шакллантиришга қаратилган амалий фаолият якунлари умумлаштирилди ва асосий натижалар таҳлил этилди.

Олий таълим муассасаларида Насаф ва Кеш мутафаккирларининг педагогик қарашларига оид маърифий тадбирларни ташкил этиш орқали талабаларда миллий кадриятларга ҳурмат ҳиссини шакллантиришга йўналтирилган тажриба-синов ишлари қуйидаги методларга таянилган ҳолда амалга оширилди:

1. Педагогик кузатув.
2. Анкета методи.
3. Суҳбат методи.
4. Интервью методи.
5. Педагогик тажриба методи.
6. Интерфаол методлар.
7. Математик-статистик метод (Беспалько методи).

Тажриба-синов ишлари даврида бу жараёнга жалб этилган талабаларга қуйидаги анкета тарқатилиб, улардан жавоблар олинди:

1. Насаф ва Кеш алломаларидан кимларни биласиз?
2. Насаф ва Кеш алломаларининг Мовароуннаҳр маданий тараққиётидаги ўрни ва ролини қандай баҳолайсиз?
3. Насаф ва Кеш алломаларининг қандай асарларидан хабардорсиз?
4. Ҳадис илмининг ривожланишига ҳисса қўшган Насаф ва Кеш алломалардан кимларни биласиз?

5. Насаф ва Кеш алломаларининг асарларида қандай фалсафий фикрлар баён этилган?

6. Азизиддин Насафийнинг маънавият ва комил инсон қиёфаси борасидаги фикрларига муносабатингиз қандай?

7. Нажмуддин ан-Насафийнинг “Самарқандия” асарининг ғазмуни ва устувор ғоялари нималардан иборат?

8. Нажмуддин ан-Насафийнинг илмий меросида қандай психологик ғоялар ўз аксини топган?

9. Амир Хусрав Деҳлавий асарларида шахс маънавиятига доир қандай фикрлар Сизнинг эътиборингизни тортди?

Тадқиқотни олиб бориш даврида талабаларнинг Насаф ва Кеш мутафаккирларининг педагогик қарашларидан хабардорлик даражасини аниқлашга имкон берувчи мезонлар ишлаб чиқилди. Яъни:

1. Насаф ва Кеш шаҳарларида яшаб, ижод қилган мутафаккирларнинг шахси ва фаолиятига оид маълумотлардан хабардорлик.

2. Насаф ва Кеш алломаларининг Мовароуннаҳр маданий таракқиётидаги ўрни ва ролини баҳолай олиш.

3. Насаф ва Кеш алломаларининг асарлари ҳамда фалсафий фикрларини шахсий фаолиятда қўллай олиш.

Мазкур мезонлар бўйича ўқувчиларнинг байналмилаллик руҳида тарбияланганликлари бир неча даражада гуруҳланди. Яъни:

1) юқори даража – Насаф ва Кеш шаҳарларида яшаб, ижод қилган мутафаккирларнинг шахси ва фаолиятига оид маълумотлардан яхши хабардор; Насаф ва Кеш алломаларининг Мовароуннаҳр маданий тараққиётидаги ўрни ва ролини муносиб баҳолай олади; Насаф ва Кеш алломаларининг асарлари ҳамда фалсафий фикрларини шахсий фаолиятда қўллашга ҳаракат қилади;

2) ўрта даража – Насаф ва Кеш шаҳарларида яшаб, ижод қилган мутафаккирларнинг шахси ва фаолиятига оид маълумотлардан қисман хабардор; Насаф ва Кеш алломаларининг Мовароуннаҳр маданий тараққиётидаги ўрни ва ролини гарчи муносиб баҳолай олмаса-да, бироқ бу борада ўз мулоҳазаларини айтишга уринади; Насаф ва Кеш алломаларининг асарлари ҳамда фалсафий фикрларини шахсий фаолиятда қўллашга ҳаракат қилади;

3) паст даража – Насаф ва Кеш шаҳарларида яшаб, ижод қилган мутафаккирларнинг шахси ва фаолиятига оид маълумотлардан хабардор эмас, шу боис уларининг Мовароуннаҳр маданий тараққиётидаги ўрни ва ролини мутлақо баҳолай олмайди.

Тажриба-синов ишларининг дастлабки ва якуний босқичларида олий таълим муассасаларида ташкил этилувчи маърифий тадбирлар таъсирида талабаларнинг миллий қадриятларга ҳурмат ҳиссига эгаликлари миқдор кўрсаткичлари бўйича ҳам аниқланди. Махсус методиканинг самарадорлиги ва тажриба-синов ишларининг тўғри ташкил этилганлигини аниқлаш мақсадида миқдор кўрсаткичларининг тажриба ва назорат гуруҳларида қайд

этилишига эътибор қаратилди. Тажриба-синов ишларига жами 176 нафар талаба жалб этилиб, улар тасодифий танлов асосида тажриба ва назорат гуруҳларига бириктирилдилар. Тажриба гуруҳи 87, назорат гуруҳи эса 89 нафар талабани қамраб олди. Ўрганувчи ва назорат қилувчи тажриба даврида қўлга киритилган кўрсаткичлар қуйидаги жадвалда берилди (1 ва 2-жадваллар):

1-жадвал. Талабаларнинг Насаф ва Кеш мутафаккирларининг педагогик карашларидан хабардорликлари ифодаловчи кўрсаткичлар (дастлабки тажриба)

Тажриба-синов босқичи	Экспертларнинг умумий сони = 176 нафар					
	Тажриба гуруҳлари $n_1 = 87$ нафар			Назорат гуруҳлари $n_2 = 89$ нафар		
	Қуйи	Ўрта	Юқори	Қуйи	Ўрта	Юқори
Ўрганувчи тажриба	51	25	11	54	21	14

2-жадвал. Талабаларнинг Насаф ва Кеш мутафаккирларининг педагогик карашларидан хабардорликлари ифодаловчи кўрсаткичлар (якуний тажриба)

Тажриба-синов босқичи	Экспертларнинг умумий сони = 176 нафар					
	Тажриба гуруҳлари $n_1 = 87$ нафар			Назорат гуруҳлари $n_2 = 89$ нафар		
	Қуйи	Ўрта	Юқори	Қуйи	Ўрта	Юқори
Назорат қилувчи тажриба	12	37	38	43	26	20

Ўрганувчи ва назорат қилувчи тажриба натижаларини ўзаро қиёслаш мақсадида қуйидаги жадвал ҳосил қилинади (3-жадвал):

3-жадвал. Талабаларнинг Насаф ва Кеш мутафаккирларининг педагогик қарашларидан хабардорликлари кўрсаткичларининг динамик ўзгариши

Тажриба-синов босқичлари	Экспертларнинг умумий сони қ 176 нафар					
	Тажриба гуруҳлари n ₁ қ 87 нафар			Назорат гуруҳлари n ₂ қ 89 нафар		
	Қуйи	Ўрта	Юқори	Қуйи	Ўрта	Юқори
Дастлабки тажриба	51	25	11	54	21	14
Якуний Тажриба	12	37	38	43	26	20

Педагогик йўналишларда олиб бориладиган тадқиқотларда тажриба-синов ишларининг самарадорлигини аниқлаш мақсадида математик-статистик таҳлил амалга оширилади. Ана шу анъанага таянган ҳолда математик-статистик таҳлил амалга оширилди ва таҳлил учун Беспалько методи танланди.

Математик-статистик таҳлил учун талабаларнинг Насаф ва Кеш мутафаккирларининг педагогик қарашларидан хабардорликларини ифодаловчи кўрсаткичлар (3-жадвал) қабул қилинди. Ушбу кўрсаткичлар Беспалько методи моҳиятини ифодаловчи қуйидаги формула ёрдамида математик-статистик таҳлил этилди:

$$K = \frac{a \times 5 + a \times 4 + a \times 3}{P};$$

Ўрганувчи ва назорат қилувчи тажриба кўрсаткичлари бўйича амалга оширилган математик-статистик таҳлил натижасида қуйидаги кўрсаткичлар кўлга киритилди (4-жадвал):

4-жадвал. Математик-статистик таҳлил натижалари

Тажриба гуруҳларида	Назорат гуруҳларида
Ўрганувчи тажриба	
$K = \frac{11 \times 5 + 25 \times 4 + 51 \times 3}{87} = 3,54$	$K = \frac{14 \times 5 + 21 \times 4 + 54 \times 3}{89} = 3,55$
Оралиқ фарқ	
$\chi - \gamma = 3,54 - 3,55 = -0,01$	
Назорат қилувчи тажриба	
$K = \frac{38 \times 5 + 37 \times 4 + 12 \times 3}{87} = 4,30$	$K = \frac{20 \times 5 + 26 \times 4 + 43 \times 3}{89} = 3,74$
Оралиқ фарқ	
$\chi - \gamma = 4,30 - 3,74 = 0,56$	

Методика моҳиятига кўра ҳосил бўлган қийматлар асосида тажриба ва назорат гуруҳларига бириктирилган талабаларнинг Насаф ва Кеш мутафаккирларининг педагогик карашларидан хабардорликларини ифодаловчи кўрсаткичлар ўртасида топилган айирма қийматлари қуйидаги ишончлик оралиғида бўлиши лозим:

$$(-1,96 \cdot \sqrt{0,007}; \quad 1,96 \cdot \sqrt{0,0007}) = (-0,16; \quad 0,16)$$

Ҳисоб-китоб натижаларига кўра назорат қилувчи тажриба даврида тажриба ва назорат гуруҳларида қайд этилган кўрсаткичлар ўртасидаги фарқ ҳосил бўлган қийматнинг ишончлилик оралиғига тушмаслигини кўрсатади. Бу ҳолат тажриба-синов ишларининг самарали ташкил этилганлигини

тасдиқлайди.

Шундай қилиб, сўнгги босқич тажриба натижалари синов учун тавсия этилган Олий таълим муассасалари амалиётига Насаф ва Кеш мутафаккирларининг педагогик қарашларини татбиқ этишга оид методиканинг самарадорлигини тасдиқлади.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

1. Назарий ўрганиш натижасида IX асрдан бошлаб XX асргача бўлган давр оралиғида Насаф ва Кеш шаҳарларида юзга яқин алломалар яшаб ўтганликлари, улар томонидан бой маданий-маърифий мерос қолдирилганлиги аниқланди.

2. Насаф ва Кеш мутафаккирларининг айримлари томонидан ўзида таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш, комил инсонни тарбиялашга оид масалаларни ёритган асарлар ҳам яратилган.

3. XVIII асрда яшаб ижод қилган насафлик алломалардан бири Азизиддин Насафий асарларида ҳам таълим-тарбияга оид ғоялар ўз ифодасини топган.

5. Азизиддин Насафийнинг комиллик эришиш ва комилликнинг мақоми борасидаги фикрлари қимматли бўлиб, улардан бугунги кунда ҳам ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш, уларда инсоний фазилатларни шакллантиришда самарали фойдаланиш мумкин.

6. Тажриба-синов ишларини олиб бориш натижаларига кўра олий таълим амалиётига Насаф ва Кеш мутафаккирларининг педагогик қарашларини самарали татбиқ этиш талабаларда миллий қадриятларга ҳурмат ҳиссини шакллантиришга хизмат қилиши тасдиқланди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Тошкент: Ўзбекистон, 1995. – 139-140-бетлар.

2. Носир Муҳаммад. Насаф ва Кеш алломалари. – Тошкент: Ғофур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2006. – 126 бет.

3. Ҳомидий, Ҳамиджон. Тасаввуф алломалари. – Тошкент: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2004. – 206 бет.

4. Насафий, Азизиддин. Зубдат ул-ҳақойиқ (Ҳақиқатлар қаймоғи). – Тошкент: Камалак, 1995. – 55 бет.

5. Насаф ва Кеш тарихи манбаларда / Республика илмий-назарий конференцияси материаллари. Масъул муҳаррир О.Бўриев. – Тошкент:

Қарши давлат университети, 2010. – 265 б.